

TIL – BOYLIK

Тил — тирик ҳодиса. Барча жонлилар каби у ҳам ўсади, ривожланади, ўзгаради, тургунлашади, бойийди, яхшидир-ёмондир одатларга «ўрганеди». Ундаги бу жараёнлар ёндош, йўлдош, замонавий, янги нарса-ҳодисалар орқали ўзга тиллар билан биргаликда, миллатнинг куюнчак ойдinлари туфайли ўз илдизидан сув ичиб кечади.

Замон тараққиёти тин олмайди. Техника-технология тўхтовсиз ривожланмоқда. Яқингинагача ҳам янгилик анча муддат янгиликлигича турган бўлса, ҳозир ниҳоятда тез эскирмоқда. Ҳаётимизга бу техник-технологик янгиликлар билан биргаликда улар билан боғлиқ номлар, яъни янги сўзлар ҳам кириб келмоқда. Уларнинг кўпи тилимизга шундайича, ўзгаришсиз ўзлашмоқда.

Бундай янгиликлардан фойдаланиш оммавий тус олиб бормоқда. Табиийки, улар билан боғлиқ сўз-атамалар ҳам шундай оммалашади. Бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ аслида. Шунчаки, бугун ўз номи билан кириб келган янгиликнинг моҳияти англаниб улгурганда, балки ўз тилимиздаги сўз билан аташ маъқулдир... Буни эса эътибор билан изланса, тилимиздан — қайси бир шеваимиздан чиқади. Адабий тилимизни ўз сўзларимиз билан бойитиш имкони шеваларимизда ниҳоятда чексиз. Унда бугун тилимизда бошқа тиллардан олинган сўзлар билан аталувчи нарса-ҳодисалардан ташқари замонавий яратилган атовчи, шунга яроқли сўзлар жуда кўп. Фақат буни ишташ ва излаш лозим.

Шевалар адабий тилнинг битмас-туганмас манбаи, ўз истеъмолчиларининг хосликларини ифодалаш, кўрсатиш воситаси. Шевалар ҳудудларимиз яшовчиларини бошқа ҳудудлардагилардан яққол фарқлаб турса, адабий тил миллат бирлигини тимсоллайди. Шеванинг кўплиги миллатнинг маънавий салоҳияти, ижодий иқтидори не қадар юқорилигини англатади. Адабий тил эса шу миллат вакилларининг барча ўзига хосликлари билан биргаликда ягона умумий томирга эга эканини кўрсатади. Бир миллатлиларнинг бир-бирларини тушунмасликларидан ортиқ фожеа бўлмаса керак. Фақат бир тилда — барча шевалар ва дунё тилларидан алмаштириб бўлмас сўзлар йиғилиб, яратилган адабий тилда мулоқот қилган миллатгина ўзининг бир эканини билади, барчасига бирдек тегишли мақсад, гоё атрофида уюша олади. Тилларимиз (асосан талаффуз) фарқли бўлишига қарамай, дилларимиз бир-ку, аслида. Дил бирлиги эса тил бирлигида акс этади. Шу ҳолдагина, яъни дилу тили бирларгина миллий манфаат йўлида бирлашади.

Тасаввур қилинг, қонун ижодкорлари ҳужжатлари матнини шевасида берса, матбуот гапини ўз шевасида айтаверса, домла маърузасини тоза шевасида қилса! Шу маънода, ҳар қандай расмий мулоқот расмий, яъни адабий тилда бўлиши керак. Бунга эса бизда асос бор, бунга бизнинг ҳаммамиз истисносиз тайёрмиз. Негаки, мактабларда дарсларимиз фақат адабий тилда ўтилади. Негаки, адабий тилда ишланиб, тасдиқланган дастур асосида, адабий тилда тайёрланган дарсликлар бўйича фақат адабий тилдагина иш юритиш мумкин. Мактаб, лицей-коллежларда, олий ўқув юртларида адабий тилда таълим олган шахслар, табиийки, шу тил асосидаги мулоқотга тайёр. Чунки улар умрининг ўн беш йили шу тил билан ўтган.

Шу ўринда тил бирлиги, миллий тилимиз қадри, мақоми юзасидан яна бир мулоҳаза келиб чиқади. Бугун юртимизда ишбилармонликка, унинг ривожига барча шароит яратиб қўйилган. Кунда бўлмаса, кун ора бирор тадбиркорлик субъекти очилади. Бу яхши. Фақат бу яхшининг бир ёмони борки, ўйи борни ўйлантирмай қўймайди. Негадир тадбиркорларимиз иш-



Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat va sport
ishlari vazirligi**

Tahririyat:

Bosh muharrir

vazifasini bajaruvchi:

Jalolbek YO'LDOSHBKOV

Bosh muharrir o'rinbosari:

Manzura SHAMS

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbirlar:

Mashrab NURINBOYEV,

Ahmad TO'RA

sahifalash va dizayn:

Temur SODIQOV,

Nigina QODIROVA

navbatchi muharrir:

Nilufar HAYITOVA

Jamoatchilik kengashi:

Muhammad ALI

O'zbekiston Yozuvchilar

uyushmasi raisi

Fotih JALOLOV

O'zbekiston Respublikasi

Madaniyat va sport ishlari

vazirining birinchi o'rinbosari

Mahmud ISMOILOV

O'zbek Milliy akademik

drama teatri direktori

Suvon NAJBIDDINOV

«Matbuot tarqatuvchi»

AK Bosh direktori

Abdulahob NURMATOV

Andijon viloyati hokimligi

mas'ul xodimi

Baxtiyor SAYFULLAYEV

O'zbekiston davlat san'at va

madaniyat instituti rektori

Norbek TOYLOQOV

Pedagogika fanlari doktori,

professor

Jahongir QOSIMOV

«O'zbekkino» Milliy agentligi

Bosh direktori

Rustam QOSIMOV

«O'zbekiston pochta»

OAK Bosh direktori

E-mail: gulistonjurnali@inbox.uz
guliston_j@exat.uz

USHBU SONDA:

Nilufar HAYITOVA

Ustozlik — martaba

Abdug'afur MAMATOV

**Nigohingdan najot
izladim**

Manzar ABDULXAYROV

Nur sog'inchi

To'lqin JO'RAYEV

**Ma'naviyatga daxldor
dargoh**

Lola FATTOYEVA

**U nikoh marshini
yozgandi...**

Muhiddin TINIBEKOV

Ehtiyot bo'ling, olov!

Nigina QODIROVA

Bayram liboslari

Asqarali SULAYMONOV

**Impressionizmning
«tug'ilgan kuni»**

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 18.03.2008-yilda ro'yxatga olingan.

Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi.

Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin.

«Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart.

Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 60x841/8. Buyurtma №92. Adadi: 1020 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq. Bosmaxonaga 17.10.2014- yilda topshirildi. Bosishga 17.10.2014- yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.

Jurnal «Mezon Print» XK bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent shahri, Kichikbeshyog'och ko'chasi, 130-uy.

лари, ишхоналари, ишлаб чиармишларини ҳатто ўзлари ҳам асл маъносини билмайдиган ажнабий сўзлар билан аташмоқда. Бугун мухташам бинолардан ташқари улардаги ёзувларни кўриб ҳам ўзини чет элда юргандек туяди киши. Қасққа қарама, «Bellaza», «Verona», «Bonanza», «Sultan Said», «Aladin», «Rome» ва ҳоказо сингари номлар кўзни қамаштиради. Бунинг устига уларнинг кўпчилиги миллий таомларимизга ихтисослашган емакжойлар бўлса, айримлари чойхона. Наҳот дунёнинг бошқа тилларида учрамайдиган «божа», «бўла» каби қариндошларни аташга қодир ягона тилда бундай жойларни номлашга сўз топилмаса?! Қолаверса, «Ўзбекистон миллий қомуси»нинг 12- жилди, 7- бетидеги «Умумий маълумотлар» мақоласида келтирилишича, 2005 йил маълумотларига кўра: «Ўзбекистонда 125 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, шу жумладан, ўзбеклар (80,0%), қорақалпоқлар (2,2%), тожиклар (4,9%), руслар (3,8%), қозоқлар (3,6%), татарлар (1,0%), корейслар (0,6%), украинлар (0,3%) ва б. миллат вакиллари (2,7%) яшайди». Агар шу маълумотларга таяниб фикр юритилса, тадбиркорлик субъектларининг асосий истеъмолчилари она тили давлат тили бўлмиш ўзбеклар экани англашилади. «Мы открылись», «Салон красоты», «Мир ковров» ва бошқа кўплаб чақирувларга юқоридаги статистик маълумотга кўра, 10 тадан 8 та ўзбек, 2 та бошқа миллат вакили киради. Бунинг устига 20% бошқа миллат вакили бўлмиш аҳоли ҳам бугун бошқа юртдан келган эмас, уларнинг асосий қисми бир неча авлод давомида шу ерда туғилиб-ўсган. Қолаверса, рус тили уларнинг ҳаммаси учун ҳам ягона мулоқот тили дея олмаймиз. Демакки, «Мы открылись» ўрнига «Иш бошладик», «Хуш келибсиз» тарзида ёзилса, ҳаммага бирдек тушунарли бўлаверади.

Шу ўринда қариндош-уруғни аниқ атовчи сўзларимиз бўлгани ҳолда, бу борада ҳам кўплаб камчиликлар юз кўрсатаётгани айтиб ўтилмаса бўлмас. Оғзаки мулоқотлар ҳам майли, ҳатто матбуотда ҳам қариндошлар атоғи жуда чалкаш берила бошлади. Тоғалар, айрим ўринларда почча-жезда-язналар ака; укалар, ҳатто болдизлар ҳам жиан атала бошлади матбуотда. Борган сари аёлларимиз «тоға»лашмоқда, яъни улар ака-укаларининг фарзандларини «жиан» атай бошлашган. Аёл чангороғи(оиласи)дан чиққач, яъни турмуш қургач, унга ўзи томондаги барча қариндош бирдай яқин бўлади. Шу сабабли ўзидан кичик барча йигитлар ука, барча қизлар сингил сифатида яқин аталади. Таъкидланаётган айни камчиликнинг ҳеч ҳам фожеа жойи йўқдай аслида. Бироқ тилимизда айни атоқлар бўлатуриб, улардан фойдаланмаслигимизда нима мантиқ, қандай манфаат бор?!

Буларнинг барчаси охир-оқибат келаётган авлод тилининг ғариблашувига олиб келади. Ёшларимиз тили аллақачон ўзлари «жаргон» атайдиган «олифта» сўзлар билан «бойиган». Улар гўзал, жуда кўркам, чиройли каби юксак эстетик ҳодисани «такой» дейишади. Алам қиладигани, «такой», «только», «точно», «срочно»чилар шу сўзлар олинган тилни умуман билмайдилар, табиийки, ўз тил «бойлик»лари аслида нима маъно англатишини тўлатўкис тушунишмайди. Асл моҳиятни тушунмай туриб ҳам сўзларни ишлатавериш, охир-оқибат, уларда гапираётганига нисбатан масъулиятни йўқотади. Айтаётганига шунчалар эътиборсизлардан эса ўз ҳаракатлари учун жавоб кутиш ўринсиз бўлса керак.

Чет тилларни ўрганиш, уларни ҳурматлаш, мақомини муносиб даражада тутиш ўз тилимиз ҳисобига бўлмаслиги лозимлиги оддийгина мантиқ билан асосланади. «Алпомиш»ли, «Хамса»ли ўзбек тили кўрки, тараққиёти фақат ўзимизгагина боғлиқ. Фақат бу масалада ҳам соғлом мантиқ, меъёр шарт. Бойликни шунчаки совурмоқ номаъқул эканидай, уни қадрламаслик ҳам ўринли эмас. Зеро, тил — бойлик. Уни асраб авайлаш, кўпайтириш, ўрнида фойдаланиш, меросхўрларга камчиликсиз етказиш ўзини шу тил ташувчисиман деган барчанинг бурчидир.

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ



Кексалар «Мартабанг улуг бўлсин», деб дуо қилаётганда катта-катта ишларга ишбоши бўлишни, бирор юксак натижаларга эришишни тилашади, деб ўйлардим. Бир куни онам қишлоқдошимизнинг шаҳарда ўқиб, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаётганини эшитиб «мартабали одам бўлибди-да», деб қўйдилар. Оддий ўқитувчиликнинг нимаси мартаба эканини сўрасам, «Устозликнинг ўзи катта мартаба-да!» деб жавоб бердилар. Ўйлаб кўрсам, онам ҳамишадагидек ҳақ экан...



Мамлакатимизда меҳнатда толмас, ҳар бир амали билан бошқаларга ўрнак бўлаётган, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатаётган фидойиларни юксак эътироф этишдек гўзал анъана бор. Айниқса, бунинг мустақиллик шоҳидоналари арафасида амалга оширилишида ҳикмат бордек. Бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан, бир қанча ҳамюртларимизнинг фидокорона меҳнатлари эътиборга олиниб, тақдирландилар. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Бахтиёр Каримов ҳам бор. Тошкент шаҳрининг Оқилон маҳалласида дунёга келган Бахтиёр ака бугун маҳалласи, меҳнат жамоаси, таниш-билишларининг фаҳрига айланди. Шу муносабат билан биз ҳам улар қувончига шерик бўлдик.

— Бахтиёр ака, меҳнатларингизнинг самараси ўлароқ, халқ ўқитувчиси деган унвонга сазовор бўлдингиз. Юксак эътироф қутлуғ бўлсин!

— Мен учун бу юксак эътироф, катта мукофот бўлди. Оддий ўқитувчи сифатида қилган меҳнатларимга берилган юксак баҳо мени жуда руҳлантирди. Бунинг учун Президентимиздан миннатдорман. Албатта, бу зиммамга масъулият ҳам юклади. Бундан кейин ҳам билдирилган ишончга муносиб бўлишга интиламан. Оддий мактаб ўқитувчисига эътибор, астойдил меҳнат қилган одамларнинг меҳнатлари са-

USTOZLIK — MARTABA

мара бериши мустақиллик шарофатидан. Буни баландпарвоз гапга йўйманг, илгари ўқитувчиларнинг қахрамон бўлиши, ҳукуматнинг эътирофига сазовор бўлиши ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган. Ўқитувчининг жамиятдаги аҳамияти бироз қуйроқ бўлган. Бугун эса ўқитувчининг, ўқитишнинг, ўқув даргоҳларининг мазмуни ҳам, аҳамияти ҳам, кўриниши ҳам тубдан ўзгарган. Биз ўқитувчилар бундан жудаям миннатдормиз!

— Бу англикни эшитгандаги ҳаяжонларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Бу хабарни биринчи бўлиб устозим, Ўзбекистон Қаҳрамони Турғун Азларовдан эшитдим. Ўшандаги ҳаяжон ҳамон мени тарк этгани йўқ. Улар мендан ҳам кўпроқ суюндилар. Амин бўлдимки, оддий ўқитувчи сифатида ишласангиз ҳам, меҳнатингиз эътиборсиз қолмас экан. Мен билан бирга устозларим, шогирдларим, маҳалла-қўй баравар қувонишди, байрамимиз қўшалок бўлди. Шукурки, танлаган йўлим тўғри экан, умримни бекорга ўтказмаган эканман.

— Ўқитувчи деган шарафли касбни танлашингизга ким ёки нима сабаб бўлган?

— Ўқиш-ўрганишга қизиқиш ёшлигимдан бор эди. Мактабда ўқиб юрганымда устозларимдан кўпроқ ўрганишга ҳаракат қилганман. Касб танлашимга отам Рауф Каримов бош сабабчи бўлган. Улар ўқишни тамомлаб илмий иш бошлаганимда, информатика ўқитишни мактабдан бошлаш кераклигини менга уқтирганлар. Айнан уларнинг маслаҳатлари билан мактабда ишлашни давом эттирганман. Илмий ишларимни қизгин жойида ташлаб, мактабда иш бошлаш менга осон бўлмаган. Лекин болалар билан ишлаб, уларни қизиқтира олганимдан кейин қилган ишимга афсусланмаганман. Мактабнинг ўз оҳанрабоси бор. Буни касбини севганлар билади.

— Устозларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Ҳаётда ҳам, меҳнат фаолиятимда ҳам биринчи устозим отам бўлганлар. Унинг меҳри, тўғри йўналиш бергани учун ҳам бугун шу натижаларга эришдим, деб ўйлайман. Бундан ташқари, устозим Дилбар Азимова билан ишлаш давомида касб сирларини ўргандим. Устозликнинг машаққатлари, қувончларини ҳис қилдим. Методика, таълим-тарбия, педагогикани баб-баравар олиб боришни ўргандим. Улар билан бирга ишлаб, ўқувчиларга бор меҳрим билан сабоқ бера бошладим. Дилбар Азимова билан бирга ишлаш жараёнида, таълим-тарбияда эришган ютуқларимиз учун 1998 йилда «Шухрат» медали соҳиби бўлдим. Бу янада иштиёқ билан ишлашимга бу туртки бўлган.

— Ўқувчилик йилларингизни қандай эслайсиз?

— Бизнинг синфимиз, умуман, мактабимиздан

ўтган йиллар мобайнида, кўп яхши инсонлар етишиб чиққанига хурсанд бўлиш мумкин. Кўплаб фан докторлари, ўзининг меҳнати билан эл қорига яраган инсонлар мактабимизнинг фахри. Мен ўзи унчалик ўйинқароқ, шўх бўлмаганман, лекин спорт ўйинларини синфдошларим билан баравар ўйнаганман. Мактабимизнинг кириш жойида газал мулкининг султони Алишер Навоий бобомизнинг ҳайкаллари ҳамда уларнинг бизни доим руҳлантириб турган:

Одамий эрсанг, демагил одамий

Аниким йўқ эл ғамидин ғами — деган сатрлари турарди. Биз ҳар ўтган-қайтганимизда ушбу сатрларни қайта-қайта ўқир ва мағзини чақишга ҳаркат қилардик.



— Ўқувчиларни фанга жалб қилиш, дарсни қизиқарли жараёнга айлантиришда қандай усуллардан фойдаланган маъқул?

— Болаларнинг ҳар бири ўзига хос характерга эга. Уларни дарсда ундай бўл, бундай бўл деб бўлмайди. Уларга дарс машғулотларини сингдиришда ўзининг характерига хос усуллардан фойдаланиш керак бўлади. Уларга жуда юмшоқ ёки жуда талабчан, қаттиққўл бўлишни маъқул кўрмайман. Дарсда ҳам дўстона мулоқотнинг бўлгани яхши, албатта. Ҳар бир синфнинг ўзига хослиги бўлади. Улардаги мана шу жиҳатдан фойдаланиш дарс самарасини оширади.

— Суҳбатимиз сўнгида сизни яна бир бор Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси унвони, қолаверса, касб байрамингиз билан муборакбод этиб, фаолиятингизга бардавомлик тилаймиз.

— Раҳмат, ўз ўрнида мен ҳам барча ҳамкасбларимни байрам билан табриқлайман! «Гулистон» журнали таҳририяти ҳамда муштарийларининг ишларига омад тилайман!

Нилуфар ҲАЙИТОВА суҳбатлашди



MILLIY IFTIXOR VA VORISLIK HISSI

Асрлар давомида халқ дилига жо бўлган, унинг истеъодли вакиллари томонидан яратилган, авлоддан-авлодга ўтиб сайқалланиб, бойиб келган номоддий маданий меросимиз ўзбек оиласи маънавияти, бадиий-эстетик дидини намоён қилувчи ёрқин кўзгудир. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида халқимиз маънавий меросини тўплаш, муҳофаза қилиш, илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида кенг танитишга катта эътибор қаратилиб, қатор давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар, илмий тадқиқот муассасалари ҳамкорлигида турли лойиҳалар, илмий изланишлар олиб борилмоқда. Миллий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган, ҳозирги кунда «номоддий маданий мерос» ибораси билан номланиб келаётган миллий урф-одат ва маросимлар, халқ ижодиёти дурдоналарини сақлаш, келгуси авлодга етказиш, ундан ёшлар тарбиясида унумли фойдаланиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 7 октябрда тасдиқланган «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 222-қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Давлат дастури ижроси бўйича Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси,

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Ўзбекистон Бадиий академияси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Камолот» ЁИҲ, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари «Хунарманд» уюшмаси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказида ташкил этилган Номоддий маданий меросни ҳужжатлаштириш бўлими томонидан номоддий мерос объектларини аниқлаш, муҳофаза қилиш, ҳужжатлаштириш мақсадида комплекс экспедициялар, кўплаб халқаро ва миллий даражадаги илмий-амалий анжуманлар, семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда. Унда номоддий маданий мероснинг, ўзликни намоён этишнинг оғзаки шакл ва анъаналари, ижрочилик санъати, жамиятнинг урф-одат, маросим, байрамлари, табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар, анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар каби соҳаларга оид объектларни ҳужжатлаштириш босқичлари, Ўзбекистоннинг Миллий ва Маҳаллий рўйхатларини шакллантириш мезонлари, дала тадқиқотларини ташкил этиш бўйича кўплаб маълумотлар берилиб, соҳа мутахассислари хабардорлиги оширилмоқда.



2007 йил декабрь ойида «Номодий маданий меросни муҳофаза қилиш» бўйича ЮНЕСКО Конвенцияси ратификация қилинди ва 2008 йил апрель ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенциянинг ишпирокчи давлатига айланди. Конвенция талаблари ижросини таъминлаш, номодий маданий мерос объектларини инвентаризация қилиш бўйича ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани минтақаси номодий маданий мероси бўйича халқаро ахборот ва ҳамкорлик маркази (ИНСАР), ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти (ИКАС), ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамда Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунгача Инсоният номодий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига Ўзбекистондан «Бойсун маданий муҳити», «Шашмақом», «Катта ашула» ва «Наврўз» каби тўртта объект киритилган. «Аския — сўзамоллик санъати», «Дор ва дор ости томошалари санъати» кабилар халқаро Репрезентатив рўйхатга киритиш учун тавсия этилди.

Республика бўйлаб ўтказилган қатор илмий-фольклор экспедициялар натижаси асосида Ўзбекистоннинг номодий маданий меросга оид миллий ва маҳаллий рўйхатлари шакллантирилиб, мунтазам равишда янгилаб борилмоқда. Рўйхатларга киритилган объектлар ва улар тўғрисидаги ёзма маълумотлар, фото ва видео материаллар Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 февралда қабул қилинган «Номодий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 47-қарорига асосан ташкил этилган «Номодий маданий мерос объектларини тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш бўйича Илмий-методик кенгаш аъзолари томонидан ўрганилиб, илмий излашлар олиб борилмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон номодий маданий меросининг Миллий рўйхатига 74 та объект киритилган.

Халқ ижодини ўрганиш, ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш масалалари мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб таълимнинг барча босқичларига жорий этилди. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида Номодий маданий меросни таълим соҳасига сингдириш бўйича янги лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. «Осиё ва Тинч океани минтақаларида барқарор тараққиёт учун педагог кадрлар орасида номодий маданий меросни тарғиб этиш» лойиҳасини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад соҳа мутахассислари томонидан таълим жараёнига, хусусан, умумий ўрта таълим муассасалари ўқув дарсликларига номодий маданий меросга оид мавзуларни киритиш, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар тайёрлаш ва тажриба амалиётини ўтказишдан иборат. Лойиҳа доирасида 6-синф мусиқа фани дарслигига фольклор қўшиқларини ўрганиш-

га доир мавзулар киритиш, жисмоний тарбия дарсларида миллий халқ ўйинларини ўргатиб бориш бўйича тажриба амалиёти ўтказилди, тегишли ўқув-методик қўлланмалар тайёрланди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб «Номодий маданий мерос» фанини ўқитиш йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирги кунда мазкур фандан малакали мутахассислар талабаларга дарс бермоқдалар. Бундан ташқари, институт ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида ҳудудлардаги Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари директорлари учун «Номодий маданий мерос муҳофазасида миллий салоҳиятни кучайтириш масалалари» мавзусида қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «Замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори шу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг давоми, десак муболага бўлмайди. Замонавий марказларда халқимизнинг бой меросини ўргатиш бўйича тўғраклар ташкил этиш, аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш ёш авлодни миллий қадриятларимизга содиқ, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта самара беради. Мунтазам равишда ўтказиб келинаётган «Кўҳна замин оҳанглари» республика теле-танлови, «Ўлан айтгали келдик» анъанавий фольклор санъати байрами, «Майдон томошалари санъати» республика телефестивали, Мақом жамоалари ва катта ашула ижрочиларининг анъанавий Республика кўрик-танлови, Ёш кулолларнинг Республика кўргазмаларини ташкил этишдан мақсад ҳам ўзбек халқининг бой маданий, маънавий меросини асраб-авайлаш, ривожлантириш, ёшларнинг миллий меросимизни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш, устоз-шогирд анъаналарини давом эттириш, шунингдек, янги жамоалар ва иқтидорли ёшларни кашф этиш ҳамда улар ижодини кенг тарғиб қилишдан иборат, — дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, улуғ аждодларимизнинг авлодларга ўтаётган маънавий меросининг туганмас меҳрида, миллий гуруримизда»дир. Чиндан ҳам ёш авлодни юксак маънавиятли, баркамол инсон қилиб тарбиялашда, уларнинг миллий қадриятларимизга бўлган эътиқодини шакллантиришда номодий маданий меросимизнинг ўрни беқиёс. Зеро, миллий ўзликни англаш, аждодларимиз тафаккурининг бебаҳо дурдоналарини асраш ва улардан самарали фойдаланиш барчамизнинг бурчимиздир.

Назокат АҲМЕДОВА,
Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази мутахассиси

Ўзбек мусиқа маданияти ўзининг бетакрор тараққиёт йўли, мустақкам анъаналарига эга. Улардан бири — устоз-шогирдлик анъанаси. Ўзбек мусиқа санъати равнақи учун салмоқли ҳисса қўшган фидойи мусиқа усталарининг ижодий фаолияти, ёрқин хотираси доимо халқимиз эъзозиди. Бутун меҳнат фаолиятини ўзбек мусиқа санъатининг ривожига, унинг гуллаб-яшнашига бағишлаган истеъдодли гижжакчи, таниқли бастакор, Ўзбекистон халқ артисти устоз Фанижон Тошматов ана шундай санъаткорлардан эди. У ширларимизнинг Ватанга садоқат, севги ва муҳаббат ҳақидаги ҳамда гўзал диёримизни мадҳ этувчи шеърларини ўзининг ажойиб тароналарида куйлади. Бу қўшиқлар халқимиз орасида оммалашиб, мусиқий меросимизга айланди. Фанижон Тошматов ўзбек санъатининг ёрқин юлдузларидан Муҳиддин Қори Ёқубов, Тамарахоним, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Уста Олим Комилов, Беркинбой Файзиев, Акбар Ҳайдаров, Мукаррамахоним Турғунбоева, Саодатхоним Қобулова ва бошқалар билан бир сафда туриб, турли мамлакатлар саҳнасида ўзбек халқ мусиқасини тараннум этди.

Фанижон ака чехрасидан табассум аримайдиган, табиятан хушчақчақ, ажойиб инсон эди. У киши билан суҳбатлашган одамлар мусиқа соҳасига тегишли фикри бўладими ёки санъатдан ташқари мавзудаги мулоқотими ҳозиржавоблигига, билимдонлигига, зукколигига тасаннолар айтган. Айниқса, ёшлар устозга бирор савол билан мурожаат қилишганда, шошмасдан, атрофлича тушунтирар, шу саволга алоқадор барча мавзулар моҳиятига чуқур олиб кирар, ёшлар бундай суҳбатларнинг асири эди. Фанижон Тошматовда суҳбатдошини, умуман, тингловчиларини жалб қилиш маҳорати бор эди. Шогирд сифатида мен ҳам шундай суҳбатлардан кўп баҳраманд бўлганман.

Фанижон Тошматов 1913 йилда Андижон вилоятининг Асака туманида санъаткор оиласида дунёга келган. Унинг отаси дуторни яхши чертиб, қўшиқлар ҳиргойи қилар, туғишган акаси Каримшер машҳур гижжакчи эди. Фанижон Тошматов илк бор мусиқа сабогини акаси Каримшер ва Собиржон Сиддиқовлардан олди. Орадан йиллар ўтиб, у устоз Тўхтасин Жалилов билан танишди. Ундаги иқтидорни, мусиқага бўлган интилишни сезган устоз уни ўзи раҳбарлик қилаётган халқ чолгулари ансамблига ишга таклиф қилди.

Ustoz



XX асрнинг ўттизинчи йилларига келиб, Фанижон Тошматов ўзининг бир қатор қўшиқлари билан бастакорлик истеъдодини намоён этди. Ўша даврда янграган «Достоним», «Ёр келур» каби қўшиқларида мумтоз қўшиқчилик санъатини замонавий сайқал ва усуллар билан уйғунлаштирди. Тинчлик, дўстлик, муҳаббат туйғуларини ўзига хос тарзда куйлади, ўзининг бетакрор бастакорлик услубини, йўлини яратди.

1939 йили «Катта Фарғона» каналининг қурилиши кетаётган вақтда кўп санъаткорлар қатори Фанижон Тошматов раҳбарлигидаги халқ чолгулари ансамбли ҳам меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатди. Халқимиз томонидан ижодий фаолиятининг этироф этилиши уни янада кўпроқ ва самарали меҳнат қилишга ундади.

Фанижон Тошматов серқирра ижодининг каттагина даври Ўзбекистон радиоси бадий жамоаларидаги фаолияти билан боғлиқ. У кўп йиллар Ўзбекистон радиосининг халқ чолгу оркестрида концертмейстер вазифасида хизмат қилди. Унинг ана шу даврларда яратган қўшиқларини Акбар Ҳайдаров, Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Ориф Алимахсумов, Асқар Убайдуллаев, Карим Мўминов, Берта Давидова каби санъаткорлар ижро этиб, халқимиз олқишига сазовор бўлишган. Фанижон ака яратган қўшиқларига ижрочи танлай билар эди. Миллийлик билан суғорилган, ижрочидан катта маҳорат талаб қиладиган, авж пардалари баланд қўшиқларини муносиб ҳофизларга ишониб топширар эди.

Устознинг «Сўз санъаткори» деган ном олиши ҳам бежиз эмас. Биламизки, куй давомида мусиқа товушлари ўз чўзими бўйича кетма-кет ўрин алмашади. Бунда сўзлар бўгинларга қандай ажратилиши, бошқача қилиб айтганда, ҳар бир бўгин-

нинг унли товушини нота чўзими-га монанд усталик билан жойлаштира олар эди. Бу устознинг мусиқа усулига, ўлчовига шеър ёки газал мисрасининг қандай вазни мос, мутаносиб эканини яхши билганлигидандир.

Устоз ўзбек халқ санъатининг ноёб турларидан бўлмиш аския соҳасида ҳам ҳозиржавоб эди. Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Юсуфжон қизиқ Шакаржоновлар билан бирга минглаб одамларни хушнуд этган. Мусиқа соҳасида Тўхтасин Жалиловни, аския бобида эса Юсуфжон қизиқ Шакаржоновни устоз деб билар эди.

1979 йилда Фанижон Тошматов ташаббуси билан Ўзбекистон телерадиоси қошида Дуторчи қизлар ансамбли ташкил этилди. Ансамблнинг илк ижод поғоналарини халқ лапарлари, яллалари, ёр-ёрларини ёшларга ўргатишдан бошлади. Шуниси диққатга сазоворки, устоз биргина ёр-ёрнинг йигирма хилини билар эди. У лапар, ялла, ёр-ёрларнинг Фарғона, Марғилон, Қўқон, Андижон, Наманганда қайси турлари машҳур ва қанча вариантлари мавжудлигини яхши билар, ушбу миллий меросимизни ёшлар доимо ўрганиб, эъзозлаб, авайлаб асраши кераклигини уқтирарди.

Ўз ижодини ўзбек мусиқа санъатини ривожлантиришга, санъаткорлар тарбиясига бағишлаган устознинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Фанижон Тошматовга «Ўзбекистон халқ артисти» унвони берилди, қатор орден ва медаллар, фахрий ёрлиқлар топширилган. Устознинг «Совға», «Кезарман», «Гулжамол», «Гулшан диёрим», «Истадим», «Тоғ бошида рўмолим қолди», «Севги дегани нима экан», «Мубталоман», «Тўй ўлани» каби дилрабо, умрбоқий қўшиқлари санъатсевар халқимизга ҳамон завқ бағишлаб келмоқда.

Қаҳрамон НАЗИРОВ





Абдугафур МАМАТОВ

Niqohingdan najot izladim

КЕЧАГИ КУНЛАР (туркум)

* * *

Тун.
Сукунатни парчалар хаёл.
Ойдин оқшом,
тўлғанади тун
оғушида ухламай аёл.
Бузилади туннинг тинчлиги...
Тоқатлари тошқотган аёл.
Зулмат сари ташлайди нигоҳ,
Тун пардасин тортиб юзига.
Гумонлари бошини силаб,
Йўл кўрсатар ўнги сўлига.
Шубҳалари шодланиб шодон...
Истакларин тугар дилига.
...ўз ўзини санайди нодон,
Чўкар дилнинг тубсиз кўлига.
Қисматидан оғринган аёл,
Илинжини йўқотмай сира,
Сарсон дилдай суради хаёл.
Кўз юмгунча қилмишларидан,
Соғинч билан сулҳ тузар аёл...

* * *

Майли, хабар берма,
хабардор қилма,
Хотири жам бўлмай,
...тополмай сени...
Соғинчим саргардон хаёл илкида,
Эҳтимол,
интизор кутарсан мени.
Ўжар ҳисларингга бандисан балки,
Балки ихтиёринг ўзингда эмас...
Қанча рашк қилмагин,
куйиб-ёнмагин,
Ёдингдаман доим,
яноғингдаман...
Ҳайдасанг ёнингдан,
Кет, десанг минг бор.
Кўнглингни тубида,
фигонингдаман...
Ҳайдама,
ҳолингни ёмон қиламан.
Соғинтириб сабринг
тамом қиламан...

* * *

Мен кўникиб бўлдим...
Кўнглимнинг,
Кўникмаган қайғуларига.
Улар менга дўстдай қадрдон,
Сендай гўзал, ширин хотира.
Энди дилни эзмайди зинҳор,
зулларинг бўлар пинҳона.
Ҳатто сенинг аразинг бекор,
Кулгуларинг бўлар мастона,
Бекор сенинг таънаю нозинг...
Соғингандир ҳатто остона.
Сендан бошқа қайғу йўламас,
Дардлашгани дилимга яқин.
Қайғуларсиз кўнгил унамас...

Кириб келсанг кўнглимга тагин.
Мен кўникиб бўлдим...
Кўнглимнинг
Кўникмаган қайгуларига...

* * *

Кимдир кутиб турганин билсанг,
Билсанг жуда соғинганини.
Туйгуларинг қушдай потирлаб,
Изҳор этса қувонганини.
Ҳаяжонин босолмай, интиқ,
Сенга жуда ташналигини
Билиб турсанг,
Билдириб юрсанг...
Кўриб турсанг шодланганини,
Ҳижронлардан довланганини ...
Шудир дилнинг иқроор лаҳзаси,
Ошкор этса талпинганини...

Кимдир кутиб турганин билсанг,
Билсанг, жуда соғинганини...

* * *

Нигоҳинг ёқимли,
Меҳр йўрғақлар,
Сўзларинг сеҳрли,
Мени ардоқлар.
Буларнинг бариси бирам тотимли,
Кўнгилинг тубида ухлар қийноқлар.
Кунлар узун...
қораймайди қош,
Уйкусарар,
тутқунликда тун...
шошилмайди
сира ҳам июн...
Кечаги кун бўлар хотира...
Бугунгиси чўзилар роса,
Йўлдаи узун, адоқсиз гўё...
Тоқатсизлик топар ниҳоя,
Соғинчлардан қорайганда қош...
кўзларингни эркалайди ёш.
Тун...
табассум қилинар эҳсон...
Энтикади ҳислар жунунвор,
Бир тутам тун
Бўлар хижолат...
Сабрсиз тонг оқарар шошиб,
Истақларим топмасдан якун...
Кутганинда қораймайди қош,
Соғинч сотган нигоҳларингдан
Уялтириб, думалайди ёш...



ИҚРОР

Қошингда итоат қилган қулингман,
Бир умр кутганинг,
ёлғиз йўлингман,
Бесабр, беқадр, бандиларингдан
Безор бўлиб боқсанг,
Бош олиб кетгувчи,
ўнгу сўлингман.
Тўкраган манзилинг,
таскин топганинг,
Ҳаловат истаган,
ёлғиз дилингман.
Сенга содиқ, сомъ,
итоаткоринг,
Измингда,
ижозат истаб турибман.
Сен қулдор ва лекин,
Ҳалим хукмдор,
Энг гўзал хислатинг,
лутфикарамдир,
Мен ношуд ишқингда,
сенга қарамдир,
Исён истагида турган аламдор...
Эҳсонинг — тутқунлик,
унвоним — асир,
Бутун қилмишинга чидамай охир,
Кўзғолон кўтариб, етишсам арзир...

КУЗ, ҚИШ, БАҲОР

Чангиган саҳролар,
Сарғайган хаслар,
Қовжираб, қуриган,
томчи томмайин,
ёмғирни соғиниб,
кутган кенгликлар...
Булутлар
бостириб келар уюрдай,
тўлғоғи тутади,
осмоннинг аста.
Ўкиради,
шиддатли, шаштли,
чақмоғин чақади,
чақнатиб тунни...
Тупроқ ҳомиладор...
авайлайди қиш,
кўрпасин кўксига тортиб қўяди.
Уйқуда улғаяр
ҳамал туш кўриб,
амал алдамасдан
йўрғақ тайёрлар...
Эҳтирос эпкини,
тўлғоқ тўлқини
бошланар,
олам шодланар...
Найсон саболари эслатар сархуш,
Тул хотин орзуси ушалган тунни...

DUNYOGA YUZ TUTGAN MILLIY SPORT O'YINLARI

Ёнғоқ юмалатиб, кураш тушиб ёки чиллак ўйнаб бир-бирининг гапини эшитмай чуғурлашаётган болаларни кузата туриб, ўз болалигимиз хаёлимиз дарпардаларини йиғиб, кириб кела бошлайди. Болаликнинг ўйинлари унинг ўзидай беғубор, унинг ўзидай ширин. Ҳатто фирромликларида ҳам соддалик, беғуборлик мавжуд. Бола бўлиб уларга қўшилгинг, болаликка сингиб кетгинг келаверади. Ўйинларда ҳам ҳикмат бордай...

Яқинда пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида «Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда миллий спорт ўйинларининг аҳамияти» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. «Соғлом бола йили» давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган ушбу тадбир соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда халқ ўйинлари ҳамда миллий спорт турларининг аҳамиятини янада юксалтириш, оммалаштириш ва аҳолини, айниқса, ёшларни миллий спорт турларига янада кенгроқ жалб қилишни мақсад қилган.

Анжуманда вазирликнинг тегишли бошқарма бошлиқлари, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти профессор-ўқитувчилари, вазирлик ҳузуридаги «Миллий спорт маркази», миллий спорт ўйинлари федерациялари вакиллари, миллий спорт арбоблари, юқори натижаларга эришаётган ёш спортчилар иштирок этишди.

Спорт машғулотларига ёшларни оммавий равишда, узлуксиз жалб қилишни ташкил этиш мақсадида 2003 йилдан буён юртимиздаги барча умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Юртимизда спорт ва жисмоний тарбияни янада ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар замирида фарзандларимизнинг аждодларига муносиб, жисмонан бақувват ва баркамол бўлиб етишишларидек улкан мақсад гоёси мавжуд. Хусусан, бу борада Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва унинг тизим ташкилотларида, таълим муассасалари ҳамда миллий спорт турлари бўйича федерацияларда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлашувини янада юқори поғонага кўтариш, жисмоний маданият ҳаракатини ривожлантириш, халқ миллий ўйинларини қайта тиклаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллий спорт турлари бўйича иқтидорли спортчиларни тайёрлаш ва уларнинг спорт маҳоратларини ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистондаги спортнинг миллий турлари ва миллий халқ ўйинларини ривожлантиришга қўмаклашиш, республика ҳамда хорижий мамлакатлардаги спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар, оммавий тадбирларнинг ташкил этили-

ши, халқаро спорт майдонларида спортнинг миллий турларини тарғиб қилиш ва унинг ривожланиш йўллари белгиланган тартибда таъминлаш каби вазифаларнинг амалга оширилаётгани бунинг яққол далилидир.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси ўларок, ёш авлод вакилларида миллий спорт ўйинларига нисбатан қизиқиш ошди. Айниқса, маҳалларда миллий спорт ўйинлари билан шуғулланган ёшларимизнинг сони борган сари ортиб бормоқда. Бунга жавобан, тизимда «Кураш» миллий спорт турини жаҳон спорт ареналарига олиб чиқиш, унинг халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бугунги кунда миллий спорт турлари билан мунтазам шуғулланувчилар сони 161220 нафарни ташкил этади. Жумладан, миллий кураш бўйича 91183 нафар, белбоғли кураш бўйича 52474 нафар, Турон кураши бўйича 10559 нафар, Ўзбек жанг санъати бўйича 5324 нафар, Улоқ-кўпқари бўйича 1680 нафар спортчи шуғулланмоқда. Қувонарли жиҳати шундаки, улар республика ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, нуфузли ўринларни эгаллаб келишмоқда. 2013 йил 12-16 декабрь кунлари Туркиянинг Истамбул шаҳрида кураш бўйича беш-



та қитъанинг 38 мамлакатидан 450 нафар полвон иштирок этган жаҳон чемпионатида 18 та вазн тоифасида мамлакатимиз полвонлари қўлга киритган 2 та олтин, 3 та кумуш, 4 та бронза медали, жорий йил 22-24 август кунлари Россиянинг Ульяновск шаҳрида белбоғли кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати мусобақаларида спортчиларимиз эришган 1 олтин, 1 кумуш ва 6 бронза медаллари бунинг далилидир.

1998 йилда Ҳалқаро кураш ассоциацияси ташкил этилиб, 1999 йилда Тошкент шаҳрида кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилди. Президентимиз Ислам Каримов мазкур биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимидаги табрик сўзида: «Мен ишонаман, дунёга машҳур полвонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз маънавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган кураш бугундан эътиборан янги ҳаётини бошлайди,



«Ҳалол», «ёнбош», «чала», «дакки» сингари сўзлар ўзбек тилида янграмоқда.

Шунингдек, анжуманда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда халқ ўйинлари ҳамда миллий спорт турларининг аҳамияти юқори эканлиги сабабли уларни оммалаштириш ва аҳолини, айниқса, ёшларни миллий спорт турларига янада кенгроқ жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, режалар ва тарғибот тадбирлари тўғрисида қатор фикрлар билдирилди. Тадбир якунида вазирлик ва тизим ташкилотлари, тегишли федерациялар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз саволларига масъул ходимлардан атрофлича жавоб олдилар.

Бугун маҳаллаларда, қишлоқ ва овулларда кураш тушиб, бир-бирига ҳакамлик қилиб юрган болакайлар эртага йирик ареналарда байроқ кўтариб, юртимиз шарафини юксакларга кўтарса, ажабланмаймиз. Мустақилликнинг шонли тарихга айланган йиллари бизни шунга ўргатди. Бундай тадбирлар эса фаолиятларнинг ривожланишига омил бўлади.



янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг севимли машғулотиغا айланади», — деб ҳақ гапни айтган эди.

Айни пайтда дунёнинг 121 давлатида ўзбек Кураши федерациялари фаолият олиб бормоқда.

Роза ҲАЙИТОВА





Яқинда «Ёшлик» журналида Икром Отамуроднинг «Рухдан сизган нур» достони эълон қилинди. Асар номи кўнгилга яқинлиги билан шеърят муҳиблари кўнгил кўзига бир нур, нозик тахайюлига самовий парвоз бахш этган бўлса, ажаб эмас. Демак, бу номда катта умид ва рамзий маъно бор. Умид шуки, ҳар куни уст-бошини тозартираётган инсон худди шундай кўнгил поклигини ҳам канда қилмаслиги керак. Аммо кўнгилни тозартириш кишидан сермашаққат маънавий азобни талаб қилади. Бунда киши мудом маънавий бедор бўлиши жоиз. Зеро, бу улуғ тайёргарлик — улуғ НУР соғинчи.

Достон «...Тонг аввали» сатрлари билан очилади:
...Тонг аввали.

Ёйиб чодирин қуюқ

Кетгиси келмас туннинг...

Кўринадики, шоир тонг аввали — эрта тонгдан қоронғи тунгача, ҳатто, кечалари субҳи содиққа қадар бедор «фонус» ёқиб, ўз кўнгил каъбасини супуриб-сидиради. «Кўзда су, кўнгулда қайғу, тан заифу жон наҳиф» қабилида минг бир андиша, минг бир мулоҳаза билан кўлига қалам олиб, кўнгил кайфиятини баён этишга киришади: унинг тахайюли замонлар оша юксалади... кўнгли сокинлашади. Шоир ниманидир англаб етади... Бу бадиий кайфият кўнгилни чунон ўртайди. Шунда шоир ҳаёлоти беихтиёр улуғ Тангри яратиб бўлган инсоният қис-

Nur soғ'inchi

мати-ю, унинг турмуш тарзидаги уйғунлик, яъни унинг замон зайли ва макон мезонидаги эврилишлари сари қанот ёзади:

Ўтар кимларгадир бўйсуниб замон,

Замонга бўйсуниб ўтар кимлардир.

Кимларнидир челпиб ташлагай замон,

Челпиб ташагай замонни кимлардир.

Икром Отамурод асарда асрлар қаъридан то шу кунгача инсон, аниқроғи, улуғларимиз руҳий имкониятлари само ичра чек-чегара билмаслигини, уларнинг маънавий ҳаракатлари эса, замон ва макон эврилишларига муштарак эканлигини образли тарзда тараннум этади:

Компаслардан чиқиб кетган улуғлар

Дилида Шарқу Фарб муштарак макон.

Кундуз байзо ҳувуридай тўлуғлар,

Шабда қамар сиймосидай нурафшон.

Булардан сўнг шоир бадиий кайфиятни анъанавий шеърятимизга хос тарзда, яъни нозик хилқат учун шунчалар қайғурган, унга шунчалар беминнат

имкониятлар яратган парвардигори оламга қарата юқори пафосда талқин этади:

*Рухни руҳ айлаган хур,
Ўзи — руҳдан сизган нур —
Ул зот.*

Асарда Ҳақ ва ҳақиқат ҳақидаги манзаралар ҳам худди шундай тус олади ва бу шоирона тимсолларда янада партавланади:

Ҳақиқатда юксалгайдир мазҳарнинг раҳти, мазҳарнинг тус қаватида ҳақиқат қат-қат.

Нақл борким:

«Ҳақиқат ердан ҳам кенгроқ»...

Ушбу мисраларда илгари сурилган бадий кайфият Ҳақ ва ҳақиқат, озодлик ва хуррият зимнида шакллана боради: агар инсон Ҳақдан ўзгани тан олса, унинг руҳи бадан қафасида занжирбанд бўлади, яъни парфиёна рамзий ифодалар билан айтганда, худди эрксиз ҳақиқат ҳақиқат бўлмагани сингари инсон ҳам бунда ўз эркини бутунлай йўқотади.

Шоир Икром Отамурод кўнглида бу тушунчалар шу қадар кенг, шу қадар гўзал тус ва тароват оладики, уни шеър билан таърифлашга гўё шоирнинг забони ожиз, энди у «Ҳақиқат ердан ҳам кенгроқ» қабиллидаги қадим нақлларга мурожаат қила бошлайди. Бунда шоир ўқувчи кўнглида ҳақиқат нақадар кенг тушунча эканлигини шакллантиришга эришади. Зеро, бирор фикрни асослаш ҳали ҳақиқат эмас, аслида у инсон тийнатида азалдан мавжуддир. Фақат уни уйғотиш юмуши инсон ихтиёрида. Бўлмаса, у тутқунлигича қолиб кетаверади. Илло, ҳар бир инсон арзу само ичра ана шу улугъ неъматдан тотиб кўришга ҳақли. Эҳтимол, инсон уни ўз вақтида англаб етмаса, унинг ботинида кўпроқ ёвузлик ҳукм сурар. Албатта, бунга фақат дунёвий-фалсафий тушунчалар нуқтаи назаридан қаралса, катта иштибоҳ бўлади...

Шоир асарда инсон Ер шарида бир муддатгина меҳмон эканлигига, ҳаттоки, бу фурсат ичида инсонни инсонга қилган барча дунёвий савоб ишлари, аслида зигирча эмаслигига ҳам рамзий ишора қилади. Илло, шоир инсонга жуда кўп нарса эмас, балки озгина меҳр, мурувват, эътибор кераклигини рамз-тимсолларда акс эттиришга ҳаракат қилади ва буни ғам мазҳарига жо этади:

*Бул қалбимда уммон-уммон
қалқиб-қалқиб ётар ғам.*

*Бул қалбимда тумон-тумон
ҳалқиб-ҳалқиб ётар ғам...*

Замондош шоиримиз Икром Отамуроднинг мазкур достони ўзига хос услубда ёзилган бўлиб, асар адабиётимиз равнақи учун беназир тортиқдир. Эҳтимолки, «Рухдан сизган нур» замонавий дostonнавислигимизда қарийб нутилиаёзган анъанавий издошлик тарзининг бардавонлигига замин ҳозирлар. Нима бўлганда ҳам бу шоирнинг ҳажр достони, зеро, унинг хотирлари шунчаки бир ўткинчи эмас, балки абадиятга дохилдир.

Манзар АБДУЛҲАЙРОВ

ZAMONDOSH



**Дунёда бўлмаса муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.
Жомий**

Муборак Раҳимова. 1953 йил Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Назар қишлоғида туғилган. 1977 йилда Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)нинг олмон тили факултетини немис ва инглиз тиллари ўқитувчиси ихтисоси бўйича тамомлаган. Жомбой туманидаги 3-ўрта мактабда қирқ йил фаолият олиб борган.

Муаллиманинг республикамиздаги мактаб, коллеж, университетларда чет тиллардан дарс бераётган, таржимон бўлиб ишлаётган, журналистика соҳасида фаолият олиб бораётган шогирдлари кўп. Унинг педагогикага доир бир қатор мақолалари республика матбуотида нашр этилган. Умр йўлдоши билан беш нафар фарзандни вояга етказиб, ўқитиб, элга қўшган. Муборак Раҳимова чин маънода касбидан бахт топган аёлдир.



Болам, қишнинг изғиринли кечаларида кимсасиз далаларда гала-гала бўлиб увиллаган дайди итларни бўри деб уйлаганингни гапириб бердинг-а? Ҳа, дала-тузнинг тупроғу кесакларигача музлаган совуқ кунларда кучуклар ўшанақа тўпланиб олишади.

Аммо сен кўрганинг оддий гала холос-да. Истасанг, сенга бўри ҳақида гапириб берақолай.

Мен умрим мобайнида бўрига бир неча марта дуч келганман.

Дунёда ваҳший ҳайвонлар тўлиб-тошиб ётибди. Кучукдурати, виқори, одамни ҳайиқтирадиган ҳайбати билан қайлардадир арслонлар, сиртлонлар, айиқлару тимсоҳлар умр кечирмоқда. Ваҳший деганда кўз олдимишга ақлни кўрқитадиган куч-қудрат ила инсон вужудини пийпалаб-мижиғлаб, тишлари билан парчалаб-узиб ейдиган этхўр ҳайвонлар кўз олдинга келади. Бўриям шундай.

Уни ақлли дейдилар. Ҳайвонлар орасида шугина бир марта жуфт танлаб, умрининг охиригача ўша жуфти билан ҳаёт кечиради. Ўз маконининг чегараларини эринмай белгилаб чиқиб, биронта жонзотнинг киришига йўл қўймайди.

Унга илк дуч келганимда ёш бола эдим. Далада кетмон чопаётган отамга овқат олиб кетаётганимда, қишлоғимизнинг тепа томонидаги тўқай ёнида галати кучук боласини кўриб қолдим. Қамишлар орасидан менга қизиқиш билан анграйиб қараб турарди. Бир маҳал бурнининг учига капалак кўниб олди. Кучукбола капалакни кувишга уринса ҳам кетмас, айланиб учаверар эди.

Кулгим қистаган, ҳатто завқланган бўлсам керак. Тугунимни ўт устига қўйиб, яқин бордим. У тўлпоқ, оёқлари бақувват, бўйнидаги ёли типпатик, кулранг бўри боласи эди. Мени кўриб сира ҳайиқмасдан ёнимга югуриб келди, сакраб атрофимда айланди, кейин шимимнинг почасидан тишлаб-тортиб, ўйнай бошлади.

Ўзим ҳам ёш боламан-ку, унга қўшилиб тупроқлар, ўтлар оралаб роса чопдим. Кейин чарчаб, ўт устига ётиб олдим, бўри боласи устимга чиқиб-тушар, яна ўйнамай-мизми дегандай чопиб нари борар, ўша жойдан туриб менга бошини буриб қарар ҳам эди.

Кўп ўйнагани вақтим йўқ, отамнинг олдига боришим керак. «Э, кўрмайсанми, иш кўп-да» деб ўрнимдан турганимда, сал нарида қоядай қотиб турган ота бўрини ҳам кўрдим.

У виқорли, кўкраги кенг, панжалари пайдор, одам боласи билан ўйнаётган зуредига индамай қараб турарди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам ҳайбатли эди, аммо туришида таҳдид сезмадим. Шундай бўлса-да, кўрққанам эсимда. Салдан кейин паст овозда ириллаган эди, боласи талпанглай-талпанглай қошига чопиб борди. Сўнг икковлон бамайлихотир ортга бурилишиб, ўз йўлларига кетишди.

Яна эсимда қолгани шуки, куёш нурида булутлар тарам-тарам, алвон-алвон, оралари очиқ-очиқ, бепоён кўкни шу тарз энлаб олган, яшил дарахтларнинг баланд учалари ҳам алвон тусга бўялган эди.

Тугунчамни олдиму мен ҳам ўша йўлдан отам қошига ошиғич чопиб кетдим.

Чопонининг ўнгирини қайириб, кетмон чопаётган отамга бўлган воқеани ҳовлиқа-ҳовлиқа айтиб берганимда, қошлари чимирилиб «Қани, юр-чи» дея кетмонини кўтариб, мен келган йўлга қараб юрди. Узоқларда қишлоқ тераклари кўзга ташланар эди. «Чўл ичкарисидан келган бўлса керак», деди отам тусмоллаб. Икковлон бўри турган жойгача келдик. Отам теваракни бир айланиб чиқди, йўқ, ваҳший кўринмасди.

— Асли онанг аҳмоқ, — деди отам, жаҳли чиқиб. — Тўқайга ёш болани ҳам жўнатадимми?

— Йўқ, ота, индамай қараб тураверди. Боласи мен билан роса ўйнади.

Кўй-кўзиларни бўғизлаб ўнгириб кетиши мумкин, — деди отам. — Хайриятки, қорни тўқ экан, сенга тегмабди.

Кейин уйга етгунимизча бўрилар ҳақида гапириб борди. Йўлда ҳам атрофига аланглар эди.

Эркак бўри боласини ўйнатгани олиб чиқмайди, балки овга ўргатади, — деди. — Бошқа болалари ҳам бордир сен кўрмагандирсан. Ишқилиб, нима бўлганда ҳам даф қилмабди, худога шукр.

Уйга қайтгач, отам атрофдаги кишиларга хабар беришга кетди. Шу-шу, бир неча кун қишлоқ эркакларининг бири милтик, бири болта, бири калтак олиб, қўраларини кўриқлаб ётишди, аммо бўри қайтиб кўринмади.

* * *

Кейинчалик ҳам қишлоққа бўри даф қилгани ҳақида гап-сўзлар гоҳ-гоҳ оралаб қолса-да, уни биров кўрмас эди. Табиийки, ҳар хил гаплар урчирди. Ҳамманинг уйида мол-қўйи бор, чорва-ку ўз йўлига, аммо болачлар хавотир уйғотади. Ўйнаб экинлару оғочлар орасига кириб кетса, оч ваҳший биронтасини бўғизлаб ташлаши мумкин. Ҳар ҳолда кишилар орасидан бўри ваҳми анчагача кетмаса-да, менинг дилимда у кўрқув ўрнига ўша маҳалдаги хотиржам қиёфаси ва боласининг беозор ўйнаши қолаверди.

Йиллар ўтди, отам қартайди, мен эса эр етилдим. Ҳаёт шавқи қонимни қиздирар бўлди.

Ўша маҳаллар, вақт-соати келиб бир рўзғор қураман, бир-бирдан шўх болаларим бўлади, эл-юрт қатори бировдан кам, бировдан кўп, аммо бахтиёр ҳаёт кечираман деган ишончим дилимда мустаҳкам эди. Вақти келиб, ҳаётимда бир тартиб ўрнатаман, отам қилган хатоларни такрорламайман деб ўйлардим-да. Балки отам ҳам мен сингари турли-туман ҳаёлий режалар тузгандиру ҳаёт машаққатлари у режаларнинг амалга ошишига йўл қўймагандир? Кимдир озорлаганида уйимизнинг айвонида ҳам-мамизми қақриб бағрига босганлари, «шу болаларимдан бошқа ҳеч кимим йўқ» деб ўқсинганлари эсимда. Эсимдаси нимаси, гоҳ-гоҳ тўсатдан шууримга қалқиб чиқади, бот-бот шуни ўйлаб ҳам кетаман. Теграда одам кўп, қавму қариндошлар ҳам ўз ҳолларича келиб хабар олиб туришибди, нимага отам «Болаларимдан бошқа суюнчим йўқ» деб озорланган экан, дея сабабини топишга уринаман.

Уйланиб, бола-чақали бўлдим, ҳаёт гирдоблари мени ҳам ўз домига аста-секин тортиб кетаверди.

У маҳаллар қиш қаттиқ келарди. Ҳар йили ўтин ғамлайман, аммо барибир ам етмай қолади. Сабаби, сандалга қалаймиз ёки тандирга ишлатамиз. Қолаверса, қиш-

нинг узун кечаларида узоқ ёнадиган, чўғи тезда ўчиб қолмайдиган ўтин керак бўлади. Бу сафар эрта куздаёқ совуқлар бошланиб кетди. Маккаполярни бир кечадаёқ ушук урди, эртасига узун-узун япроқлари саргайиб, палакса-палакса бўлиб илвираб осилиб тушди. Фамлаб қўяқолай дея тўқайга ўтин кесгани бордим. Ичкари қисмида саксовуллар ер бағирлаб ўсган, ўшаларнинг қуриган шохларидан уйга олиб келиб босиб қўйсам, қишга яхши ўтин бўлади деб ўйладим. Шохларни тўплагимча кеч кирди. Уйга қайтаётганимда чўл адоғидан улкан ой самога кўтарилган, шабада эсар, ҳаммаёқ шитирлаган сасларга тўлиб кетган эди.

Уни иккинчи бор ана ўшанда кўриб қолдим. Тўқайдан чиқаришда, йўлим устида кулранг соя каби, чўнкайиб ўтирар эди.

Кучли, пайдор панжалари шундоқ кўз ўнгимда. Ойга қараб увиллади, кейин нигоҳини менга тикди.

Ундан ҳайикдим.

Айтмоқчи, ўтин кесгани чиққан, қўлимда ўткир ойболтам бор-ку?

Бўрилар тигида ой нури аксланган ойболтадан кўрқадиганларни ростмикин?

Йўқ, ёлгон бўлса керак, чунки мендан сира ҳайикмаётган эди.

Тавба, кеч шом маҳали, ой бўм-бўш кенгликларда танҳо сузган шу кечада мен ва бўри, бир-биримизга қараб турардик.

У ўша, болалигимда кўрганим бўримиди, ё бошқасими, айтолмайман. У кўрганим бўрининг нигоҳи ўз қудратига ишонган, хотиржам нигоҳ эди. Қаршимдагининг нигоҳида эса таҳдид сезилмоқда!

Яна, кўксида чуқур жароҳат изи ҳам бор. Кулранг ёллари орасидан қорамтир ўйиқ бўлиб кўриниб турибди. Мақкон ёки ўлжа талашиб уришганида қай бир ваҳшийнинг тиши қолдирган бўлиши мумкин.

Олдинга қадам боссам, бир ҳамла билан бўғзимга ташланиши турган гап.

Аммо мен ҳам кучга тўлган, шахду шиддатим уникадан қолишмайдиган эр киши эмасманми, ойболтамни қисимлаб, олдинга бир оз эгилиб, бир-икки хушёрона қадам ташладим.

Бўри қимир этмади.

Шу тариқа сўқмоқдан жуда секинлик билан, кўзимни ундан узмасдан аста-секин илгариларга бошладим.

Ойболтам жуда ўткир эди-да. Ханжардан ҳам, қиличдан ҳам ўткир эди! Дарахтнинг майда шохчасини ҳавога отиб, тушаётган маҳали бир урсам, иккига бўлиб ташлайдиган даражада кескир эди.

Шу тариқа, сўқмоқ четидан унга юзланиб, олдга хиёл энкайиб, сурила-сурила ўтиб олишни кўзлаганим аниқ.

У эса чўнкайганича, шиддат тўла нигоҳини мендан узмасди.

Милтиқ олмаганимни қара! Милтигим бўлса, тўнғиз ўқи билан бир отишда жонини жаҳаннамга жўнатардим. Тўнғиз ўқи теккан жойини йиртиб-куйдириб ўтади. Яқинроқдан отилса суякларни ҳам синдириб, баҳайбат бўлса-да, бир неча қулоч нарига улоқтириб юборади.

Бўрининг ёллари янада ҳурпайди, олд панжалари билан ерни тимдалаб, ириллади.

Ҳозир ташланса-чи!

Шу маҳал анча наридан, тўқай ичкарисидан увиллаган бошқа бир товуш эшитилди.

Сўқмоқ четидаги рақибимнинг ёллари пасайди, кўзини мендан узиб, товуш келган томонга бир қараб қўйди. Шунда нигоҳидаги шиддатнинг ғойиб бўлганини пайқадим. Ортига тисарилди, аммо сира шошмасдан, виқор ила ўгирилдию ўша томонга йўртиб кета бошлади.

Э, тушундим! Бўрилар оила бўлиб яшайдилар. Унинг ҳам оиласи бор-ку?

Ҳа, бўри оила қуради. Нарироқда, тўқай ичкарисидан уяси бўлсаям ажабмас.

Бўри болалари қанақа бўлишини биламан, болалигимда кўрганман-ку? Кулранг тумшукларининг учи қоп-қора, гоҳ ҳавони искаб, гоҳ бир-бирига суйканиб лапанглаб чопа-

диган, тўлоқлигидан гоҳ йиқилиб-ағанаб ҳам тушадиган уч-тўртта жўжиқлари бўлса эҳтимол.

Ҳар ҳолда, у ерда бир оила яшар, эркак бўри эса менинг, яъни чўл бағрида ўзича куймаланиб ўтин тўплаб юрган одамнинг қиёфасидаги хатарни сезиб, йўл ёқасига бола-чақасини ҳимоя қилгани чиққанга ўхшайди. Ким билсин, балки қишлоқ томон йўл олгандиру аммо мени кўриб, ниятидан қайтгандир?

Ажабо, мени ёв хаёл қилдимикин?

Мен ҳам уни ёв хаёл қилдим-ку?

Ортимга чекинсам, ҳамла қилмаслиги мумкинмиди?

Аммо, мендаям бола-чақа бор-ку?!

Ортимга қайтсам ҳам бўларди, албатта. Лекин, олдинда — қишлоқда менинг ҳам болаларим бор. Ортимга чекинсам, шу бўри ёки тўдадагилари қишлоққа даф қилсалар нима бўлади? Мол-ҳол, қўйлар-ку майли, болаларимга чанг солса-чи?

* * *

Қишлоқда одам кўп, ҳаммамиз бир жамоа казимиз.

Тўй-маросимларда баримиз тўпланамиз. Катта қозонларда ошлар пишади.

Бекорчилар қозонга ўтин ёқилмасиданоқ кўча базминни бошлаб юборишади. Уст-боши анчайин тўзган кишилар шунақа маросимларда бироз яйрашади.

Ёмғирлару қорлар ёққанида ҳам шу манзара ўзгармайди. Бизнинг тарафлар фақат баҳор ва ёз ойларида жонланади, холос. Кузда ҳаммаёқ лой-балчиққа айланади, қиш келиши билан ҳаракат дарахтлар уйқуга кетгани каби сусаяди. Мўрилардан кўк ва қора тутун ҳовур аралаш чиқа бошлайди. Ерларда ғўзапоя ва макка поялари қорайиб, илвираб ётганини кўрасиз.

Уй ишлари билан машғул эдим. Кўча тарафдан биров чақирди.

Қарасам, қўшним экан.

— Ҳа, киравермайсизми? — дедим саломлашиб.

— Гап бор, — деди у. — Айтиб қўяй дедим, кеча тунда қишлоққа бўри оралабди.

— Йўғ-э!? Бировга зарари тегмабдими ишқилиб?

— Тегмабди. Қишлоқ четидаги уйнинг томорқасигача кириб келибди. Уй эгаси хавотирланиб ташқарига чиқса, дўннга чўнкайиб ўтириб, ойга қараб увиллаётган экан. Кучукларнинг овози ўчиб кетганмиш. Қўйлар ҳам кўрқанидан кўранинг бир четига ғўж бўлиб олишибди.

— Гузарда кишилар тўпланяпти, — деди кейин. — Бу йил ҳам қиш оғир келади шекилли. Маслаҳатлашиб олайлик, сиз ҳам чиқарсиз?

— Ҳозир бораман, — дедиму тўнмни кийиб, ортидан эргашдим.

Ҳақиқатан ҳам, гузарда ўн-ўн беш чоғли эркак тўпланган, яна бўри келиб қолса нима қилиш кераклигини гаплашиб туришарди.

Қишлоқнинг уч-тўрт хонадониди милтиқ бор экан. Қолганлар болта, кетмон, болға каби анжомларини тайёрлаб қўядиган бўлишди. Кимдир дашт тарафга бориб тузоқ қўйиб келадиган бўлди. Яна, кимки бўри кўрса сас чиқарсин дейилди. Ҳамма хушёр ётсин, тик этган товуш эшитишса, чопиб чиқишсин. Қўй-қўзи-ку майли, аммо одамга ташланиб қолса борми? Шу сабаб, хушёр турган тузук.

Қайтаётганимда ҳаво очик, совуқ бўлса-да, осмон кўм-кўк, уйлар ортидан, икки-уч жойдан тутун ўрлар эди. Ғўзапоя тутунимикин?

Ғўзапоя тутунни кўк бўлади. Тут ўтини эса яшилтоб аланга чиқаради. Тутунларга қараб, ким нима қилаётганини билиб олса бўлаверади. Қорамтир тутун тандирга нам ғўзапоя ёқилганини билдиради. Кимдир нон ёпмоқчи. Оч-кулранг тутун хазон ёқилганининг аломати. Ҳа, қайдадир нон ёпилапти. Ана, шабада исини ҳам олиб келди: ёнган ўтиннинг ва пишаётган ноннинг иси.

Тумов-пучқоқ болакайлар кўчада ўйнаб юришибди.

Тунда қўшнилари билан қишлоқнинг шимол томонига чиқдик.

Кимдир қапа тикди. Қапа ичида ётибмиз.

Ҳаво совуқ, осмон тўла тўнғиган юлдуз. Гоҳ ёруғ из

O'ZBEK NASRI

қолдириб учади. Ҳар тарафдан чириган хас-хазон иси келади.

Дашт адоғидан улкан ой самога кўтарилди. Ҳаял ўтиб, ҳаволагани сайин кичрая борди.

Ёғдуси тунги даштни ёритди. Теваракни ўзгартириб кўрсатди.

Туриб, атрофни диққат билан кузатаман. Буталар орасида ҳаракат сезилгандай бўлади. Лип этиб бир нима ўтади. Йўқ, бўри эмас. Бўри бунақа лип этиб келмайди. У хотиржам, ақл билан иш тутади.

Уч-тўрт кун шу тарз кўриқлаб ётдик, аммо бўридан дарак бўлмади. Ёшроқ йигит-яланглар от суриб, атрофни кезиб чиқишди. Ҳар ҳолда ўлжа излаб ёки ўзича айланиб бир келгану қишлоқда жонига зуғум қила оладиган кишилар борлигини сезгач, болаларини олиб узокроққа — эмин-эркин дашт кўйнига, емиши оз, аммо хавфсиз маконларга кетган бўлиши мумкин.

Киш қаттиқ келса чўлда емиш қолмайди, дейишади. Ўшанда қишлоқчага тушиб келиши мумкин. Йўқса, ҳатто шундай кучли ҳайвон ҳам инсоннинг кўзидан кўрқади, тик қарай олмайди, одамлардан нари юришга уринади.

* * *

Кунлар-ойлар ўтар, болалар улғаяр эдилар. Турмуш қийин, уриниб-тиришмасанг сира бўлмайди. Бола-чақа боқиш, катта қилиш осонми? Ота оламдан ўтган, она касал, болалар улғайган, битта ўзим уриниб-тиришаман. Ташвишим шу қадар кўпки, қайларгадир бош олиб кетгим келади. Ҳа, қайларгадир, узок-узокларда бепоён даштлар бор. Ҳозир у ерлардаги буталарни ҳам оппоқ булдуруқлар қоплагандир?

Дашту далалар, буталар уйкуга кетган. Ҳавода тўлғин булутлар оғир сузади.

Ичимда ёввойи бир ҳаяжон бош кўтаради. Ой ёғдуси остида ястаниб ётган ўша кенгликларга боргим келади.

Аммо, болалар катта бўлишяпти-ку? Уларни ўқитишим, уйлаб-жойлашим керак...

Ҳа, ташвишларим мўл. Уларни адо этиш менинг оталик бурчим, бажармасам бўлармиди? Аммо бир нафасга бўлса-да, тин олгим келади-да. Миямни чирсиллатар даражада оғир ташвишлар чарчатганида, бир нафас, атиги бир нафасгагина ўша ёқларга кетсам... бепоён кенгликларда кўксимни тўлдириб бир ҳайқирсам, озод-озод, сарбаст-сарбаст чопсам дейман... Ким билсин, буталар остида нигоҳини менга хотиржам тикиб турган ўша бўрини яна кўрсам ҳам ажабмас.

Нега уни ваҳший деб ўйламаслигим ўзимни ҳайратга солади. Балки, болалигимда беозор ўйнаганим учунми? Ёхуд қай бир жиҳатларимда ўзимни шу ваҳшийга тенглаштирганим учунми? Мен ҳам ҳудудимни белгилаб олганман, бегона биров кириб келишига сира йўл кўймайман. Мен ҳам гўё овга чиқаман, тер тўкиб емиш топиб келаман, у ризқимга бироқ чанг солса бўридай ғажиб ташлар алфозим бор. Шуни деб гоҳ кимлар биландир уришганман ҳам, кимлардир мени ҳам жароҳатлаган, у жароҳатлардан анчагача ўзимга келолмай юрган маҳалларим ҳам бўлган.

Бута остидаги бўри нигоҳини мендан олади, бошини бошқа ёққа буради, бўйини кўкка чўзиб, пастак ҳомила булутларга ҳам қарайди.

Ўзимни абгор, абжағи чиқиб кетган, аммо иродаси букилмас қаҳрамондай ҳис қилганим ғалати.

Уясида болалари бўлса, эҳтимол.

Тўлпоқ, юнглири қорамтир, кучукболаларга ўхшаб кетадиган болалари.

Бир-бирига суйканиб-ғингшиб, ташқарига чиқишга уринаётган бўлишлари ҳам мумкин.

Бу сафар ҳам у менга даф қилмаслигини биламан.

Яна дуч келсак, у томон одимлайман, нигоҳларимиз яна тўқнашади. Бу сафар қўлимда ойболтам йўқ, аммо ўзимга ишончим кучли.

Бўри менга жим қараб туради.

Икки оила бошлиғи шу тариқа дуч келамиз.

...Бепоён дашту далаларда бўри тўдалари кезиб юрадилар. Ўзларига тўдабоши сайлаб оладилар. Қолган бўрилар у тўдабошига мутлақо бўйсундилар. Худуд ҳам бепоён, бу худудга бошқа бирор ваҳший киришига йўл кўймадилар.

Баъзиларининг кўксиди, елкаларида жароҳат излари бўлсаям ажабмас.

Ажабо, менинг худудларим қайда эди, қайдан бошланиб, қайда тугаган эди?

Ҳаёт деб аталган дашту биёбоннинг қай ерида эди менинг маконим?

Бўри-ку ўз йўлига, аммо мен инсонман-ку? Теграмдагилар ҳам инсонлар-ку? Нима учун худудимни белгилаб олишим, бегона кириб келишига йўл кўймаслигим, нима учун ризқимни талашиб-тортишиб топишим керак?

Ўйим, дастурхоним доимо очик, биров кириб келса хушҳоллик билан олдига топган-тутганимни қўяман, гоҳ мўл-кўл, гоҳ оз бўлади. Шу одам мени йўқлаб келганидан бошим кўкка етади. Ҳа, бир қарашда ғарибонман, бир қарашда кичиккўнгилман, эл қатори ризқини топиб-тутиб, эл қатори бола-чақасини катта қилаётган бир мардуми мусулмонман.

Шу дард ила турли юмушларга уринганман, кимлардир ризқимга чанг солиб ҳам кўрган, чангалидан юлиб олган маҳалларим бўлган. Ҳаёт мени ҳам яралаган, у яраларни гоҳ мен ҳам ялаб-юлқайман, фақат бундан беозор ухлаб ётган болаларим беҳабар, болаликнинг мусаффо тушлари аро гоҳо жилмайиб, гоҳ тамшаниб ухлайдилар.

Гоҳо тўнимни елкамга ташлаб ҳовлига тушаман.

Жуда юксакларда, бениҳоя олисларда кичкина ой сузади.

Ой, мен орзу қилган ўша чексиз худудларни эсимга солади.

Кичкина шу маконимда бир-бир одимлайман.

Бедорлик азоб беради.

Шу тоб, мана, умрнинг аллақанча қисми ўтиб, шиддатлар илғар-илганмас сусайиб борар экан, унутилиб кетган ёввойи бир шавқ ҳам ичимда уйғонади.

У шавқ аро худудимдан чиқолмай типирчилайман.

Бир силтаниб, занжирларимни узиб, бепоён дашту далаларга ошиғич чопиб кетгим келади.

У ёқларда ҳозир ҳам совуқлар ўйнаётган бўлса, эҳтимол. Кузги буталарни қировлар қоплаган бўлиши ҳам мумкин.

Ўша ерда болалигимдаги виқорли ва мағрур ҳайвонни кўрсам ажабмас.

Унинг ҳам отаси аллақачон оламни тарк этгандир? Мен кўрган ўша тўлпоқ бўри боласи аллақачон улғайиб, бир оиланинг бошига келгандир? Унинг ҳам мен сингари зурёдлари бордир,



ҳозир, уясида бир-бирларига суйканиб, фингшиб ухла-шаётгандир?

Оила бошлигининг бедору ҳушёр эканига шубҳа йўқ.

Мени пайқаб, ўша хотиржам ва совуқ нигоҳи билан ҳаракатларимни чамаласа, бу ёлғиз одам боласи тунда, ой ҳаволаган маҳалда дашту тузга не учун келди деган ўй ила ҳушёр-ҳушёр боқса ҳам ажабмас.

Мен эса, йиллардир хаёлимда гавдалантириб юрганим шу манзаранинг рўёбга чиққанидан ўзимча суюнаман.

У мени ҳушёр кузатади. Мен эса истиқболига одим отаман.

* * *

Қишлоғим жуда четда, электр ҳам тузук-қуруқ келмаган, шамолларда, ёмғирларда ўчиб қолади. Ёзда ҳамма ўз ташвиши билан овора, қишда эса юмушлар бир оз камаяди, шунда тўн кийган, белбоғ ўраган кишилар кўчаларда тўп-тўп тўпланишади.

Анча нарида, бир киши томда антенна тузатади, шабада овозини олиб келади:

— Бўлдими?

— Йўқ, ўннга бура!

— Кўрсатдими?

— Кўрсатмай қолди, орқага бура!

Узун терак ёғочини учига маҳкамланган иккита катта мис лаппак лопиллайди.

— Э, бугун кино бўлади! — деб илжайишади кишилар.

У кино урушда фашистлар кўлига тушиб қолган киши ҳақида. Ҳар йили икки-уч марта кўрсатилади, воқеа Польшада рўй беради, нимагадир, қишлоғимнинг кишиларига ўша кинонинг воқеалари маъқул келиб қолган.

Фашист зобити асирга бир стакан тўлдириб ароқ қуйиб беради. Асир оч, аммо мағрур. Ароқни бир симиришда ичади, устига-ушак «Мен биринчисидан кейин газак қилмайман» дейди хўмрайиб.

Қишлоқдагиларга мана шу жойи маъқул.

— Қуй!

— Қуйилади.

— Мен биринчисидан кейин газак қилмайман, — дейди илжайиб қўшним.

Бу ҳаммага ёқиб тушади.

Бу гал ҳам дўкон олдидаги тахта олдида эдик. Чироқ алақачон ўчиб қолган. Паст тарафдан шовур кела бошлади. Беш-олти киши ҳовлиқиб, бақириб-чақириб келар эдилар:

— Бўри! Бўри!

Зиёфат ҳисси шамол учиргандай бадар кетди. Ҳамма ўша томонга чопди.

— Яна бўри оралабдими?

— Қайда экан?

— Ҳеч нима қилмабдими?

Келгувчилар қопда бир нимани орқалаб келмоқда эдилар.

Етиб келишгач, норғул, давангирдай йигит:

— Жаҳаннамга жўнатдик, энди қишлоқ тинч бўлади, — деди илжайиб.

Кейин қопни остидан кўтариб бир силтаган эди, ичидagi бўри танаси шалоп этиб лой устига тушди.

Унга қарадим учим бир қалқиб олди.

У кучли, бақувват бўри эмас эди. Суяги эндигина қотган, эндигина кучга тўлиб-етилиб келаётган бўри боласи эди у.

Юнглари тўқлашиб улгурмаган, тумшугидаги ҳалқаси кетмаган, биқинида тўнғиз ўқининг жароҳати қорайиб турган, кўзи қотиб қолган... хуллас, ўлиб ётар эди.

* * *

— Қуй! — деди қўшним, шодон. — Биз иккинчисидан кейин ҳам газак қилмаймиз!

— Менга қара, — деди кейин. — Бунинг терисини шилиб олинглари-да, тирноғини кесиб, уйга осиб қўйинглари.

— Нимага?

— Эскилардан қолган бир гап бор, — деди ғолибона. Кейин кўрсаткич бармоғини нуқиб, уқтирди:

— Бўрининг тирноғи омад келтиради. Унутма!



* * *

Ўша тун ухлалмай чиққанимни болаларим айтиб беришди.

Самода ниҳоятда тўлин ой сузгани эсимда. Уйга келибману ҳовлида, сўрида ойга қараб ўтираверибман. Кўзимдан ёшим дув-дув оқар эмиш. Хотиним келсаям, болаларим келсаям қарамабман, «Нимага бунақа ўтириб-сиз, уйга кирсангиз-чи» дейишса, тўнғиллаб шундай жавоб қилибман:

— Кирмайман уйингга!

— Кирақолинг, чарчабсиз, ахир.

— Кирмайман дедим-ку?

— Вой, нима қиласиз бу ерда?

— Ойга қараб увиллагим келяпти, хотин, — дебман.

Шундан кейин тўлиқиб-тўлиқиб роса гапирибман. Биласанми, ичимда бир бўри бор, дебман. Мени кўча-кўйда индамас, ювош бир одам бўлиб юришимга қарама. Умрим бўйи ўша бўри ташқарига чиқиб кетмасин деб ури-ниб келдим. Энди эса, ҳеч бўлмаса шу кеча қоронғисида, ҳамма ухлаб донг қотиб ётган маҳалда ойга қараб бир мартагина бўлсин чўзиб-чўзиб увилласам бўлмайди-ми ахир, дермишман...

Эртасига хотиним, болаларим ўзларича илжайишиб «Яхши ётиб турдингизми», дея ҳар доимгидай ҳол сўрашганида кўзларига қарадим у бир нимани биладигандай кулимсираб туришганини кўрдим. Нонушта маҳали хотин ҳар доимги одатини қилиб, ўсмоқчилаб «Кеча ғалати-ғалати гапларни гапирдиларми, хўжайин» деб сўради. Тунги воқеалар эсимда эди, албатта. Аммо ўзимни унутгандай кўрсатиб:

— Бекорларни айтибсан! Тез-тез бўл, ишга кеч қоляпман, — дедим тўнғиллаб. — Бўримиш?! Бор-йўғи бир ваҳший-да. Иши одамларга нукул зарар келтиришдан иборат. Бизлар инсонлармиз-ку?

Бир хўмрайган эдим, хотиннинг дами ичига тушиб кетди. Аммо шундай кўзининг бир четидagi кулимсираш ифодаси кетмаганини пайқадим. Ўзимни билмаганга олиб, тўнимни кийдим-да:

— Келишимда гўшт олиб келаман, кечқурун ўзим сизларга бир палов дамлаб берай, — деб, чопонимни этагини қоқиб кўчага чиқиб кетаётсам, хотин ортимдан гапирди:

— Унда манавини нима қилайлик?

Ўғирлиб қарасам, қўлида узун оқиш бир нима. Бўрининг тирноғи!

— Ташлаб юбор, — дедим энсам қотиб. — Омад келтиради деб қайси аҳмоқ айтди сенга?

— Ўзингиз айтдингиз-ку?

— Ҳамма гапимгаям ишонаверасанми, ҳазиллашдим-ку? — дедим-да, ҳар кунги ишимга-ташвишимга йўл олдим. Шу тонг чоғида, кимдир даласига, кимдир хизмати-га, кимдир ўқишига, кимдир қариндошиникига кетаётган, ҳар кунги ташвишлари билан андармон юзлаб-минглаб кишилар каби.

Яъни, эл қатори...

«BO‘RI» BILAN YUZLASHIB...

«Бўри» ҳикояси тўлиғича муаллиф шахсининг нутқи сифатида юзага келган. Шу боис унда монололизм кучли, ўқирман воқеаларнинг муаллиф идроки, тасаввурига мос талқини билан танишади: *«Уйга қайтаётганимда чўл адоғидан улкан ой самога кўтарилган, шабада эсар, ҳаммаёқ шитирлаган сасларга тўлиб кетган эди».*

Чиндан ҳам дунё аслидай эмас, кўринганидай, ҳис қилингандай, тасаввур этилганидай қабул қилинади. Оламнинг аслида қандайлиги фақат Яратувчисига маълум. Шу боис ҳам мутлақ дунё ўзи ўткинчи бўлган инсон туйғуларидан келиб чиққан ҳолда нисбий тарзда тасвирланади.

Асар сюжети бир қарашда алоҳида йўналишларда ривожланган сочмадай туюлса-да, муаллиф баёнидан бу қисмлар орасида алоқа мавжудлиги ойдинлашади. Ҳикоя қаҳрамони етти ёш бола пайтида илк бор табиат билан учрашади. Бўри боласи билан бемалол, беҳадик ўйнайди. Бу инсоннинг ўз моҳияти билан учрашувига ишора ҳам. Болалигида инсон моддий талаб, ижтимоий мослашув, таъқиқу баҳолашлардан беҳабар бўлади. Улғайгач, атрофдагилар фикри унда кўрқув, ўзгалар наздида обрўси тушишдан чўчиш ҳиссини пайдо қилади. Шу маънода И.Султоннинг қаҳрамони ва бўри боласи ижтимоийлашмаган, тоза пайтда тенг, табиатан бир-бирига яқин эди. Ҳикояда бутун эътибор воқеалар баёнидан кўра, кечинмалар тасвирининг изчиллигига қаратилгани бу икки тимсол орасидаги муносабатни, шу орқали эса инсон аталмиш сирли ҳилқатни тушунишни осонлаштиради. Китобхон бўри боласини суйиб қолгани, унинг қишлоқ аҳли ва уларнинг чорвасига дахл қилмаслигига тўла амин бўлгани ҳолда қаҳрамон ўрнида ўзи ҳам уни иккиланмасдан отиб ташлашни истаган бўлишини билади. Асардаги баёнчилик оҳанги китобхонни воқеалардан таъсирлантиришдан ҳам кўра уларнинг иштирокчисига айлантиради. Бу эса қаҳрамонни ижобий ёки салбий деб баҳоламай, ҳар қандай жонли одам сингари, ҳар икки жиҳатни ҳам ўзида жамлаган мураккаб тақдирли инсон тарзида тушуниш имконини беради.

Ҳикоя воқеалари бўри боласи билан илк учрашувдан сўнг бир неча йилга илгарилаб кетади, қаҳрамон бола улғайиб, етилади. Асар динамикаси воқеаларнинг шиддатли кетма-кетлигида эмас, қаҳрамон кўнглида рўй бераётган ўзгаришлар, руҳий кечинмаларда кўринади. Бу ўзгаришлар ҳикоячи томонидан монололизм тарзида баён қилингани воқеалар орасидаги узок йиллик муддатни сездирмайди. Айнан монололизм туғдирган тасаввур имконияти туфайли китобхон хронологик кетма-кетликни ўзи илғаб-тиклаб олади.

«У ўша, болалигимда кўрганым бўримиди, ё бошқасими, айтолмайман. У кўрганым бўрининг нигоҳи ўз қудратига ишонган, хотиржам нигоҳ эди. Қаршимдагининг нигоҳида эса таҳдид сезилмоқда!»

Муаллиф тасвирдан-тасвирга ўтаркан, китобхонни яшашдан мақсад нима, деган саволга яқинлаштириб бораверади. Аниқроғи, ўзи бир умр излаб, топа олмаган жавоби сари етаклайди. Ҳикоя қаҳрамони умрининг турли босқичларида ҳаётнинг маънисини турфа нарсаларда кўради ва излайди: бола пайтида ўйинда, ўсмирлигида муҳаббатда, эр йигит чоғида эса оиласи, фарзандлари қувончида...

Зийрак китобхон бош қаҳрамоннинг бўри боласи билан учрашуви бежиз эмаслиги, бу билан муаллиф ҳаёт ҳар бир одам учун алоҳида ва атрофдагиларники билан бир илдизга эга эканлигига ишора қилаётганини илғайди. Чиндан ҳам инсон умри бир марта, яқинлари билан биргалликда кечирилади. Бўри тимсолида муаллиф инсон ва унинг ҳаёти орасидаги муносабатни кўрсатишга интилади. Ҳаётнинг жилмайганга жилмайиши, ҳўмрайганга эса мушт ўқталиши, адолатсиз туюлган ҳодисаларнинг ҳикмати борлиги иккиси ҳам оила бошлиғига айланган бўри боласи ва йигит учрашувига яққолроқ намоён бўлади.

«Ажабо, мени ёв ҳаёл қилдимикин?»

Мен ҳам уни ёв ҳаёл қилдим-ку?»

Ортимга чекинсам, ҳамла қилмаслиги мумкинмиди?»

Ойла ришталари ҳаёт моҳиятини белгилайди. Болалигида бемалол ўйнагани инсон олдида бўри оиласини асраш, дахлсизлигини таъминлаш мақсадида яқин келмайди. Худди шунингдек, бўрини ваҳший деб ўйламаган одам ҳам оиласи олдидаги масъулият туфайли ўзини асрайди, ҳимоя қилади, қуроли бўлганида қандай отиб ташлашини ҳаёл қилади: *«Милтиқ олмаганимни қара! Милтигим бўлса, тўнғиз ўқи билан бир отишда жонини жаҳаннамга жўнатардим. Тўнғиз ўқи теккан жойини йиртиб-куйдириб ўтади. Яқинроқдан отилса суякларни ҳам синдириб, баҳайбат бўлса-да, бир неча қулоч нарига улоқтириб юборади».*

Мазкур тасвир И.Султоннинг табиатни пухта билишидан далолатдир. Чунки бу қадар реалистик манзарани чизиш учун одам соҳа ҳақида яхшигина билимга эга бўлиши лозим. Умуман, ҳикоядаги тасвирлар шу қадар қуюқ, жонли ва табиийки, бироз киши гашига тегади ҳам: *«Ғўзапоя тутунни кўк бўлади. Тут ўтини эса яшилтоб аланга чиқаради. Тутунларга қараб, ким нима қилаётганини билиб олса бўлаверади. Қорамтир тутун тандирга нам ғўзапоя ёқилганини билдиради. Кимдир нон ёпмоқчи. Оч-кулранг тутун хазон ёқилганининг аломати».* Бундай ифода усули туфайли китобхон ёпилаётган нон ҳидидан иштаҳаси очилиб, ёнган ўтиндан димоғи ачишади.

Адабиётда бадий сўз кўрсатмалилиги тамойили мавжуд. Муаллиф бунга ўз йўлида, тўла амал қилган. Хатбошиларнинг қисқа, бир ё иккигина жумладан иборат эканлиги ҳикояга шиддат бериш билан бирга ўқувчини мунтазам хавотирда ушлаб туришга хизмат ҳам қилган. «Хали тугамадику... қоқ ўртасидан бўлинибдику... нимадир юз берса керак... энди аниқ нимадир бўлади» каби саволларга жавоб топишга уринади.

Чингиз Айтматов суҳбатларнинг бирида «Ҳар бир асар замирида болалик ва табиат ҳамда уларга муаллифнинг муносабати ётади» деган эди. Чиндан ҳам шундай. Айнан болаликда инсон туйғулари чин бўлади. Инсон улғайганида ҳам табиат кучоғида, бир муддатга бўлса-да, аслига қайтади, ўзини бошқача кўрсатишга уринмайди. Чинакам асар эса туйғулар чуқур бўлсагина, юзага келади. Болаликда ва табиат бағрида инсоний туйғулар ингичкалашади, жилваланади, жилволанмай, борица намоён бўлади.

Муаллиф монологидан китобхон инсон улғайгани сари туйғулар танқислашиб бориши, бу бўшлиқ ўрнини тўлдириш имконсизлигини яна бир қарра англайди.

«Ташвишим шу қадар кўпки, қайларгадир бош олиб кетгим келади. ...Ичимда ёввойи бир ҳаяжон бош кўтарди».

И.Султон қаҳрамонини бир қолипга солиб қўймаган, чунки инсонни қолиплаш, унга охириги, қатъий таърифни бериш имконсиз юмуш. У ҳар онда ўзгариб, тусланиб яшайди. Шу каби дастлаб тоза, бегубор қиёфада чиққан бола лавҳадан-лавҳага кескинлашиб, ҳатто шафқатсизлашиб бораверади. Бир маромдаги сокин баён қаҳрамондаги бу ўзгаришлар, унинг хатти-ҳаракатлари мантиқийлигини таъминлай олган.

Адабиёт инсоннинг ўзликни англашга бўлган уринишлари натижасидир. Ҳар бир бадий асар, шу маънода, ўз мақсади, унга етиш учун бажарилиши лозим бўлган вазифалар тизимига эга тадқиқотдир. Муаллиф маҳорати ва асар муваффақиятини тадқиқотнинг китобхонни қийнаётган саволларга қанчалар яқин кела ҳамда бадий ечимни китобхонга маъқуллата олгани белгилайди. Ҳикоя қаҳрамони билан ўйнаган, улғайганда дуч келган, чорвага дориган ва отиб ўлдирилган бўрининг бошқа-бошқа экани китобхонга галати туюлмаслиги, бунда мантиқни кўриши муаллиф маҳоратидан дарак беради.

Бўри — кўлга ўргатиб бўлмайдиган ягона ҳайвон. Бўрида озодликни, эркини қадрлаш ҳисси мавжуд. Худди инсон каби.

Бўри сўзи бу ҳикояда ўзининг асл маъносидан узилган, ўзгача хусусият касб этган. Бўрини тасвирлаш асносида И.Султон инсоннинг жиловланиши, йўқолишини истамаган туйғуларини, асов тийнатишни чизган. Муаллифнинг бўриси — ижодкорнинг ҳаёти ва ҳаётдаги ўрни «*Ҳаёт деб аталган дашту биебоннинг қай ерида эди менинг маконим?*»

Яна бир жиҳатга тўхталиш лозим. Адабиётда очик, кўзга ярқ этиб ташланиб турган маъно қиймати баланд бўлмайди. Адабиётда асл гўзаллик пинҳонликда, уни ўйлаб, излаб топишда деб саналади. Ҳикояда баъзан монологизм ва тасвирларнинг батафсил, реалистик, ошкора экани асар

савиясига жиддий таъсир қилади, жўнлаштиради, шунчаки воқеа даражасига туширади, китобхонни зериктиради.

Шу билан бирга воқелик ва унинг идрок этилиши ҳаммаша баҳс-мунозараларга сабаб бўлишини унутмаслик лозим. Зотан, уни ҳар ким ўздан келиб чиққан ҳолда қабул этади ва тушунтиради. Ҳақиқатнинг ҳам мутлақ эмаслиги, умуман, бу дунёда ҳеч нарса мутлақ ва абадий эмаслиги сабаби ҳам одамларнинг турличалигидадир. И.Султоннинг «Бўри» ҳикояси ҳам буни тасдиқлайди.

Муҳайё ИСМОИЛОВА,
Филология фанлари номзоди

TADBIR



анъат инсонни эзгуликка чорлайди. Биз эзгуликни борлиқнинг турли жабҳаларидан қидирамиз. Ўзимизга керакли бўлган маънавий озукани санъатнинг турли йўналишларидан кўриш, эшитиш, ўқиш ва ҳиссий идрок орқали оламиз. Санъатнинг шундай йўналиши борки, биз у орқали дунёни асл ҳолича кўрамиз. Бизга аслиятни аслигича кўрсатиб берадиган санъат бу фотография санъатидир. Инсон доим атрофдаги воқеликни асл ҳолича кўришга интилади. Фотография соҳаси ҳам бизни қуршаб турган оламни айнан борича кўришга имконият яратиб берибгина қолмай, ундан завқланиш, таъсирланиш ва чуқур мушоҳада юритишга ундайди. Фоторассомликнинг яна бир сирли жиҳати лаҳзани мангуликка муҳрлай билишида. Ўтаётган вақт, чиқаётган кўёш, қанот қоқаётган капалак... Буларни табиий шароитда томоша қилгандан суратга инган ҳолда кузатиш айни жараёнларга фалсафий қарашга, оламни кенгроқ мушоҳада қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўرғазмалар залида VII Тошкент халқаро фотобиеннаlesi ҳафталиги бўлиб ўтди. Фотобиеннале-2014 ҳафталигида дунёнинг 32 давлатидан 200 дан ортиқ етук фоторассомлар ўз асарлари билан иштирок этишди. Биз ушбу кўрғазма экспозициясида Англия, Франция, Испания, Италия, Бразилия, АҚШ, Эрон, Россия, Украина, Канада, Ўзбекистон, Озарбойжон, Арманистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Молдова, Беларусь, Саудия Арабистони, Япония, Хитой, Германия, Латвия, Литва, Туркменистон, Нидерландия, Швеция ва Британия кенгашининг «Инстаграмм» композицияси иштирок этган фотоасарлар намойиши тақдим этилди. Ҳафталикнинг асосий мавзуси «Ўшашлик. Тасаввур ва Борлиқ» деб номланиб, фото усталарига атроф-муҳитнинг жадал суръатда ўзгаришини фотосанъат орқали акс эттириш имконини беради.

XXI аср цивилизацияси оламни ижтимоий тезкор ўзгаришлар, турли хил кутилмаган қаршилиқларга кўниктирди. Марказий кўрғазмалар залида ишлари намойиш этилаётган иштирокчиларнинг аксарияти ўз фотоасарларини компьютерда қайта ишлашдан атай воз кечиб, ҳужжатли фотографияда бадиийлик ва гоёвийликни ўзаро боғлаб, маҳоратларини кўрсата олганига гувоҳ бўламиз.






Шунингдек, хорижлик фоторассомлар Ўзбекистоннинг табиати, бинолари, самимий инсонларини ҳам ўзлари учун суратга тушириб, келгусидаги ишлари учун манба сифатида ҳозирлаб қўйдилар. Улар ўз ҳайратларини асарлари орқали намойиш этиш истагида бўлишди.

Шунингдек, ҳафталик доирасида «Соғлом бола йили»га бағишланган «Болалик майдони» кўрғазма-танлови ҳам ўтказилди. Ушбу ҳафталик санъат соҳаси мутахассисларининггина эмас, кўрғазмага ташриф буюрган кўпсонли томошабинларнинг ҳам эътирофларига сазовор бўлди.

Аҳмад ТўРА

Suratgaingan lahzalalar

VII Toshkent xalqaro fotobiennalesi



Guliston 2014/5 21

Муҳтарам «Гулистон» журнали муҳарририяти. Сизга тақдим этилаётган мақола Афғонистон ўзбекларидан. Сизнинг журналингиз саҳифаларида Афғонистондаги ўзбеклар орасидаги ўзбек тили ва адабиёти ва уларнинг муаммолари ҳақида масалалар ёритилишини жуда истаб турган бир қанча афғонистонлик ўзбек олимлари, ёзувчилари, шоирлари билан бир кўпчилик ўқувчилар ҳам бор. Чунки «Гулистон» журнали Афғонистондаги ўзбек тили ва адабиёти шинавандалари орасида эскидан жуда машҳур журналлардан бири бўлиб ҳисобланади.

*Хурмат ва эҳтиром ила,
Шухрат БАРЛОС*

AFG'ONISTONDA O'ZBEK ADABIY TILI MUAMMOLARI

Тил ижтимоий ҳодиса бўлгани учун замон билан ёнма-ён ўсиб, ривожланиб боради. Бу ўсиш ва ривожланиш асосан тилнинг луғат таркибида ўз ифодасини топади. Демак, фан ва технология тараққиёти тилларга янги-янги сўзлар ва янги тушунчаларни олиб киради. Чунки технология тараққиёти натижасида яратилган янги нарсалар қайси мамлакатга кириб бормасин, ўзи билан бирга ўз номини ҳам олиб боради. Тил софлиги учун курашга бел боғлаб турган олимлар бу янги нарсаларга ўз тиллари имкониятидан келиб чиқиб янги сўзлар ахтариб топан дегунларича, меҳмон сўзлар мезбон миясида чиқариб бўлмайдиган даражада ўрнашиб қолади.

Бундан кўринадики, инсонлар ўзларининг ижтимоий ҳаётларида теварак-атрофларидаги инсонлар билан олди-берди, борди-келди қилмасдан яшашлари мумкин бўлмаганидек, уларнинг тиллари ҳам фақат ўз имкониятлари доирасида қолиши мумкин эмас. Ўзларида йўқ сўзларни бошқа тиллардан оладилар, бошқа тилларга керак бўлган сўзларни ўз тилларидан ўтказадилар. Шундай экан, ўзбек тили ҳам бу олди-берди муносабатларидан четда қолмаган. Лекин шунини ҳам эслатиб ўтиш керакки, бу муносабатларни ўрнатишда, тил намояндаларининг ўзлари яшаб турган жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ўрин ва мавқелари муҳим рол ўйнайди.

Сиёсий жиҳатдан бошқа миллатга қарам бўлган халқнинг тили ҳам, қанчалик бой ва ифода қудрати қанча юксак бўлмасин, бари-бир ўз эгаси сингари қаддини тиклаш ва жамиятда ўз ўрнини топиш имкониятига эга бўлмайди. Бу нарса ҳар бир мамлакат давлатининг тугган сиёсий йўлига бевоқифа боғлиқдир. Чунончи, ўтган асрда Афғонистонда ўзбек тилини расмий тил сифатида асосий қонунда қайд этилиши у ёқда турсин, ҳатто бу юртда ўзбек халқининг мавжудиятини тан олиш шовинист ҳукмронлар миясига сиғмайдиган тушунча эди. Бахтимизга бизнинг юртимизга ҳам демократиянинг қадамлари етиб келиши билан тилимизнинг расмиёти асосий қонунда ўз тасжилини топди ва унинг тараққиёти учун йўл очилди.

Ҳўш, энди нима қилиш керак? Афғонистонда ўзбек тили адабий ва меъёрий тил сифатида ўз ўрни-

ни топа олганми? Афсуски, бу саволга ижобий жавобимиз йўқ. Бу тилда ёзиш-ўқиш қатағони уч даҳа (ўн йиллик)дан бери ўртадан кўтарилган бўлса-да, негадир, бу тил ҳозиргача меъёрлаштирилган адабий тил сифатида ўз қаддини тиклай олмаган.

Афғонистон билим юртларида, муаллим тарбиялаш муассаларида ўзбек тили ва адабиёти бўлимлари «хўжа кўрсин» сифатида яшашга маҳкум этилмоқда. Бундан ташқари, худога шукр, энди ўзбек тили ўзбеклар кўпчиликини ташкил этадиган вилоятлар мактабларида дарс сифатида ўқитиладиган бўлган. Лекин бу ҳамма нарса кўнгилдагидек ўз изига тушиб кетган дегани эмас, албатта. Навоий таъбири билан айтганда, ҳали биз ўзбек тилини юртимизда «як қалам» қила олмаганмиз. Бу ўзбошимчалик ва ҳархилликларни ҳам билим юртларида, ҳам мактабларда, ҳам матбуот ва нашариётда, ҳам оммавий ахборот воситаларида кўраимиз.

Афғонистон ўзбеклари Ўзбекистон ўзбек адабий тилини кўтара қабул қилишлари мумкинми?

Тил кишилар орасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу тилнинг энг асосий ва биринчи вазифаси ҳисобланади. Лекин бундан ташқари тил ҳар бир киши учун тафаккур воситаси ҳамдир. Инсон учун ўз тили азизлиги ҳам унинг иккинчи вазифасидан келиб чиқади. Агар тилнинг бирдан-бир вазифаси кишилар орасидаги алоқа воситаси эканлиги бўлса эди, инсон она тилини қўйиб, жамиятда ўрни ва роли каттароқ бўлган бошқа бир тилни касб этиб, ўша тилни алоқа воситаси сифатида бемалол қўллаб юриши мумкин эди. Тилнинг асосини тафаккур ташкил қилиши сабабли ҳам биз учун она тилимиз азиздир. Чунки биз она тилимизда ўйлаймиз.

Тил икки кўринишга эга: Адабий тил ва сўзлашув тили.

Ҳар бир тилнинг асосини ташкил этувчи товуш, сўз ҳамда грамматика сатҳлари маълум меъёрга тобе қилинган ва ўша тилнинг намояндалари учун умумий бўлган тил адабий тил дейилади. Адабий тил тараққиёти учун матбуот, нашриёт, радиои, телевидение, билим юртлари ҳамда мактаблар асосий рол ўйнайди.

Сўзлашув тили эса маълум ҳудудларда яшовчи халқ намояндаларига хос бўлган тил ҳисобланади.

Баҳсимиз мавзуси Афғонистон ўзбек адабий тили ҳақидадир. Барчага маълумки, Афғонистонда ўзбеклар Бодғисдан Бадахшонгача бўлган кенг ҳудудда азалдан яшаб келмоқда. Аммо бу ҳудуддаги ўзбеклар тили турли ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра сўзлашув тили даражасида қолиб кетган.

Афғонистон ўзбек адабий тилини шакллантиришнинг икки йўли бор:

1. Афғонистон ўзбек лаҳжа ва шеваларини ўрғаниб, улар асосида ўзбек адабий тилини вужудга келтириш;

2. Тўғридан-тўғри Ўзбекистон ўзбек адабий тилини қабул қилиш.

Мавжуд шароитда, Афғонистон ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий ўрнини назарда тутган ҳолда биринчи йўлнинг амалга ошиши мумкин эмаслиги ойдиқ равшан. Шундай экан, иккинчи йўлнинг илмий, амалий ва мантиқий жиҳатларини ўрганишга тўғри келади.

Ўзбек адабий тили тарихига назар ташлайдиган бўлсак, олимлар уни уч даврга бўладилар:

1. Қадимги туркий адабий тил;
2. Эски ўзбек адабий тили;
3. Ҳозирги ўзбек адабий тили.

Қадимги туркий адабий тил даври V-XIII миллодий асрларни ўз ичига олади. Бу даврга V-XIII асрларда яратилган Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит-турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу Билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббат-ул ҳақойиқ» каби асарлари ва бошқалар кирди. Шунга таъкидлаш зарурки, бу даврда яратилган илмий ва адабий ёдгорликлар барча туркий халқлар учун умумий ҳисобланади.

Эски ўзбек адабий тили даври XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб XIX асрнинг охиригача давом этган замонни ўз ичига олади. Бу даврга шу асрлар ичида яратилган Ҳофиз Хоразмий, «Муҳаббатнома» муаллифи Хоразмий, Амирий, Ҳайдар Хоразмий, Лутфий, Атоий, Саккокий, Алишер Навоий, Заҳридин Муҳаммад Бобур, Машраб, Мунис, Муқимий, Огаҳий, Аваз Ўтар каби шоир ва ёзувчиларнинг асарлари кирди.

Ҳозирги ўзбек адабий тили даври эса XX аср бошидан бошланиб, ҳозирги кунгача давом этаётган даврни ўз ичига олади.

Демак, ҳозирги ўзбек адабий тили бир асрдан кўпроқ вақт ичида ҳар жиҳатдан такомиллашган адабий тил сифатида ўз мавжудиятида давом этиб келмоқда. Бу юз йилдан кўпроқ замон давомида ўнлаб шоир ва ёзувчилар ўзларининг қийматли асарлари билан ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти карвони билан, ҳақиқий маънода, ҳамнаво қилиб келмоқдалар. Шунингдек, ҳозирги кунда ўзбек адабий тили Ўзбекистон мамлакатининг давлат тили сифатида тик қомат билан барча соҳаларда хизмат қилиб келмоқда.

Хўш, шундай экан, Афғонистон ўзбеклари учун Ўзбекистон ўзбек адабий тилини кўтара шаклда қабул қилиш мумкинми?

Ҳозирги ўзбек адабий тили ўзининг юз йиллик умри давомида ҳеч қандай хатога йўл қўймаганми? Унинг ҳам ўзига яраша камчиликлари йўқми?

Йигирманчи аср бошларигача бўлган давр ичида икки ҳудуддаги ўзбеклар тилида кўзга кўринарли

фарқлар мавжуд бўлмаган. Бу давронинг исботи сифатида Бобурнинг Навоий ҳақида ёзганларини эслаш kifоя. Бобур Андижон шаҳри аҳолиси ва уларнинг тили ҳақида маълумот бериб, Андижон аҳли тилининг Навоий асарлари тилига жуда яқин эканлигини қайд қилади: «Эли туркдур, шаҳар ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам биладур росттур. Анинг учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудиким Ҳирийда нашгу наво топибтур, бу тил билладур».

Бобурнинг бу фикри маълум тарихий асосга эга. Чунки икки маданий марказ: шарқий қарлуқ-чигил-яғма ҳамда гарбий ўғуз-қипчоқ лаҳжа бирликлари негизида шаклланган эски туркий тил асосида ривожланиб, XII-XIV асрларда тўла шаклланган ўзбек адабий тили жуда катта ҳудудда — Моваруннаҳр ва Хуросонда кенг қўлланган. Бу адабий тилнинг луғат таркиби, фонетик ва морфологик қурилиш меъёрлари таркиб топган эди. Мана шу адабий тил ва унинг маълум шеваларида сўзлашган халқ, яъни ўзбеклар XIV-XV асрларда Фарғона водийсида, Тошкент воҳаси, Самарқанд вилояти ва ҳозирги Афғонистоннинг турли вилоятларида яшаганлар. Демак, Навоий асарлари ҳам худди мана шу тилда — ўзбек тилида ёзилган. Бобурнинг фикрига қараганда, Ҳирот ўзбеклари билан Фарғона ўзбеклари тили орасида деярли ҳеч қандай фарқ бўлмаган. Демак, барча фарқлар Кобул ва Москвада олиб борилган сиёсатлар натижасида ўртага келган.

Масаланинг тилшунослик жиҳатига келсак: тил — ижтимоий ҳодиса, яъни жамиятдаги сиёсий жараён тилга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Бу таъсир кўпроқ тилнинг сўз таркибида ўзини намоян қилади. Ўтган асрлар давомида подшоҳи Самарқандда, валиаҳди Балхда турадиган миллат орасига темир девор чизилиб, бирига «Русий Туркистон», бирига «Афғоний Туркистон» номлари берилиб, тили, дини, урфи, одати, тўйи, азаси бир бўлган бир бутунни икки яримга ажратиш ташладилар. Натижада Амударёнинг икки қирғоғидаги ягона миллатнинг тили бири рус тили, иккинчиси форс тили таъсири остида қолиб кетди. Оқибатда икки ҳудуддаги ўзбеклар тилида бир-бирига мутлақ бегона бўлган янги-янги сўзлар пайдо бўлди. Бу нарса Ўзбекистон ўзбек тилида икки жараён натижасида юзага келгани айтилади. Биринчиси, Советлар ҳокимиятининг бошларида ҳақиқий ўзбек ёзувчиларига «халқ душмани» тамғаси урилиб, Сибирга сургун қилиниб, ўша ерларда ўтиб кетганлар. Бунга Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Боту каби буюк шоир ва ёзувчиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ҳол ундан кейин ҳам давом этди. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби ҳақиқий истеъдод эгалари бўлган ёзувчиларга меҳр билан қаралмади. Аксинча, тил нуқтаи назаридан ўзбек бўлмаган, лекин буйруқ билан ўзбекча асарлар ёзган айрим шоир ва ёзувчилар ўша вақт давлатидан муҳаббат кўрдилар ва сунъий равишда чоғдош ўзбек адабиётининг асосчилари деб таниттирилдилар. Бу қасдий ҳаракатлар ўзбек тилига айрим бўлмағур сўз ва иборалар кириб қолишига сабаб бўлдики, булардан айримларини кўрсатиб ўтсак:

(давоми 26-бетда)



17th Asian Games
INCHEON 2014

O'zbekim

Biz o'z oldimizga qo'ygan buyuk marralarni egallash yo'lida kundalik hayotimizda amalga oshirayotgan, butun dunyo tan olayotgan reja va dasturlarimiz, o'sish sur'atlarimiz, kundan-kunga qiyofasi o'zgarib, kuch-qudratga to'lib borayotgan go'zal va betakror ona yurtimiz, eng muhimi, rivojlangan mamlakatlardagi tengdoshlari bilan tillashuv va bellashuvga tayyor bo'lib, tobora hal qiluvchi kuch darajasiga ko'tarilayotgan siz, aziz yoshlarimiz, farzandlarimiz bilan biz ko'zlagan maqsadlarimizga, albatta, erishamiz. Bunga hech qanday shubha bo'lmasligi kerak.

Islom KARIMOV

Janubiy Koreyaning Incheon shahrida XVII yozgi Osiyo o'yinlarida O'zbekiston terma jamoasi a'zolari ushbu musobaqalarda sportning 31 turida ishtirok etib, jami qirq to'rtta: 9 oltin, 14 kumush va 21 bronza medalni qo'lga kiritdi. Jamoaviy bahslar hisobga olinganda mamlakatimiz sportchilari jami 61 medal — 12 oltin, 14 kumush va 35 bronza medalga sazovor bo'ldi.

Osiyo o'yinlarida qit'amizning 45 mamlakatidan 13 mingdan ziyod sportchi 36 sport turi bo'yicha 437 medallar jamlanmasi uchun o'zaro bahslashdi. Ular orasida Olimpiya o'yinlari, jahon va qit'a chempionatlarining g'olib va sovrindorlari ko'pchilik ekani musobaqalarning keskin va murosasiz kechishini ta'minladi.

Osiyo o'yinlarida O'zbekistondan 228 sportchi boks, badiiy gimnastika, baydarka va kanoeda eshkak eshish, dzyudo, og'ir va yengil atletika, erkin va yunon-rum kurashi, suzish, velosport va boshqa sport turlari bo'yicha mamlakatimiz sharafini himoya qildi. Ular o'zlarining yorqin chiqishlari va erishgan yuksak natijalari bilan O'zbekistonda sportni rivojlantirishga davlat siyosati darajasida alohida e'tibor qaratilayotganini yana bir bor namoyish etdi va Vatanimiz sha'ning butun dunyoda yanada ulug'lanishiga hissa qo'shdi. Eng muhimi, O'zbekiston sportchilari hech kimdan hech qachon kam bo'lmagani va kam bo'lmasligini yana bir bor isbotladi.

Osiyo o'yinlarida qo'lga kiritilgan medallarning katta qismi olimpiya sport turlari bilan shug'ullanadigan yoshlarimiz hissasiga to'g'ri keldi. Erkin va yunon-rum kurashi bo'yicha Rustam Assakalov, Dilshodjon Turdiyev, Bekzod Abdurahmonov, Rashid Qurbonov va boshqa polvonlarimiz o'zbek kurash maktabining yuksak salohiyatini namoyish etib, terma jamoamizga 3 oltin, 1 kumush va 3 bronza medalini keltirdi.

Taekvondo (WTF) bo'yicha sportchilarimiz qo'lga kiritgan 4 medal ularning Osiyo o'yinlariga tayyorgarligi to'g'ri tashkil etilganidan dalolat beradi. Jasur Boyqo'ziyev birinchi oltin medalga sazovor bo'ldi. Aka-uka Nikita va Maksim Rafalovichlar, Dmitriy Shokin kumush medallar bilan taqdirlandi.

Gimnastikachi qizlarimiz Anastasiya Serdyukova, Jamila Rahmatova, Valeriya Davidova va Ravila Farxutdinova yuqori tayyorgarlik va g'alabaga bo'lgan katta ishtiroqni namoyish etdi. Ularning xalqa, to'p, bulava, lenta bilan murakkab mashqlarni bajarishi mamlakatimizga navbatdagi oltin medallarni keltirdi.



sporti

Ushbu musobaqalarda yengil atletikachilarimiz ham salmoqli yutuqlarni qo'lga kiritdi. Svetlana Radzivil balandlikka sakrash musobaqasida 1 metru 94 santimetr natija ko'rsatib, oltin medalni qo'lga kiritdi. Kumush medal sohibi yengil atletikachi Leonid Andreyev ham muxlisu mutaxassislarning e'tirofiga sazovor bo'ldi. Yengil atletikachilarimiz Nadejda Do'sanova va Ivan Zaytsev ham mamlakatimiz terma jamoasiga ikkita bronza medali keltirdi.

Bokschilarimiz ham ko'plab medallarni qo'lga kiritdi. Shahobiddin Zoirov va Isroil Madraimov kumush, Oybek Mamazulunov va Mirzohidjon Abdullayev bronza medallariga sazovor bo'ldi.

Eshkak eshuvchi sportchilarimiz o'zlariga bildirilgan ishonchni oqlab, 5 medalni qo'lga kiritdi.

Sportchilarimizning XVII yozgi Osiyo o'yinlarida erishgan yutuqlari mamlakatimizda Prezidentimiz Islom Karimov rahnamoligida sportni rivojlantirishga nechog'li ulkan e'tibor qaratilayotganini yana bir karra namoyish etdi. Istiqoldan avval sportchilarimizning xalqaro musobaqalarda ishtirok etishini tasavvur qilib bo'lmasdi. Bunday nufuzli musobaqalardagi g'alabalar haqida gap ham bo'lishi mumkin emas edi.

Manba: Uza.uz sayti



Астойдил: бу сўз уч жуздан иборат бўлиб, аз — дан, та — ич, дил — юрак. Модомики, мазкур сўзнинг ўз тилимизда юракдан, чин юракдан каби чиройли ифода шакллари бор экан, бундай оғир шаклни тилимизга қабул қилишнинг не ҳожати бор? Бундан кўра бундай бир маънони ифода қилиш учун арабча «қалбан» сўзини олса, ҳам тушунарли, ҳам содда: **Астойдил сизга ишондим — юракдан сизга ишондим. Чин юракдан сизга ишондим. Қалбан сизга ишондим.**

Азбаройи: бу сўз икки — аз ва барои жузларидан иборат бўлиб, учун маъносини ифода қилади: **Бу гапларни айниқса, сиз билан менга келишмаса ҳам, азбаройи мени ёлғиз ташлаб қўйганингиздан айтдим.** (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик, 1-том, 25-бет): **Бу гапларни айниқса, сиз билан менга келишмаса ҳам, мени ёлғиз ташлаб қўйганингиз учун айтдим,** деса ҳам ёзувчи кўзлаган маъно чиқадику. Шундай экан, бу мутлақ форсий таркибни қўллаш тилнинг услубини бузади.

Ўзбекистон ўзбек адабий тилига ўйламасдан-нетмасдан, масъулиятсизлик билан киритилган бундай йўниқсиз форсий таркиблар тўлиб-тошиб ётибди. Ҳар бири устида алоҳида тўхталадиган бўлсак, қанча-қанча варақларни қоралашга тўғри келади. Мақола-нинг охирида тилимизнинг гўзаллигига футур етказган бундай варваризмлар (тилнинг ҳуснини бузадиган келгинди сўз ва сўз бирикмалари)нинг мундарижасини берамиз.

Бундан ташқари, сўз ясашда ҳам ўзбек тилининг грамматик хусусиятларини назарда тутмаган ҳолда баъзи бир форсча олд қўшимчаларнинг керагидан ортиқ даражада қўлланиши тилимизнинг хуснини бузган: «бе» олд қўшимчаси: бу қўшимча турли отларга қўшилиб негиздан англашилган нарсанинг йўқлигини ифода қиладиган сифат ясади: *бемаза* — мазасиз, *бетуз* — тузсиз, *бешарм* — шармсиз, *беҳаё* — ҳаёсиз, *бетоқат* — тоқатсиз каби. Бу қўшимчанинг синоними бўлган — сиз қўшимчаси айни маънодаги сифат ясади. Шундай экан, — бе олд қўшимчасини керагидан ортиқ истеъмолининг нима ҳожати бор? Хусусан, мазкур қўшимча билан ўзбекча сўзлардан сифат ясаш ундан ҳам кулгибороқ чиқади: *бетўхтов* — тўхтовсиз, *беажин* — ажинсиз, *беаёв* — аёвсиз, *беунум* — унумсиз, *беўхшов* — ўхшовсиз каби. Шунингдек, «но», «ба», «бо» олдқўшимчалари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Ҳозирги ўзбек адабий тилига фонетик ўзгаришларга юз туган айрим сўзлар кириб қолган. Масалан, *зим-зиё* — сим-сийёх, *пойабзал* — пояфзор ёки поябзор, *зимдан* — зимнан, *муроса* — мурозот, *маҳҳам* — марҳам, *тилсим* — тилисм, *бачкана* — бачагона — тифлона, *баралла* — бармало, *маҳтал* — маътал, *баракалла* — бориқаллоҳ, *кафт* — каф каби сўзларни биз ҳам айнан бузилган шаклда қўллашга мажбур эмасмиз. Керак бўлса тўғри шаклини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Тилимизнинг турли лаҳжаларида бор сўзлар ўрнида форсча ёки арабча сўзларнинг ишлатилиши ҳам унчалик мантиқли кўринмайди: *тухум* — юмурта, *гул* — чечак, *лаб* — дудоқ каби.

Ўзбек тили узоқ ва бой ёзма тарихга эга тил ҳисобланади. Тўғри, тил қотиб қолган, ўзгармас ҳодиса эмас. Ундаги сўзлар замон оқимида турли ўзгариш-

ларга юз тутади. Баъзи сўзлар истеъмолдан чиқиб архаик ва тарихий сўзларга айланиб қолади. Баъзи бир сўзлар муайян тарихий шароитда турли нарса ва ҳодисаларнинг номини ифода қилиб ўша нарса истеъмолдан чиқиб ёки тарихга айланиб қолиши натижасида уларнинг номи ҳам истеъмолдан чиқиб кетиши мумкин. Аммо ўша нарса ёки тушунча ҳозирги кунда ҳам яшаб туриб фақат номини бегона тилдан олиш инсофдан эмас: *Тамуғ* — дўзах, *учмоқ* — жаннат, *осиғ* — фойда, *янглиғ* — сингари, *ёзиқ* — гуноҳ, *ойва* — беҳи, *сунмоқ* — тақдим қилмоқ, *очун* — дунё, *чоғир* — май, *ёзғурмоқ* — гуноҳкор ҳисобламоқ, айбламоқ, *ёрғу* — маҳкама, ҳукм чиқариш, жазолаш, *ёрғуламоқ* — маҳкама қилмоқ, ҳукм чиқармоқ, жазоламоқ каби.

Ўзбекистон ўзбек адабий тилида бу иш мустабит Совет тузуми даврида атайин йўлга қўйилган эди. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг изоҳли луғатини тузишда ҳам фақат йигирманчи асрда яратилган адабиётларга асосланиб классик матнлар бир четга суриб қўйилган. Ҳолбуки, ҳар бир тил ўзининг ёзма ёдгорликлари билан тирик. Муайян бир тилдаги сўзлар ўша тилнинг бойлиги бўлиб, бу бойликлардан воз кечиш тилга жафо ҳисобланади.

Тилимизга арабча кўплик шакли билан кирган сўзларга яна грамматик кўплик ифодаловчи — **лар** қўшимчасини қўшиш мантиқий жиҳатдан тўғри эмасдек. Агар биз бундай сўзларнинг ўзи кўплик шаклда эканлигини тушуниб туриб, яна кўплик ифодаловчи — **лар** қўшимчасини қўшсак, охириги кўпликнинг ортиқлигини шундайгина сезишимиз мумкин. Чунки мумтоз адабиётимизда бундай бир ҳолатни учратмаслик илҳомизга ёрқин далил бўла олади: хабар — ахбор — ахборот — ахборотлар (уч карра кўплик), ташвиқ — ташвиқот — ташвиқотлар (икки карра кўплик), тарғиб — тарғибот — тарғиботлар, узв — аъзо — аъзолар, жад — ажод — ажодлар, мушқил — мушқилот — мушқилотлар каби.

Ўзбек тилида грамматик жинс категорияси йўқлигини назарда тутиб, араб тилига хос бўлган бундай бир қоиданинг тилимизга киргани хатолардан яна биридир: азиза, котиба, муаллима, шоира, муслима каби.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кирмаган, аммо бизда фаол қўлланиладиган айрим арабча сўзларни тилимиздан чиқариб ташлаш мазкур сўзларга нисбатан адолатсизлик ва тилимизга нисбатан инсофсизлик бўлади. Чунки бундай сўзлар тилимиз учун бойлик ҳисобланади. Модомки, бу сўзлар ҳаётимиз учун зарур бўлган тушунча ва маъноларни ифода қилар экан, улардан қочишнинг зарардан бошқа фойдаси йўқ. Чунки муайян бир тилга кириб келган янги сўзларни янги оилага тушган келинчакка ўхшатиш мумкин. Бегона бир оиланинг қизи янги бир оилага келин бўлиб келгандан кейин, замон ўтиши билан ўша оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолади. Фақат янги муҳитнинг бутун шарт-шароитига бўйин эгган ва кўниккан суратда.

Нисбий сифат ясовчи — **вий** қўшимчаси асосан арабча сўзларга қўшилиб негизга нисбат бериш маъносига сифат ясади: *оилавий*, *кимёвий*, *маънавий*, *қабилавий* каби. Бироқ бу қўшимчани Европа тилларидан кирган сўзларга қўшиш табиий чиқмайди.

Бу ҳолатни Ўзбекистон ўзбек адабий тилида кўп учратиш мумкин: *системавий, техникавий, темавий, партиявий* каби.

Ҳар бир тил синтактик бирикма ҳосил қилишда ўзига хос грамматик қонун-қоидага эга. Масалан, форс тилидаги музоф-музоф илайҳ (бирикмадаги биринчи сўз изофа, яъни касра олади) шаклидаги бирикма ўзбек тилида қаратувчи-қаралмиш ёки сифатловчи-сифатланмиш шаклда ифодаланади: *кони фойда* — фойда кони (қаратувчи-қаралмиш), *амри маҳол* — маҳол амр ёки иш (сифатловчи-сифатланмиш), *бандизиндон* — зиндон банди (қаратувчи-қаралмиш), *безорижон, бақадриҳол, бамайлихотир, бамисоли...* каби. Ўзбек тилининг форс тили билан ҳеч қандай қон-қариндошлиги бўлмаганлиги сабабли бундай синтактик бирикмаларга ҳаддан ташқари эрк бериш тилимизнинг гўзаллигини бузади.

«Нома», «хона» каби сўзларга ўзбек адабий тилида қўшимча деб қаралади ва бу сўзлар билан ясалган сўзлар морфологик усул билан ясалган сўзлар дейилади. Аслида нома ва хона сўзлари қўшимча бўлмай, балки мустақил сўзлар ҳисобланади. Шундай экан, бу сўзлар иштироки билан ясалган сўзларга синтактик усул деб қараш маъқул: ошхона, ишхона, музхона, шифохона; тасдиқнома, таҳсиннома каби.

Бу жафолар ёнида руслар мустамлакаси даврида ўзбек тилининг эшиги русча сўзлар учун ланг очиб қўйилган эди. Биз уларни ўз тилимизга тўғридан-тўғри бутун фонетик хусусиятлари билан қабул қилишга мажбур эмасмиз: нол — цифр, цех — дастгоҳ, ток — барқ, кроват — тахт, паравоз — рел, доска — тахта, ручка — қалам каби.

Ўзбекистон ўзбек адабий тилига Еропа тилларидан кирган сўзлар рус тили орқали бўлгани сабабли уларда рус тилининг фонетик хусусиятлари сақланган, яъни русча талаффуз билан айтилади. Биз учун рус тили мутлоқ бегона тил ҳисоблангани учун бу сўзларни айнан русча фонетик хусусиятлари билан қабул қилишга мажбур эмасмиз: биология — *биология*, технология — *технология*, химия — *химия*, география — *география*, астрономия — *астрономия*, академия — *академия*, система — *система*, реклама — *реклама* каби.

Рус тилининг ўзбек адабий тилига таъсири фақат сўз сатҳида чекланиб қолмай, унинг грамматик қурилишига ҳам ўз таъсирини қўйган. Натижада рус тилидан ўзбек тили табиатига мутлақ бегона бўлган таркиблар вужудга келган: *янги йилингиз билан* — янги йилингиз қутлуг бўлсин, *туғилган кунингиз билан* — туғилган кунингиз муборак бўлсин. *Айёмингиз билан?! Расмга тушмоқ* — акс олмоқ, *рақсга тушмоқ* — рақс қилмоқ, *мактабга ёздирилмоқ* — мактабга қўймоқ каби. Бу таркиб ва иборалар биз учун ёт ва сунъий ҳисобланади.

Шунингдек, турли жуғрофий номлар ҳам Ўзбекистон ўзбек адабий тилида рус тили таъсирида русча оҳанги билан талаффуз этилади. Бизнинг ўзбек тилимизда эса айни оҳангда талаффуз қилиш нотабиий эшитилади: Америка — Амрико, Африка — Африко, Австрия — Остарлиё, Венгрия — Ҳангарий ёки Мажористон, Швеция — Свидан, Норвегия — Норвий, Полша — Поланд, Белгия — Билжим каби.

Турли илмий атамалар Ўзбекистон ўзбек адабий

тилига тўғридан-тўғри рус тилидан олинган бўлиб, унда русча талаффуз сақланган. Биз эса ўз тилимизга бундай илмий атамаларни юртимизда маъмул шакл ва талаффузда олишимиз мақсадга мувофиқдир: кальций — калцийум, водород — оксиган, кислород — ҳойдрўжан, углерод — корбундой уксойд каби.

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида уни ўраб турган ижтимоий-сиёсий муҳитдан тўғридан-тўғри таъсирланади. Тил намояндаларининг жамиятдаги ўрни ва мавқеи қайси ҳолатда бўлса, тилининг аҳволи ҳам ўша йўсинда бўлади. Чунончи, қарийб юз йил давомида ўзбек халқи мустамлака остида эзилиб келгани сингари, унинг тили ҳам турли шиддат ва меҳрсизликларни бошдан кечирди. Натижада юқорида ҳисоблаб чиқилган жафоларни ҳаётида тажриба қилди ва қилиб келмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тилда энг ўзгаришчан қатлам луғат сатҳи ҳисобланади. Тилнинг товуш ва грамматика сатҳидаги ўзгаришлар ниҳоят секин ва тадрижий кечади. Шундай экан, Ўзбекистон ўзбек адабий тили билан Афғонистон ўзбек адабий тиллари орасида товуш ва грамматика сатҳида жиддий фарқлар кўзга ташланмайди. Икки жуғрофий хулудда яшаб келаётган ягона халқнинг тилидаги айрим фарқларни фақат уларнинг луғат сатҳида кузатиш мумкин. Бу фарқларни бартараф қилиш йўллари кўрсатиш эса алоҳида бир тадқиқий ишни талаб қилади.

Афғонистон ўзбеклари ўз тилларини меъёрлаштирилган адабий тил даражасига кўтаришда Афғонистон ўзбек лаҳжа ва шеваларини ўрганиб, кейин мазкур лаҳжа ва шевалар асосида адабий тилни вужудга келтириш учун ҳеч қандай моддий асос ва сиёсий маъданга эга эмас. Шундай экан, Афғонистондаги барча ўзбеклар учун тушунарли бўлган адабий тилни вужудга келтиришда Ўзбекистон ўзбек адабий тилига асосланишга мажбурмиз. Фақат юқорида тилга олинган хато ва камчиликларни такрорлашга йўл қўймаслик шарти билан.

Агар ўзбек тилининг изоҳли луғатларини варақлаб кўрсак, сўз бойлиги сифатида қабул қилишга арзимайдиган йўниқсиз ёт сўзлар кўплигини кўрамиз. Тилга бунчалик эътиборсизлик миллатнинг маънавиятига эътиборсизликдир. Шунча узоқ тарихга, шунча бой адабиётга, шунча юксак маданиятга эга бўлган халқнинг тилига бундай эътиборсизлик кечирилмайдиган ҳолдир.

Мақоламизнинг кириш қисмида дунёда ҳеч бир тил фақат ўз ички имкониятлари билан яшай олмаслигини айтиб ўтгандик. Бизнинг бу борада ақидамиз шуки, бир тил ўзида йўқ сўзларни бошқа тиллардан олиши нормал ва табиий ҳол ҳисобланади. Лекин бошқа тиллардан сўз олишда жуда эҳтиёт бўлишимиз зарур. Чунки тил кишилар орасида фақат алоқа воситаси бўлиб қолмай, инсонлар учун тафаккур ҳамда ички кечинмаларини ифодалаш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Шунини таъкидлаш зарурки, ҳар бир тилнинг бойлиги ва гўзаллиги ўша тил эгасининг маънавий бойлиги ва гўзаллигини ўзида акс эттирувчи кўзгудир. Шундай экан, адабий тилни деҳқон, чўпон тили савиясига қуйи индириш ҳам, малакотий мақомга чиқариб қўйиб, ёзувчисидан бошқа ҳеч ким тушунмайдиган марта-

GULXAT

бага кўтариш ҳам ярамайди. Ўзбек тилининг табиати ўзбек халқининг табиати сингари содда ва самимийдир. Ортиқча дабдаба ва кўполликни ёқтирмаган ўзбек халқининг тили ҳам ортиқча дабдаба ва кўполликдан тоза бўлмоғи зарур.

Ўзбекистон ўзбек адабий тилидаги айрим кўпол сўзларнинг фикристи:

Абадиян — (абадий суратда, ўзбек тилининг изоҳли лугати, 1-том, 2-бет) бу сўз абад сўздан хато шаклда ясалган. Аслида «Абадан» шаклида бўлиши керак.

Абзал — (от-уловни миниш ёки аравага қўшиш учун зарур бўладиган асбоблар мажмуи. Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 1-том, 4-бет). Бу сўз аслида форсча абзор ёки афзор сўзининг бузиб олинган шакли.

Арзанда — (1. Орзу қилиб етишган ёлғиз ўғил ёки қиз. 2. Энг севикли, эрка ўғил ёки қиз, ўзбек тилининг изоҳли лугати, 5 томлик, 1-том, 73-бет). «Фарҳанг-и Бузург-и суҳан»да эса бу сўз куйидаги маънога эга: 1. Боарзиш, муҳим: ин китоб баро-и ман бисёр арзинда аст. (Бу китоб мен учун жуда муҳим). 2. Муҳтарам, бошахсият, мавриди эҳтиром. Кўриниб турибдики, бу сўзнинг ўзбек тилидаги маъноси манба тилидагидан катта фарқи бор. Биз учун эса бундай бир сўзни ўз тилимизга киритишга эҳтиёжimiz йўқ. Чунки араб тилидан кирган муҳтарам, ҳурматли; муҳим каби сўзларimiz бор. Бундан ташқари, бу сўзнинг ўзбек тилининг изоҳли лугатидаги маъноси ҳам ўз тилимизда эрка, эркатой каби сўзлар билан ифода бўлади. Шундай экан, бундай бир сўзни қарз олишга қандай эҳтиёж бор?

Арзанда-карманда — (жуда ҳам арзанда, ўзбек тилининг изоҳли лугати, 5 томлик, 1-том, 73-бет). Бу сўз ундан ҳам қулгилироқдир.

Азбаройи — (учун, сабабли. Таъкид, кучайтириш билдирадиган кўмакчи). Модомики бундай бир маънонинг ифодаси учун ўз тилимизда «учун, сабабли» каби сўзларimiz бор экан, мутлақ форсча таркибни олишга қандай мажбуриятimiz бор?

Астойдил (аз+таҳ+и+дил) — бу сўз учта форсча сўз ва битта форсча изофатдан таркиб топган бирикмадир. Модомики, бу сўз ифода қиладиган маънони ўз тилимиздаги «юрақдан», «чин юрақдан» ёки араб тилидан кирган «қалбан» сўзлари бор бўла туриб бундай кўпол ва дағал таркибни олишга қандай эҳтиёж бор?

Овқат — (бу сўз арабча «ақвот» сўзининг бузилган шакли бўлиб, бирлиги «қут» сўзидир). Бу бузилган шаклни биз қўллашга мужбур эмасмиз. Ўрнида «таом», «ғизо», «емак» сўзларини қўллаш мумкин-ку!..

Авваламбор — (аввал ҳам бор). Ҳаммадан аввал, ҳаммадан олдин, биринчидан, биринчи бўлиб.

Аҳил — (ар. Ўзаро жуда тотув муносабатли, иноқиттифоқ, ўзбек тилининг изоҳли лугати, 5 томлик, 1-том, 29-бет). Бу сўз балки «аҳл» сўзининг бузилган шаклидир. Чунки форс тили изоҳли лугатларда бундай бир сўзни топа олмадик.

Айём — явм сўзининг кўплиги. (1. Кун; кунлар: бутун ҳар биримиз учун қутлуғ айём. 2. Байрам кун; байрам кунлари: айёмлари (айёмингиз) муборак! Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 5 томлик, 1-том, 29-бет). Бу сўзни айниқса иккинчи маъносида қўллаш қулгили эмасми?

Иза — (ўзбек тилининг изоҳли лугати бу сўзни уялиш, хижолат ҳисси деб, изоҳлаган). Аслида бу сўз «Фарҳанги бузурги суҳан»да изо шаклида берилиб, азоб, азият деб маъно қилинган.

Оромгоҳ — бу сўз форс тилида «қабр», «гўр» маъносида ишлатилади. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида эса бу сўз дам олиш жойи, деб изоҳланган. Бу сўзнинг ўрнида ундан кўра «истироҳатгоҳ» сўзини ишлатиш маъқулроқ.

— **омуз** (омухтан — ўрганмоқ феълидан) — бу кўшимча ўзбек адабий тилида — омез (омехтан — кўшмоқ феълидан) кўшимчаси билан хато шаклда қабул бўлган. Мўжизомуз — Мўжизаомиз. Ҳайратомуз — ҳайратомез.

Боз устига — (бунинг устига, устига устак. Боз устига қурувчилар дарёни тўсишга киришдилар. Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 5 томлик, 1-том, 168-бет). Боз сўзи форсча бўлиб «яна», «тагин» маъносини билдиради. Шундай экан, «боз» сўзини олишнинг нима ҳожати бор? Бунинг устига «уст» сўзини у билан таркиб қилиб «боз устига»ни ясашга ҳожат бормикин? Ўзимизда *устига устак*, *бунинг устига*, *тагин* каби чиройли таркиб ва сўзларimiz бўла туриб, бундай кўпол ва дағал таркибни ясаш тилга жафо эмасмикин?

Бачкана — бу форсча бачагона сўзининг бузилган шакли, болаларга хос, болаларга мўлжалланган, болалар учун маъносини билдиради. Бу сўзга юкланган маънони «болалар учун», «тиффона» сўзлари билан ифодалаш мумкин. Бу сўздан ясалган «бачканбоз», «бачканбозлик», «бачканадўз», «бачкангарчилик» каби сўзлар ундан ҳам қулгилироқ.

Баҳузур, бахшида, бадкарда, бадкир, бадавлат, барор, баралла, баравж, бардор, бардор-бардор қилмақ, баъдаз, барвақт, баққолхона, бадариҳол, бақувват, бинокор, баҳақ, бафуржа, бамайли хотир, баногоҳ, бамисоли, баҳарҳол, баҳарнав, баҳиммат, баҳам, баҳамжихатлик, бебарор, бебурд, бекамукўст, бехос, бехосдан, безорихон, бесаранжом, бийрон, пазанда, пасткаш, тамадди, ҳатдари, ҳожатбаро, халақит, хўранда, хўра, рўпара, зўравонлик, ҳасса, ногирон, муроса, маҳтал, зимдан, сартарош, тилсим, кушхона, гиёҳванд, мижоз каби ўйламай-нетмай адабий тилга қабул қилинган сўзлар ўзбек адабий тили сўз бойлигининг 20 фоизидан кўпроғини ташкил этади.

Ҳолбуки, ўзбек тили у қадар ҳам бечора тил эмаски, тўғри келган сўзни қабул қила берса. Чунки ўзбек тили форс тилига ўхшаб қисир тил эмас, ўзбек тилида сўз ясаш жуда унумлидир. Ўзбек халқи келин олишда қанчалик эҳтиёт ва диққат сарф қилганидек, сўз қабул қилишда ҳам шунчалик мўҳтот (эҳтиёткор) ва дақиқ (диққатли) бўлиши шарт. Ўзбек хонадони қизнинг токи етти пуштини суриштирмай келин қилмаганидек, сўзнинг ҳам етти пуштини суриштирмай тилига қабул қилмаслиги керак. Чунки тил ҳам инсон учун номус саналади. Бизнинг фикримизча, бу хато йўлдан қайтиш кеч ва фойдасиз эмас. Балки бу билан дарёнинг икки қирғоғидаги ягона халқнинг тили ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, «яққалам» бўлар.

Нуруллоҳ ОЛТОЙ
Афғонистон.

«Гулистон» журнали кўпсонли муштарийларидан кўплаб мактублар олиб туради. Айниқса, журналнинг электрон почтасига турли ҳудудлардан келаётган мактублар салмоқли. Яқинда журналимизнинг электрон манзилига қўшни Афғонистондан хат келди. Хат муаллифи азалдан қадрли бўлган «Гулистон» журналу учун мақола юбораётгани, унда Афғонистондаги ўзбек адабий тили муаммолари баён этилганини ёзган. Мақола билан танишиб, уни аслича журналхонларга ҳавола этишни маъқул топдик. Зеро, ўзбек адабий тилимизнинг қўшни давлатда ҳам нуфузи, ўрни, муаммолари борлигидан фахрландик. Қолаверса, қўшни давлатдаги миллатдошларимиз ҳам бизнинг тилимизни ўзларига расмий мулоқот тили сифатида қабул қилишса, бу фақат қувонарли, ҳамма томонга ҳам бирдай манфаатли бўлиши табиий. Мақоладаги кўплаб мулоҳазалар ниҳоятда ўринли, билгичлик ва куюнчаклик билан ўрганилгани сезилиб туради. Бироқ айна мақоладаги барча фикрларга ҳам истисносиз қўшилиб бўлмайди, назаримизда. Бу ёғи энди мутахассисларга ҳавола. Айна мақолага муносабат билдиришни истаганлар учун журналимиз саҳифаларидан жой ажратамиз. Барчамиз учун муҳим бўлган ушбу муаммо юзасидан доимий равишда фикрлашиб турилса, фойдадан холи бўлмаса керак.

Тахририят.

MUNOSABAT

YAQINLASHISH VOSITASI

Афғонистонлик миллатдошимиз Нуриллоҳ Олтойнинг Афғонистонда ўзбек адабий тилини тайин этишга бағишланган юқоридаги мақоласи мени жуда қувонтирди. Кувонмай бўладими, минглаб чақирим олисдаги Афғонистон ўзбеклари бизнинг адабий тилимизни ўзларига улғу қилиб олишмоқчи. Бунда ўзбек адабий тилининг қўлланиш майдони яна бешолти миллион одам ва бутун бошли бир мамлакат миқёсида кенгайди. Афғондаги миллатдошларимиз биз билан бир адабий тилга эга бўлишади. Айна вақтда бу мақола адабий тилимиз тараққиётидаги бир қатор муаммолар устида жиддий ўйга ҳам толдирди. Негаки, касбдошимиз ўз юртида ўзбек адабий тилини қарор топдириш хусусида ўйлаш асносида Ўзбекистондаги ўзбек адабий тилининг ҳолатига ҳам ўта билгичлик билан ҳаққоний муносабат билдириб, адабий тилимиз ривожига бир қатор камчиликларни тўғри кўрсата олган.

Куюнчаклик билан ёзган мақоладаги: *«Сиёсий жиҳатдан бошқа миллатга қарам бўлган халқнинг тили ҳам... эгаси сингари қаддини тиклаш ва жамиятда ўз ўрнини топиш имкониятига эга бўлмайди»*, — тарзидаги қараш гоёт тўғри экани билан диққатга лойиқдир. Икки мамлакатдаги ўзбек миллати ва тили ҳам бу жараённинг аччиқ меваларини татиб кўрган. Ҳар қандай адабий тилнинг ўзида мавжуд лаҳжа ва шевалардаги асосий жиҳатларни меъёрлаштириш асосида юзага келишини яхши билган Нуриллоҳ домла Афғонистонда ўзбек тилида: *«...ёзиш-ўқиш қатағони уч даҳа (ун йиллик)дан бери ўртадан кўтарилган бўлса-да, негандир, бу тил меъёрлаштирилган адабий тил сифатида ўз қаддини тиклай олмаган»*идан ҳақли равишда ёзғиради. Афғонистонда бу юмушни амалга оширишнинг имкони йўқлиги

ҳамда Ўзбекистондаги ўзбек миллатдошларнинг адабий тили салкам юз йиллик тажрибага эгалигидан келиб чиққан ҳолда: *«Афғонистондаги барча ўзбеклар учун тушунарли бўлган адабий тилни вужудга келтиришда Ўзбекистон ўзбек адабий тилига асосланшига мажбурмиз»*, — дейди олим. Айна вақтда у: *«Ўзбекистон ўзбек адабий тилини кўтара қабул қилиш мумкинми?»* — дея кўндаланг савол қўяди ҳамда Ўзбекистондаги ўзбек адабий тилини тайин этишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар Афғонистондаги ўзбек адабий тилини шакллантиришда қайтарилмаслиги кераклигини таъкидлайди.

Таҳликали афғон ерларида азалдан ўзгача турмуш тарзига мувофиқ яшаб келаётган ўзбек ойдинининг биз билан битта адабий тилга эга бўлиш борасидаги фикри гоёт оқилона ва фараҳлидир. Бу ҳол миллий тилимизнинг қудратини ошириши, унинг имкониятларини кучайтириши, шубҳасиз. Чиндан ҳам бир тилда сўзлашгандагина этноснинг битта миллатга мансуб экани билинади. Ҳар қандай миллатнинг бирдамлик даражаси, ўзаро бирлаша олиш иқтидори айнан ёлғиз адабий тилга эгаликда маълум бўлади. Бундай иқтидорсиз у қанчалик кўп сонли бўлмасин, шунчаки турли қавмлардан иборат этник курамалигича қолиб кетаверади. Чунки муайян этник бирлик ҳудуди билан ҳам, салатанатга эгалиги билан ҳам, сонининг кўплиги билан ҳам эмас, айнан битта тилда сўзлаша олишига кўра миллат саналади. Акс ҳолда Афғонистондаги ўзбеклар найманлар, саройлар, кўнгиротлар, орлотлар, қавчинлар ва ҳоказо тарзидаги уруғлардан иборат курама этник мавжудлик даражасида қолавериши мумкин. Айримлар ўйлаганидек, адабий тил шунчаки матбуотнинг тушунарли бўлишини таъминлайдиган

лингвистик бирлик эмас, балки улкан ижтимоий-сиёсий миссияни бажарадиган, яъни этноснинг бирлигини таъминлайдиган миллий тил экани яққол намоён бўлади.

Н. Олтой тилга фақат алоқа воситаси тарзида прагматик ёндашишдай бир ёқламаликдан баланд туриб, ҳар қандай тилнинг азизлигини унинг «тафаккур воситаси» ҳам эканида кўради ва бу ҳолатни: «Агар тилнинг бирдан-бир вазифаси кишилар орасидаги алоқа воситаси эканлиги бўлса эди, инсон она тилини қўйиб жамиятда ўрни ...каттароқ бўлган бошқа бир тилни касб этиб, ўша тилни алоқа воситаси сифатида бемалол қўллаб юриши мумкин эди» тарзида гоёт чиройли ифодалайди. Менимча, тилнинг бу муҳим хусусиятини «тафаккур воситаси»дан кўра «миллий руҳ ифодаси» дея аташ маъқулроқ бўларди. Чунки миллий мансублик тилдагина намоён бўлади. Чиндан ҳам тил — миллий руҳнинг ифодаси. Муайян шахснинг, бинобарин, муайян миллатнинг ҳам тили қандай бўлса, унинг руҳи ҳам шундай бўлади. Ҳар қандай одам ўзи ўйлайдиган ва қийналмай сўйлайдиган тил ортидаги миллатга мансубдир. Шу янглиғ миллатнинг тилидаги бегона сўз унинг қонида моддийлашган бегона руҳият унсуридир. Миллий руҳнинг бутунлиги миллий тилнинг тозаллигига боғлиқ. Ҳазрат Навоийнинг: «Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз» ҳикматида ҳам айни шу ҳақиқат акс этган. Яъни тилини севмай туриб, элга эътиборли бўлиш мумкин эмас.

Олтой муаллим Ўзбекистон ва Афғонистон ўзбекларининг бир адабий тилда эга бўлишлари табиий эканини узоқ ва яқин тарихга таянган ҳолда шундай далиллайди: «Бобурнинг фикрига қараганда, Ҳирот ўзбеклари билан Фарғона ўзбеклари тили орасида ...ҳеч қандай фарқ бўлмаган. Демак, барча фарқлар Кобул ва Москвада олиб борилган сиёсатлар натижасида ўртага келган. Ўтган асрлар давомида подшоҳи Самарқандда, валиаҳди Балхда турадиган миллат орасига темир девор чизилиб, бирига «Русий Туркистон», бирига «Афғоний Туркистон» номлари берилиб, тили, дини, урфи, одати ...бир бўлган бир бутунни икки яримга ажратиш ташлабдилар». Бу фикрларда миллатимизнинг яқин ўтмишдаги аччиқ қисмати мухтасар йўсинда яққол акс этган. Олимнинг Амударёнинг икки қирғоғидаги иккига бўлиб ташланган бир миллат тилидаги ўзгачаликларнинг юзага келишига доир фикрлари ҳам ҳаққонийлиги билан диққатга лойиқдир: «Йигирманчи аср бошларида бундай давр ичиде икки ҳудуддаги ўзбеклар тилида кўзга кўринарли фарқлар мавжуд бўлмаган». Нуруллоҳ Олтойнинг ягона ўзбек адабий тилини қўллаш борасидаги бу қарашларининг амалга ошуви умумўзбек адабий тили ва бадиий ижоди равнақида алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек адабий тили моҳиятан жаҳоний миқёсга чиқади. Икки юртдаги ижодкорлар бир тилда ижод қиладилар, икки юртдаги олимлар бир тилда фикр ифодалайдилар, икки юртдаги сиёсатчилар бир тилда эл бошқарадилар. Бу ҳол икки юртдаги ўзбекнинг руҳан ўзаро яқинлашувида муҳим ўрин тутиши, уларнинг бир-бирларини тушунишлари осонроқ кечиши, шубҳасиздир.

Тан олиш керакки, афғонистонлик касбдошимиз икки юртдаги бир миллат тилининг бир-бирдан

узоқлашувига сабаб бўлган омилни ҳам тўғри кўрсата билган: «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг изоҳли луғатини тузишда ҳам фақат йигирманчи асрда яратилган адабиётларга асосланиб классик матнлар бир четга суриб қўйилган. Ҳолбуки, ҳар бир тил ўзининг ёзма ёдгорликлари билан тирик». Ўзбекистонлик ўзбек адабий тили мутахассисларига қаратилган бу иддао жуда асосли. Адабий тилни белгилашда фақат ХХ аср адабий манбаларига таяниш, билиб-билмай, уни ўз илдизидан узоқлаштирган. Демак, ўзбек тили изоҳли луғатининг кейинги нашрларида мумтоз адабиёт тилига алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлади. Н. Олтойнинг Ўзбекистондаги ўзбек адабий тилида: «Тамуг — дўзах, ужомоқ — жаннат, осиг — фойда, кўклам — баҳор, янглиғ — сингари, ёзиқ — гуноҳ, ойва — беҳи, сунмоқ — тақдим қилмоқ, бермоқ, очун — дунё, чоғир — май, ёзғирмоқ — гуноҳкор ҳисобламоқ, айбламоқ, ёргу — маҳкама, ҳукм чиқариш, жазолаш, ёргуламоқ — маҳкама қилмоқ, ҳукм чиқармоқ» янглиғ қадимдан ишлатиб келинган ўз сўзларимиз ўрнига бегона сўзларни қўллашга асоссиз йўсинда ружу қўйилгани борасидаги эътирози ҳам ўринлидир.

Нуруллоҳ домла Ўзбекистондаги изоҳли луғатлар ҳолати тўғрисида куюнчаклик билан: «Агар ўзбек тилининг изоҳли луғатларини варақлаб кўрсак, сўз бойлиги сифатида қабул қилишга арзимайдиган йўниқсиз ёт сўзлар тўлиб-тошиб ётганини кўрамиз. Тилга бунчалик эътиборсизлик миллатнинг маънавиятига эътиборсизликдир. Шунча узоқ тарихга, шунча бой адабиётга, шунча юксак маданиятга эга бўлган халқнинг тилига бундай эътиборсизлик кечирилмайдиган ҳолдир», — деб ёзади. Бу ҳақ гап эътирозсиз қабул этилиши ва кейинги ишларда ҳисобга олиниши лозим бўлади. Бу фикрга хоҳ Ўзбекистонда, хоҳ Афғонистонда бўлсин, ўзбек тилининг изоҳли луғатларига лаҳжа ва шевалардаги барча сўзларни истисносиз киритиш кераклигини ҳам қўшимча қилиш мумкин, холос.

Афғонистон ўзбеклари адабий тилининг луғат таркибини шакллантиришда ҳам ўша минтақада мавжуд лаҳжа ва шева сўзларига кенг ўрин берилишини, улардаги бирор оригинал сўзни адабий тилдан ташқарида қолдириш мумкин эмаслигига эътибор қаратишни таъкидлашни истардик. Шунингдек, бу адабий тилида камида тўққиз унли товуш мавжудлиги ҳамда унга сингармонизм ҳодисаси хослиги ҳам ҳисобга олинишини тилаган бўлардик. Тўғри, афғон ўзбеклари қўллайдиган араб ёзувида бу ҳолатлар ифодасини бериш қийин, лекин айни шу сифатлар адабий нутққа умумтуркий хусусиятлар бахш этиб, миллий тил жилдодор бўлишини таъминлайди. Қардош олимнинг ўзбек адабий тилида тугатилиши керак бўлган бошқа бир қатор ўхшовсизликлар борасидаги фикрлари ҳам диққатга лойиқ эканини тан олиш лозим бўлади.

Хуллас, Нуруллоҳ Олтой сиймосида Афғонистон ўзбекларининг ўз адабий тилларини шакллантиришда Ўзбекистон ўзбеклари адабий тилига таянишдай эзгу интилишларини қутлаймиз, бу ниятларига эришиш йўлида ютуқлар тилаш билан бирга ҳар қандай амалий кўмак беришга тайёр эканимизни билдирамиз.

Қозоқбой ҚАШҚИРЛИ

INSON HUQUQI BOLA HUQUQIDAN BOSHLANADI



Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси ва бошқа кўплаб норматив ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган. Ота-оналик ҳуқуқи бола манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Бола манфаатларини таъминлашда ота-она ғамхўрлиги биринчи ўринда туради.

Бола ҳуқуқини амалга оширишга ота-она қонунда белгиланган тартибда масъулдир. Боланинг таълим-тарбиясига тааллуқли масалалар бола манфаатларидан келиб чиққан ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, ота-она томонидан келишув асосида ҳал қилинади. Болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она болани тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган, ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилган тақдирда бола ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин эса мустақил равишда судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилгани-

дан, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола айни пайтда яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига 7 кун ичида маълум қилиши шарт.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг 12-моддасига кўра, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масалани ҳал қилишда бола ўз фикрини ифода қилишга ҳақлидир. Боланинг яшаши, камол топиши учун оила бирдан-бир макон ва табиий муҳит ҳисобланади. Шунинг учун Оила Кодексининг 2-моддаси билан ота-она зиммасига фарзандининг оилада фаровон ҳаёт кечириши ва камолга етиши ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш вазифаси юклатилган.

Қонун оиланинг ички ҳаёти ва болалар тарбиясига бошқаларнинг ўзбошимчалик билан аралашшига, бола тарбиясига таъсир ўтказишига йўл қўймайди. Шунингдек, оила ва боланинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган ўз функциясини бажаради. Аммо бола ҳуқуқи оилада камситилса, бундай оилага нисбатан қонун йўли билан таъсир ўтказишнинг норматив, механизмлари батафсил ишлаб чиқилган. Асосийси, ушбу ҳуқуқий нормативлар асрлар оша аждоқларимиздан бизларгача етиб келган асл миллий қадриятларимизга уйғун. Уларни қабул қилишда бола парвариши ва тарбияси борасидаги шу каби миллий хусусиятларимизнинг ҳисобга олингани қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар ҳаётийлигини таъминлайди.

Президентимиз томонидан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб аталишида катта ҳикмат бор. Жорий йилда болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида талайгина ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Инсон ҳуқуқи болалар ҳуқуқидан бошланади. Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш келажакни ҳимоя қилишдир.

Машҳура ҲОШИМОВА



Vatam

Пирлар тўйин ўтказди қушлар,
Рухлар билан ўйнади офтоб.
Бу заминда қўшиқ тўқимай
Яшаганлар ичмайди шароб.

Кўзмунчоқлар ҳикмат уруғи,
Ойбалдоқлар ойдан томган сут.
Туркон Хотун зар камаридан
Бухордевор тиккани — ёқут.

Занданадан учар от олдим,
Гулчорбоққа чиздирдим сурат.
Оқ ўриклар фарқ гуллаган пайт
Хазорбоққа қилдим ибодат.

Ширбудундан чорлади шамол,
Учқулоҳдан гул отди зафар.
Тоҳир ётган сандиқни топиб,
Бахт тўлдириб менга берди зар.

Ўйга ботдим, кўкка дил отдим.
Карвон тузиб гуллатдим бозор.
Искандарнинг муҳрин топсам ҳам
Симоб кўнглим топмади қарор.

Қишлоқ бордим, гулчангда ётдим.
Сўраб келди мени жуфт ҳумо.
Минг жаннатга заримни бериб
Танлаганим бўлди БУХОРО!!!



Ибодат РАЖАБОВА

Она

Ҳассангизни шамол аргади,
Ковушингиз мойланган, тоза.
Сиз кун бўйи йўлим пойлайсиз,
Гоҳ зерикиб кетар дарвоза.

Кўп тешилар сузмахалталар,
Ошиб тушар, лагандан хамир.
«Шаҳарга...» деб термай қўйилган,
Новдаларда қурийди анжир.

Суви қочар сутли кулчанинг,
Гўшт қоқини ўғирлар мушук.
«Келса, ер...» деб асралган беҳи
Жаҳл қилиб чиқаради тук.

Ҳинояпроқ халтача кияр,
Исинади сандалда қовун...
«Уйи совуқ, қишда кияр» деб
Пайпоқларга айланади жун.

Нафақадан тежаб йиғасиз...
«Пули борми...» сурасиз хаёл.
Тўрт-бешта шеър ортидан чопиб
Қиз шаҳарда юрар бемалол...

Мансаблар-ку қиё боқмади.
Зўр шоир ҳам бўлгани қани?
Сиз кетгандан кейин соғинар,
Енгларингиз олмаларини...

Тийрамоҳ

Она қишлоқ гужумлари ҳўл,
Ўт поялар энди хотиржам.
Қадиларнинг томдан тушгани,
Қаргаларга қилади алам.

Боғчумчуқлар охур титкилар,
Узилмасдан ётар от арқон.
Кўзи сузук мушукни кўриб,
Қалдирғочлар қилмас галаён...

Сокин оқар ариқлар суви,
Боғлар худди қотган мумиё.
Қирпиюар сўқмоқчалар ҳам
Ёбонларда қолгандек танҳо.

Печакгуллар гарамга келин,
Қировпўстин эғнида борлиқ.
Онам изин излаб толгандай,
Шожўроблар дийдори сариқ.

Яширинди ҳавога тутун,
Сарпушқалпоқ бошида ўчоқ.
Икки қўлин осмонга қилиб,
Аравалар чиқарар чарчоқ.

оҳиста одимлаб бораверарди. Не-не таҳлика-ю ваҳима ичида қушча эшикдан ташқарига бошини чиқарди-ю, бирданга тепасидаги осмон чойшабининг чунонам кенгайиб, теграсидаги оламининг эса нақадар каттариб кетганини кўрди.

Яна кўнглига гулгула тушиб, бурчакдаги жойига қисилиб олди. Лекин қандайдир нотаниш куч уни такрор ва такрор очиқ эшик тарафга судрайверди. Ташқаридаги беадоғ, бепоён нурни кўриб, қушнинг кўзлари қамашди.

Кейин кўққисдан шу чексиз фазо чойшаби узра қанот қоқиб, мўл-кўл тўкилаётган нурлардан баҳра олиш истагида кичкина қушча қафасдан дадил чиқди-да, ташқаридаги беҳад кенглик бўйлаб эркин учиб кетди.

Майин эпкинлар билан ўйнашганча шодумон қанот ёзиб учаркан, қушча ўзининг бу тентакона парвозидан бениҳоя лаззат топарди, чиройли қанотлари ва силлиқ биқинлари ҳориб-толиқиб кетган бўлсаям, у ҳамон учар, йўлида учраган ҳар бир гиёҳ, ҳар бир гул, борингки, ҳамма-ҳамма нарсаларга чуқур ҳайрат билан боқар, хидлар ва тегинар эди, у ҳаттоки заҳарли битта ҳовуз бўйига қўниб ширин бўлса керак, деган ҳаёлда сувидан озгина тотиниб кўрмоқчи бўлди.

Бироқ бу ерларда қафасдаги каби оч қолсанг тайёр овқат, ҳаммиша ҳозир ша-



Б

ир замонлар шу ёруғ оламда қандайдир қушча туғилибди. Туғилибди-ю кўзларини очар-очмас ўзини қуршаб турган темир деворлару ора-орасидан нур ва ҳаво ҳовучлангандай оқиб кираётган қаттиқ панжараларга нигоҳи ту-

шибди, қушча темир қафас ичида дунёга келганди.

Норасида худди шу ерда, қафас қўйнида улғая бошлабди, кўринмас қўллар ҳомийлигида вояга етибди. Ҳолбуки, у бу тортанқис жойнинг қафас эканлигини англай ҳам олмас, унинг учун — бор ҳаёт мазкур темир панжаралар билан қуршалган, чекланган ҳудуддангина иборатдай эди. Гўёки, ахир оч қолса оши, сувсаса чанқоғи босиладиган, майин похол уюмидан ҳозирланган ётоғи устида мириқиб роҳат оладиган бундай завқни бошқа қаердан ҳам топсин эди? Чиройли қанотларини суюб ялаганча, иссиқ қуёш тафтига биқинларини тутганча ястаниб ётаркан, қушчага ўзининг ҳаёти шоён лаззатли, шоён гаштли туюларди.

Кунларнинг бирида бу жажжи қанот ширин оромидан уйғонди-ю, ниҳоятда лол бўлиб қолди: О! Қафас эшиги очилиб қолганди! Ҳа, ҳа, нимади бир бўлиб, шу мустаҳкам қафас очиқ қолиб кетганди. Бурчакдаги жойида қунишиб турганча, қушча ҳадеб ажабланар, дам ҳадиксираб, саросимага тушиб ўтирарди.

Шу пайт нечукдир бир хоҳиш билан қафасдаги митти жонзот очиқ турган эшик томонга секин-аста яқинлаша бошлади, кўрқув ва ҳадик ҳамон уни тарк этмаган, нима учун эшикнинг очиқ турганидан унинг таажжуби ошар, аммо шунга қарамай оёқлари беихтиёр ёруғлик баралла оқиб кираётган ўша очиқлик тарафга

Кейт ШОПЕН
Америка ёзувчиси

HURLIK ZAVQI



роит йўқ эди. Бунинг учун қушчанинг ўзи меҳнат қилиши, елиши, қидириши, курашиши лозим эди. Охири, шунча уринишлари эвазига келган егуликлардан тўйиниб, ана ундан кейингина чарчаган, ҳолсиз қанотларига ором бера олиши мумкин бўларди. Аммо барибир қушча бахтиёр эди. Чунки у озод эди!

Унга мана шу ҳаёт кўпроқ ёқиб қолганди: қидириши, топиши, хурсанд бўлиши, қайғуриши, курашиши ва енгизиши мумкин бўлган шу ҳаёт аъло эди қушча учун. Тасодифан очилиб қолган ҳув ўша қафас эшиги эса ҳалиям очиқ турар, бироқ унда энди ҳеч ким яшамас эди!

Инглиз тилидан
Қандилат ЮСУПОВА таржимаси

Миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган театр санъати хусусида сўз борар экан, театрлар учун кадрлар етказиб берадиган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бу йўлда тинимсиз изланишлар олиб бораётганини эътироф этиш зарур. Институтда бир нечта йўналишларда режиссёр кадрлар тайёрланмоқда. Айниқса, драма режиссёрлиги йўналиши бўйича ҳар йили ўнлаб ёш мутахассислар етишиб чиқмоқда. Шухрат Аббосов, Олимжон Салимов, Маҳкам Муҳаммедов, Мунаввара Абдуллаева, Нодира Маҳмудова, Валижон Умаров каби тажрибали мутахассислар қўл остида тарбияланаётган бўлажак режиссёрлар шу соҳанинг сир-асрорларини, ютуқ ва камчиликларини ўрганиб келмоқдалар. Бу изланишларнинг самараси ўлароқ, айрим ёш ижодкорлар профессионал сахналарда ҳам ўз маҳоратларини намоён этмоқдалар. Уларнинг сахна асарлари томошабинлар ва санъатшунослар томонидан ижобий баҳоланмоқда.



МА'НАВИЙАТГА

daxldor dargoh

Шу ўринда профессионал ижодга кириб келаётган Асқар Холмўминов ижодига тўхталадиган бўлсак, унинг илк иши Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достони асосида сахналаштирилган «Искандар» моноспектаклидир. Асқар талабалик чоғларида, яъни институтнинг учинчи босқичида таълим олаётган даврида ушбу асарни диплом спектакли сифатида сахналаштирган эди. Ижодкорнинг бу диплом иши соҳа мутахассисларининг ҳам эътиборини тортди. Шундан сўнг «Искандар» спектакли Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ўтказилган «IV Марказий Осиё Халқаро театр фестивали»да қатнашиб, «Энг яхши Дебют иши» номинацияси бўйича тақдирланди. Кейинчалик, «Лайли ва Мажнун» достони асосида шу номдаги спектакли, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим асари асосида «Тонг отган тарафларда» номли спектакллари сахна юзини кўрди. Айтиш мумкинки, «Тонг отган тарафларда» спектакли Асқарнинг профессионал сахнадаги илк ижодий ишидир. Бу спектакл тарихий мавзуда бўлиб, мардлик ва орият кўшиғидир. Унда олис ўтмиш ривояти асосида фарзандларни ватанни севиш ва уни улуғлашга даъват этилади. Унинг ижодий ишларида рамзийлик бирламчи ҳисобланади. Асқар Холмўми-

новда ўзига хос ижод йўли мавжуд бўлиб, актёрлар билан ишлаш маҳорати, спектакл учун ишланган гоё, сўзга муносабат, фалсафий ва мантиқий қарашлари шулар жумласидандир. Ёш режиссёрнинг мумтоз ва тарихий асарларни сахналаштиришга ва тарихий шахсларни сахнада жонлантиришга иштиёқи баланд. У эътиборини кўпроқ асарларнинг фалсафий моҳиятини очишга қаратади. Унинг қаҳрамонлари оддийгина шахс эмас, балки ҳаммага маълум ва машҳур, билаги куч-қудратга тўла, ғайрат ва шижоатли, гурури тоғдек баланд, қарашлари ўткир сиймолардир. Масалан, илк асарида деярли бутун дунёни эгаллаган Искандарга мурожаат этган бўлса, кейинги сахна ишида барча севишган қалблар учун идеал образлар бўлган Лайли ва Мажнун тимсолларига мурожаат қилган.

«Тонг отган тарафларда» асарида эса, гурури тоғдай баланд, сабр-тоқатли Тонгёруғ сингари барчага ибрат бўла оладиган метин бардошли шахсларни ифодалайди. Иқтидорли режиссёр кўпинча тарихий сиймолар ва халқ қаҳрамонлари тасвирланган асарларга мурожаат этар экан, ватанни севиш ва ардоқлаш, юртга содиқ бўлиш каби гоёларни илгари суради.

Аслида тарихий мавзудаги саҳна асарларини яратиш ва намойиш этиш анча машаққатли. Шундай бўлса-да, ижодкор бу борада ўзининг касбий маҳорати қай даражада эканлигини англаш мақсадида тарихий мавзудаги бир неча спектакллари томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Саҳна асарларидаги декорация ва деталлар ҳаракатда намоён бўлади ва бу жиҳатлар қандайдир чуқур рамзий маънони ифодалайди. У спектакллари доим жумбоқли равишда яқунлайди. Бундан кўзланган мақсад, томошабинни мушоҳадага чорлаш, спектакл хусусида фикр юритишга ундашдир. У режиссёрлик қилган спектакллар бир кўришда тушунарсиз туюлиши мумкин. Бойси, асар воқеалари психологик жараёнлардан иборат, гоёси ниҳоятда кенг қамровли. Бу унинг яна бир ўзига хос хусусиятларидандир.

Асқар Холмўминов тарихий спектакллар яратар экан, аввало, образларни самимий ва ишонарли тарзда талқин этувчи актёрлар маҳоратига эътиборини қаратади ва бу билан спектаклнинг мувафаққиятли чиқишига эришади. Унинг спектаклларида рамзий, фалсафий, психологик жиҳатлар доим ўзига хос. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, тарихий мавзудаги спектакллари саҳналаштиришда либос, тил, декорация масалаларига жиддий эътибор бериш лозим. Томошабин фикрини чалғитмай, диққат-эътиборини воқеа-ҳодисанинг моҳиятига қаратиш мақсадида бу санъаткорнинг саҳнавий асарларидаги либослар фақат бир рангда танланади.

Режиссёр асар танлашда ишни унинг гоёси, жанр ва бадиий хусусиятлари, тасвирланаётган давр, муаллифнинг ижодий услубини ўрганишдан бошлайди. Режиссёр асар талқини учун саҳна воситаларини излайди, спектакл талабига монанд актёрлар танлайди, саҳнавий ритм ва суръатни белгилайди, мезон-саҳналар яратади, рассом ва композитор билан ҳамкорликда асарни бадиий безаш гоёларини ишлаб чиқади.

Асар мақсад ва гоёсини очишда мусиқа алоҳида аҳамиятга эга. Агарда спектаклнинг трагик ҳолати ёки романтик кўринишларини очиб беришда тўғри мусиқадан ўринли фойдаланилмас экан, у ишонарсиз, шунчаки лавҳа бўлиб қолаверади. Ҳар бир воқеа ҳолатини ифодоловчи мусиқа асарнинг гоёси ва мақсадига хизмат қилиши лозим. Асқар Холмўминов спектаклга мусиқа танлаш борасида тарихийликни акс эттирувчи сирли оҳанглар, воқеанинг мақсад ва вазифасини англаувчи ритмлардан моҳирона тарзда фойдаланади.

Бу каби ёш ижодкорларнинг соҳада фаолият бошлаши театр санъатининг катта ютуғи ҳисобланади. Саҳналарда мувафаққиятли асарларнинг пайдо бўлиши томошабинлар, айниқса, ёшлар маънавиятининг юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

Тўлқин Жўраев



Aziza OCHILOVA

O'zbekiston

Jahonda yuksalgan go'zal bo'stonim,
Kelajagi buyuk gul-gulistonim.
Hurliging manguga daxldor bo'lsin,
Madhingni kuylayman, O'zbekistonim!

Mardlaring maydonda, tinchlik har yonda,
Noming aytсам, g'urur uyg'onar jonda.
Yayramay bo'lurmi shunday makonda,
Baxtim ham, iqbolim O'zbekistonim.

Bayramlar bag'rida o'tadi har dam,
Shoningni kuylayman sharafli o'lkam.
Qancha faxr etsam, bo'lar shuncha kam,
Bayram qutlug' bo'lsin O'zbekistonim!

Yoshlarning qudrati senda namoyon,
Boshlagan ishimga har tomon imkon,
Baxtidan xurram, hur yashar har inson,
Toleyim, iqbolim, O'zbekistonim!

* * *

Bahorning eng go'zal shabadasidan,
Tog'larning qip-qizil guldastasidan,
Bulbulning makoni — gulbog'chasidan,
Men seni izladim, seni izladim.

Go'yoki shamollar sen sari chorlar,
Go'yoki izlaring nur bo'lib porlar,
Tilimga chiqmayin, dilimda zorlar,
Sen mening sog'inchim, mening sog'inchim.

Zaminning narigi tomonicha to,
Sening isming mening yuragimga jo,
Seni deb, o'zimni unutib go'yo,
Men seni sog'indim, seni sog'indim.

U nikoh marshini yozgandi...

Таниқли композитор Феликс Мендельсон 1809 йил 3 феврал куні Германиянинг Гамбург шаҳрида катта банк эгаси Авраам Мендельсон хонадонида иккинчи фарзанд бўлиб дунёга келди. Онаси Лея Соломон ўқимишли аёл бўлиб, француз, италян ва инглиз тилларни билар, ҳатто Гомер асарларини аслиятдан бемалол ўқий оларди. 1811 йилдаги Пруссия ва Франция уруши даврида уларнинг оиласи Берлинга кўчиб ўтади.

Болаларнинг илк устози оналари эди. Ушбу хонадонда ўз даврининг таниқли олим ва санъаткорлари меҳмон бўлишарди. Улар орасида машҳур файласуф Фридрих Гегел ҳамда ёш Феликснинг мусиқага бўлган қобилиятини эрта пайқаб, уни ўз тарбиясига олган композитор Карл Целтер ҳам бўларди. Ўз навбатида ёш Мендельсон Людвиг Бергер, Карл Хенинг, Эдуард Риц каби уста санъаткорлардан фортепиано ва скрипка чалиш сирларини ўрганadi. Мусиқага бўлган истеъдоди ва устозлардан олган таълим натижаси ўларoқ, Феликс 9 ёшида илк концертини намойиш этади. Орадан икки йил ўтгач, у нафақат ижрочилик маҳоратини, балки мусиқа басталаш қобилиятини намoён этиб, кўпчилиكنинг ҳайрат ва олқишига сазовор бўлади. Унинг ноёб истеъдоди ҳақидаги хабар қисқа фурсатда бутун Германия мусиқа аҳлига етиб боради.

1821 йилда устози Цельтер Феликсни немис халқининг даҳоси Гёте билан таништиради. Ёш санъаткорнинг ижро маҳоратига гувоҳ бўлган шоир: «Мен

бу ёшда бунчалик юксак маҳоратга эришиб бўлади деб ўйламаган эдим», — дея олқишлайди.

1825 йилнинг март ойида Авраам Мендельсон ўғли билан бирга Франция сафарига отланади. Францияда бу даврда Жаоккино Россини ва Жакомо Мейербер сингари донгдор композиторлар фаолият юритмоқда эди. Авраам Мендельсон Париж консерваторияси ректори Луиджи Керубини билан учрашиб, ўғлининг қизиқишлари ва келажаги ҳақида маслаҳат сўрайди. Париж консерваторияси ректори ёш Феликснинг ижро маҳорати ва эгаллаган мусиқий билимини синаб кўриб: «Шу кичик ёшида кўп нарсаларга эришган боладан келажакда юксак натижаларни кутиш мумкин», — деб баҳо беради.

Бу эътирофларни эшитган ота қувончи ичига сиймай, Париждан қайтиши биланоқ Берлин шаҳри атрофидан каттагина дала ҳовли сотиб олади. Бу ерда Лея Мендельсон раҳбарлигида якшанба кунлари мусиқий кеча уюштирилди. Мазкур кечаларда таниқли композитор ва санъаткорлар қатнашарди. Аниқки, бунда таниқли санъаткорларнинг билдирган ижобий ва танқидий фикрлари ёш Мендельсоннинг дидини ўстирарди. Галдаги вазифа — узоқ йиллардан бери номи ва асарлари тилга олинмай келган немис композитори Бах асарларини ижро этиш деб билади. Кўп вақт ўтмай, Феликс композитор дўсти Эдуард Девриент билан ҳамкорликда Бахнинг «Матвейнинг ноласи» асари ижроси устида ишлай бошлайди. Устози Цельтер асар ижроси муваффақиятли чиқишига шубҳа билан қараб, бу ташаббусга эътироз билдиради. Хуллас, узоқ машаққатли меҳнатдан сўнг асар 1823 йилнинг 21 мартда, яъни Бах туғилган кунда мухлислар эътиборига ҳавола этилади.

1827 йилда у Берлин университетига ўқишга қабул қилинади. Талабалигида Феликсга машҳур олмон рассоми Дюрернинг вафот этганига 100 йил тўлиши муносабати билан уюштирилган концертга илк бор дирижёрлик қилиш таклиф этилади. Бадиий академиянинг барча аъзолари ҳамда Берлин илм ва санъат аҳли ташриф буюрган ушбу концертда Мендельсон қатор композиторларнинг асарлари ҳамда ўзининг ушбу байрам концерти учун яратган асарини ижро этиб, олқишларга сазовор бўлади.



Мендельсон Берлин университетини битириб, отасининг ҳомийлиги остида Европа давлатлари бўйлаб сафарга отланади. Ушбу сафар таассуротлари натижасида «Шотландия симфонияси», «Гебрид», «Италия симфонияси» каби кўплаб мусиқий асарлари дунёга келади. Икки йил давом этган Европа сафаридан қайтгач, Мендельсон аввал Англиянинг Дюсельдорф шаҳар мусиқа маркази раҳбарлиги, сўнгра Лейпциг шаҳар Гевандхауз мусиқа ташкилоти раҳбарлиги лавозимига таклиф этилади. Ана шундай кунларнинг бирида Мендельсон дўстларидан бирининг касал бўлиб қолгани хабарини эшитиб, Дюсельдорфдан Франкфуртга отланади. У ерда дўстининг ўрнига вақтинча Муқаддас Цецилия жамиятида дирижёрлик қилишига тўғри келади. Шу ерда Мендельсон Жанрено хонимнинг уйига боради ва Сесил исмли қизи билан танишади. Хуллас, бу танишиш ниҳоят, 1837 йил 28 март куни икки ёшнинг тўйи билан якун топади. Тўйдан сўнг улар Рейне ва Швабин шаҳарларига саёҳатга чиқишади. Сафардан қайтгач, Лейпциг шаҳрида яшашади. 1838 йилда Мендельсонлар ханадонидида ўғил туғилади ва унга Карл Вольфганг Павел деб исм қўйишади.

1840 йилнинг 7 июлида тахтга Фридрих Вильгелм IV ўтиради. Қирол саройга дабдабали тус бериш мақсадида таниқли рассом ва санъаткорлар қаторида Мендельсонни ҳам ишга таклиф этади. Унга 3000 тейлор маош тайинланиб, академиянинг мусиқа бўлими раҳбарлиги лавозими буюрилади. Шу тариқа, у 1841 йилнинг июлида меҳнат таътилига чиқиб, Лейпцигдан Берлинга қайтади. Энди у ҳам Берлин, ҳам Лейпцигдаги концертларни бошқара бошлайди.

1842 йилнинг август ойида Мендельсон оиласи билан бирга учинчи бор Швейцария сафарига отланади. Хушманзара тоғлар қўйнида дам олиб ҳордиқ чиқаради, ажойиб расмлар чизади. Бир неча ой давом этган сафардан қайтиши биланок, Лист, Россини ва Мейерберлар қаторида ўзининг ҳам «Хизматлари учун» ордени билан мукофотлангани хабарини эшитади.

1843 йилда композиторнинг саъи-ҳаракатлари билан Германияда биринчи олий мусиқа таълим муассаси — Лейпциг консерваторияси ташкил этилади. Ушбу даргоҳга Мендельсон Германиянинг таниқли санъаткорларини ишга таклиф этади. Шуман, Мориц Гауптман, Фердинанд Давид, Беккерлар қаторида ўзи ҳам дарс бера бошлайди.

1843 йилнинг кузида қирол Фридрих Вильгелмнинг буюртмасига биноан Мендельсон узоқ йиллар олдин бошлаб қўйган Шекспирнинг «Ёз туниси» комедиясига басталанган увертюрасининг тўлиқ вариантини яратади. Ушбу нодир асар композицияси илк бор Потсдамдаги қироллик театрида ижро этилади. Мазкур асарнинг муваффақиятли ижросидан сўнг қирол Мендельсонни шаҳар черков мусиқа бошлиғи ҳамда қироллик копелласи раҳбари вазифасига тайинлайди.

1844 йилнинг ёзида Лондондан концерт таклифи келади ва Мендельсон икки ой давом этган ушбу концерт сафари таассуротларини сўнгра шундай хотирлайди: «Ҳали ҳеч қерда ва ҳеч қачон мени бунчалик хурсандчилик билан кутиб олишмагани».



Юксак олқишларга сазовор бўлган ҳамда тобора шуҳрат поғоналари сари одимлаган композитор Лондондан қайтгач, эркин ижод билан шуғулланиш мақсадида қирол Фридрих Вильгелмдан вазифасидан озод қилишни сўрайди. Қирол бунга рози бўлади. Орадан бир йил ўтиб, уни илгариги иш жойи — Лейпциг шаҳар мусиқа маркази бошлиғи қилиб тайинлайди.

Бу ердаги кўп сонли концерт намойишлари, иш фаолияти ва уйдаги тинимсиз ижодий меҳнат санъаткорни анча толиқтириб қўяди. Бунинг устига консерваториядаги дарслар ҳам алоҳида эътибор ва тайёргарликни талаб қиларди. Шифокорларнинг эътирозига қарамай, Мендельсон 1846 йилнинг ёз ойида Рейне шаҳрига концерт сафарига чиқади. Бельгия, Аахен, Дюссельдорф ва Лютих каби шаҳар концертларида иштирок этади.

1847 йил 18 март куни композитор Гевандхаузда сўнги бор концерт намойишида иштирок этади. Концерт сўнгида барчанинг кўз ўнгида дирижёрлик таёқчасини бир четга суриб қўяди. Бу унинг дирижёрлик фаолиятига якун ясаганидан дарак берарди.

1847 йилнинг 4 ноябр оқшоми хотини Сесил унга «Ўзингизни қандай ҳис қилаяпсиз?» деса, санъаткор: «Толиқдим, жуда толиқдим», деб жавоб беради ва жон таслим қилади.

Европа мусиқа оламининг машҳур композитори Феликс Мендельсондан қатор нодир мусиқий асарлар қолди. Айниқса, санъаткорнинг «Ёз туниси» увертюрасидан жой олган «Тўй марши» номли шоҳ асари бугунги кунда ҳам Европа давлатларида никоҳ маросими чоғида ижро этиладиган асосий расмий мусиқий асар сифатида юксак қадрланади. Бу мусиқани «Мендельсон марши» деб қадрлашади.

Лола ФАТТОВА тайёрлади



«Халқимизнинг маънавиятини янада юксалтириш учун амалга ошираётган ишларимиз ўз ҳосилини бермоқда ва шу фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчиман — бу соҳада эришган марраларимиз билан биз ҳеч кимдан кам бўлмасдан кўпгина мана-ман деган давлатлардан ўзиб кетганимизни энг муҳим ютуғимиз, деб ҳисоблайман».

*Президент Ислам Каримовнинг
Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг йигирма уч
йиллигига бағишланган тантанали
маросимдаги табрик сўзидан.*

ларни ўз истакларича бошқариш билан боғлиқ. Тасаввур қиялсанми, улар дунёга ҳукмрон бўлмоқчи эдилар! Бир миллатни иккинчисидан юқори қўйиш, бир ирқни иккинчисидан ажратиш, биз олий динимиз, олий одамларимиз, деб ҳисоблаш, қисқача айтганда, шовинистик фикрловчиларнинг қули бўлиши керак эди одамзот. Урушларда қирилиб кетган одамларнинг, урушлар туфайли халқ бошига тушган оғир кунларнинг доғини отамдан, онамдан кўп эшитганман. Булар ҳақида тасаввуринг йўқлиги учун ёзиш қийиндир. Кел, сен тасаввур қила оладиган гаплардан сўзлайман. Мана, яқинда мустақиллигимизнинг 23 йиллигини байрам қилдик. Унинг мо-

Tinchlikka nima yetsin

(Тинчлик ҳақида нима деб иншо ёзай, деб сўраган ўғлимга жавобим)

Сенга тинчлик ҳақида ёзиш осон ва ўз ўрнида қийин. Сен — ўн тўрт ёшли ўспирин ҳали болаликнинг пошшолигидан кечолмай турган бир палладасан. Ортиқча тўкин бўлмаса ҳам кам-кўстсиз улғаймоқдасан, билим олиб, спорт билан шуғулланмоқдасан. Бунинг ҳаммаси ҳукмрон тинчлик сабабли. Шунинг учун сенга тинчликнинг, барқарорликнинг исталган кўринишида иншо ёзиш осон. Қийин томони шундаки, сен кўрмаган ўтган аср инсоният учун тараққиёт асри бўлибгина қолмай, иккита жаҳон урушини бошидан кечирган аср бўлиб ҳам тарихда қолди. Булар ҳақида тарих дарсларида ўрганиб борасан. Бироқ урушларнинг саналари, жойлари давлатларини ўрганишдан ташқари, сен билишинг лозим бўлган катта бир гап бор. Аслида урушлар нима сабабдан келиб чиққан? Инсонларнинг ҳаммаси ҳам тўғри, холис, яхши фикрли бўлавермайди. Сен эртақларда эшитганинг, ўқиганинг каби ёвуз кучлар ҳаётда ҳам бор. Эртақларда уларнинг истаклари кичик кўринишларда бўлса, ҳаётда ёвуз кучларнинг мақсадлари дунёга эгалик қилиш, одам-

ҳиятини устозинг кўп айтган. Сен бу гапларни тинглашдан зерикма. Биз сен тенги пайтимиз бўйнимизга қизил галстук тақиб, «доим тайёр» деган шиор билан улғайганмиз. Доим тайёрлигимиз колхоз фермасига дағал хашак тўплашга ҳам, ариқ қазиб, пахтага сув келтиришга ҳам, қишлоқ хўжалигида нима иш бўлса қилишга тайёрлигимизда эди. Йўқ деб кўрчи, отам коммунистик партиячи, ўзим пионер. Биз буйруқ бажаришга маҳкум миллат эдик. Туман пионер саройидаги спорт тўрагагига қатнаш учун укам икки йил танга пул йиққан экан. Буни кейинчалик айтиб берганида роса хўрлигим келган. Чайир ва бақувват тоғанг спортчи бўлиши мумкин эди. У билан шуғулланишга даладан бери келмаган ота-онамнинг вақти бўлмаган... Биласанми, тинч замонга ўхшаган уруш ичида яшаганмиз. Бир кун мактабимизга шляпали, галстукли одамлар келишди. Анчагина рўйхатларни кўрсатишиб, ҳар бир ўқувчини алоҳида сўроқ қилди. Навбат менга келди. Сен кузда пахтага чиққанмисан, дейишди. «Ҳа», дедим. Йигирма икки сўму саксон тийин пул ишлаганмисан,

деди. Очиги, пахтада икки сум ишлаганманми, йўқми, билмайман, нимагадир довдираб «Ҳа», дедим. Кейинчалик билсам, бригадир отамга ва колхоз раиси бўлган қариндошимга қарши кўрсатма берган эканман. Раис идорада терговлар чоғида инфарктдан қазо қилди. Бу эса, мен ва менга ўхшаганларнинг билиб-билмай берган терговларининг меваси эди! Раис қазо қилмаганда ҳам қамалиб кетарди. Бунинг қанақа тинч замон эканини фаҳмлаб кўр! Ўша даврда биз катта бир империя мустамлакасидаги давлат эдик. Шунинг учун сенга бизнинг авлод мустақиллик ҳақида тўлқинланиб, ардоқлаб гапирамиз. Бизку мустамлака жабрини кам тортганмиз, ота-оналаримизнинг ёш умри шу гуломликда ўтди. Бу кунларнинг қадрини улар биздан кўра те-ранроқ ҳис қиладилар. Шунинг учун тинчлик ҳақида гап кетса, ўша кунларнинг оғриғи ҳам ёдга тушади. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табриклариди: «Барчани ҳайратда қолдираётган бундай улкан ўзгаришларни сарҳисоб қилишда табиий бир саволга мурожаат қилсак ўринли бўлади: яъни, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган сўзлар бор. Сен кечаги тарихни ўрганиб, бугунги кунга солиштирсанг, бу гапнинг маъзини теранроқ ҳис қиласан.

Бугун замон тинч, бахтимиз бутун, кўнглимиз тўқ. Сен каби ёш авлоднинг кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишларинг учун ҳамма шароит муҳайё. Бироқ бу тинчликнинг қадрига етиб, яратилган имкониятлардан фойдаланиш билан бирга сен огоҳ бўлишинг керак бўлган манбаларни ҳам билиб қўй. Эсингдами, «Эзгу орзулар мамлакати» эртагидаги ёвуз Катонинг ўлими олдидан айтган гаплари: «Дунёдаги барча ёвузларни йўқ қилиш қийин, фақат уларга қарши курашиш мумкин», — дейди у. Ёвуз ниятли инсонлар ҳамма замонларда ҳам бўлган. Бизнинг замонамизда улар қурол кўтариб уруш қилмасликлари, одамларни ошкор қатл этмасликлари мумкин. Бироқ биз глобаллашувнинг яхши имкониятларидан қанча фойдалансак, улар шунча ёмон имконлар ишлаб чиқиб, шуни ишга соладилар. Оддийгина мисол — биз кундалик ҳаёти-мизда ишлатадиган интернетни ол. Унда тўғри хабар ҳам, нотўғри ахборот ҳам, яхши, ёмон, эзгу, ёвуз, хуллас, ҳар хил манба бор. Президентимиз интернетни дўконга ўхшатадилар. Ундан керакли нарса харид қилсанг бўлди. Бехуда товар учун умрингни ҳам, кўз нурингни ҳам увол қилма.

Сен бирор керакли сайтга киришинг билан экраннинг бошқа бир четида ёшларни қизиқтирувчи, чалғитувчи бирор нарса лип этиб чиқади. Ёки оддий қўл телефон орқали, кино, мультфильмлар орқали ҳам турли гоёлар тарғиб қилинади. Сенда кучли иммунитет бўлсагина бу яширин ёвликларнинг қутқусидан омон бўласан. Кучли иммунитет қалбингдаги имон филтри — юксак маънавият. Сен қалбингда маънавият шакллантириб олсанг, сенинг келажагингдан кўнглимиз тўқ. Фикрим сенга мавҳум бўлмаслиги ёки китобнинг ҳам ёмони бўлар-

канми, демаслигинг учун мисоллар келтирай. Беш-олти йил олдин сен учун бозордаги расталарнинг биридан «Қизиқарли математика» деган китоб сотиб олдим. Ундаги математик масалаларни таҳлил қила бошладим. «Робертлар оиласи билан, Тоггерлар оиласи урушиб қолишди. Робертлардан уч киши Тоггерлардан беш киши жароҳат олди, жароҳатланганларни санаб беринг...» тарзидаги масала ва жанжаллашиб, оғизларидан кўпик сачратиб, бир-бирларига дуч келган буюм билан ҳамла қилаётган ота-оналар ва болалар расми чизилган. Китобчадаги бошқа масалалар ҳам бир-биридан қолишмайдиган дидсиз ишланган расмлар билан «безатилган». Буни ким чоп қилгани билан қизиқдим. На тузувчи, на нашриёт номи бор. Китобчанинг орқасида «Gulzor print» деб ёзилган, холос. Билдимки, қайсидир «тадбиркор» четда чоп қилинган китобчани ўзбекчага ўтиргани чоп қилиб сотувга олиб чиққан. Яна бир мисол — мультфильмларда ҳам ҳамма ёқни ивирсиладиган, уришиб, бир-бирига жароҳат етказиб ҳузурланадиган тимсоллар кўпайиб кетди. Энг қизиғи, «бешакл»лар(шрек, аватар, ўргимчак одам) қатнашган кинолар, анимацион фильмларнинг бозори чаққон. Бир қарашда бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқдай. Бироқ кичик-кичик кўринишдаги ёвузлик ва ёмон иллатларни тарғиб қилаётган бу каби кўринишлар болалар кўнглида ўзлари билан каттаради. Чет эл хабарларини тингласанг, бир ўқувчи устозини отиб ташлайди, боғча боласи ўртоқларини пичоқ билан қўрқитади... Сен Айтматовда ўқиган Жўломоннинг замонавий кўриниши эмасми бу. Тарғиботчилар жўломонлашган миллатларни, элларни эгаллашга киришмайдами? Билиб қўй, ақли одамлардан кўра, манқуртларни бошқариш осон. Лекин сен ақл ва тафаккурга, билим ва тажрибага эга бўлишинг учун олдинда ҳеч қандай гоё йўқ. Ўқишни истайдиган, аммо пулли мактабларга маблағи йўқ саводсиз болалар улғаяётган давлатлар қанча. Куни кеча бир хабар ўқидим. Ички урушлар кетаётган бир давлатда дадалар фарзандлари билан видолашиб ишга кетишар экан. Тасаввур қиляпсанми, хайрлашиб эмас! Қайсидир нодоннинг ўқига учиб ҳалок бўлиш хавфи билан яшаётган одамлар бор. Бу эса бизни бешфарқ қолдирмай, огоҳ ва ҳушёр яшашимизни талаб қилади. Манфур ниятли инсонлар ҳамма жойда бор. Сенинг маънавиятингда бўшлиқ пайдо бўлдими, унга ўз иллатини жойлаштиришга уринувчилар кўпаяди. Шунинг учун сен ўз борлигининг чегарачисан. Шундай ҳушёр аскар бўлгинки, бирор ёт гоё сенинг маънавий доирангдан ўта олмасин. Шундагина сен нафақат оиламизнинг, Ватаннинг ҳам ҳақиқий ўғлони бўлиб етишасан. Қалбингда шу халқ, шу Ватан учун тенгсиз муҳаббат бўлса, унинг тинч бўлишини қанчалар истасанг, тинчлик ҳақида нафақат иншо ёзиш, тинч ва фаровон кунлар учун фидойи бўлиш осонлашади. Сен бунга дахлдорсан. Сен бунга бурчлисан. Сенда бунга имкон бор. Гап истагингни имконингга мослашингда қолган, холос. Юрагингда тинчликни ўстириб, тинч ўс, ўғлоним!

Манзура ШАМС

Нега, нечун, нима сабабдан ёзишимиз биздан кўп сўралган саволлардан бири. Ҳатто бир неча бор бу саволни ўзимизга ҳам берганмиз...

Нега ёзаман? Бирор нима деб жавоб бериш керак бўлганида ҳам, нима деб жавоб беришни билмайман. Аксарият ёзувчилар бу саволга шундай жавоб берса, ажаб эмас. Ўзига жуда ишонган ёзувчиларни ҳам бу савол бироз эсанкиратиб қўяди; изоҳларида доимо умумийлик, мавҳумлик кўзга ташланади. Аниқ жавобга келганда кўпинча нега бор бўлганимизни ёки дунёга қувғин қилинганимизни изоҳлашдек қайдларга дуч келамиз.

Қачонки бирор ёзувчининг «ёзишдан мақсадим» каби ёзувига дуч келсам ёки шунга ўхшаш мавзуда битилганларни ўқиб қолсам, гўё неча йиллардан бери излаган жавобимни топгандек қизиқиш билан ўқишга киришаман. Не ажабки, ҳар сафар қониқтирувчи жавобдан кўра, менга ҳеч ёт бўлмаган ўхшаш изоҳга дуч келаман. Биз ёзувчиларни бир-биримизга қариндош қилган изоҳдошлиқдир бу. Шунингдек, жуда ҳам асосли изоҳлар, чуқур таҳлил ва тафовутлар қайдига ҳам дуч келамиз баъзан.

Бу каби масалалар адабий журналларнинг савол-жавобларига мавзу бўлгани каби оммабоп журналларнинг ҳам доимий рукнига айланган. Хоҳ қисқа, хоҳ узун матн ёки изоҳларда ўқувчилар сеvimли ёзувчиларининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билишга интилишади.

Табиийки, ҳар бир давр бадиият сирлари хусусида янгича изоҳлар кутади. Тамаддун қанчалар тараққий қилмасин, адабий асар акс эттирган муаммоларни тўла-тўқис изоҳлаб бўлмаслиги бор ҳақиқат. Асар барча таҳлил, тадқиқ, танқид ва изоҳларга қарамай, сирли бўлиб қолаверади. Шунга қарамай, адабиёт қудрати олдида чорасиз қолган кенг ўқувчи оммаси ҳар гал ёзувчию шоирларга, санъаткорларга очиқ-ойдин саволлар йўллашда давом этади, улардан аниқ жавоблар кутади.

Хуллас, инсоният ибтидосидан буён дунёни ақлига сиғдиришга ҳаракат қилади. Бу тур ҳаётдан ўзлаштириб, халққа тарқатиш каби савол ва жавоблар бир томондан адабиётни энг ибтидоий табиатига қадар ортга назар солишга ундайди. Асарга, ижодкорнинг борлигига оид энг асосий саволларни қайтадан сўраттиради. Берилган жавоблар қанчалар

ўхшаш ёки фарқли бўлмасин, ёзувчининг нега ёзганини ҳамон тўла тушунолмаймиз. Ўз ҳаётий тажриба ва билимимиздан келиб чиқиб, берилган жавобларни тарозига тортиб кўришга, тушунишга, изоҳлашга ва буларнинг барчасидан ўзимизча бир натижа чиқаришга ҳаракат қиламиз. Аслида бу ижодкорнинг бой ҳаётий тажриба ва кузатишларини бўлишидир.

«Нега ёзаман» номли мақоласида Жорж Орвел «Ақлли кўриниш, ўзи ҳақида баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиш, ўлимдан сўнгра ёдга олиниш, болаликда бизни писанд қилмаган кексалардан ўч олиш истаги ва ҳоказо» жиҳатларни санайди. Шунингдек, худди шу мақолада «кўпинча ўзини ёлғиз ҳис қилувчи кишиларда бўладиган ҳикоя тўқиш, ҳаёл сурувчи кишилар билан гаплашиш кўникмаси менда ҳам бор эди ва ўйлайманки, мендаги ёзишга бўлган ружу то бошдан бери барчадан узилиб, айри яшаш туйғуси ҳамда кўрганим камситишлар билан жуда боғлиқ эди. Сўзларни осонгина қўллаш қобилиятимни, ёқимсиз воқеалар билан юзма-юз бўлишдан кўрқмаслигимни билардим. Бу билан кундалик ҳаётдаги омадсизлигимни хаспўшлашга ярайдиган алоҳида бир дунё яратганимни ҳис қилардим» дейди.

Баъзи ёзувчилар бир кун келиб ёзувчи бўлишларини жуда эрта биладилар. Мисол учун Ҳерман Хессе: «Бир ҳаёт ҳикоясининг изоҳи» номли мақоласида «Ўн уч ёшимдан бери бир нарсани жуда яхши билардим: улгайганда ё ёзувчи бўламан ёки ҳеч қим», дейди. Сўнгра бу қатъий қарорнинг хулосасини шундай якунлайди: «Ёзувчи бўлиб тугилади киши, ёзувчилик эгалланадиган иш эмас!»

Фридрих Дюренмат «Ёзувчилик касб сифатида» номли мақоласида «касб» сўзи пул топиш мақсадида қилинган иш-ҳаракатни билдиришини айтиб, ёзувчиликнинг касб бўла олмаслигига ишора қилади. Дюренмат қаноатича, ёзувчилик бойлик ва фаровонлик келтирувчи юмуш эмас, шунчаки инсонни овунтирувчи, роҳатлантирувчи бир фаолият тури ва шу сабабли касб бўла олмайди.

Владимир Набоков «Яхши ўқувчилар ва яхши ёзувчилар» номли мақоласида ёзувчиликнинг ҳали аҳамият берилмаган, ҳатто кўпинча эътибордан четда қолиб келган қирраси — сеҳргарлик хусусиятига урғу беради: «Ёзувчига уч жиҳатдан боқиш мумкин: ровий (баён қилувчи), ўқитувчи ҳамда сеҳрловчи... Буюк ёзувчилар мазкур уч сифатга эга бўлишади, бироқ бунда устун томон сеҳрловчиликдир».

Жон Пол Сартрнинг «Ёзиш нима?», «Нега ёзамиз?», «Ким учун ёзамиз?» номли уч қисмдан иборат «Адабиёт нимадир?» номли китоби ўтган асрнинг 60 йилларида кенг адабий жамоатчилик томонидан қизғин баҳсга сабаб бўлган. Адиб унда ёзиш



Муротхон МУНГАН

NIMA UCHUN YOZAMAN?

нинг сабаблари ва амалиёти билан боғлиқ бир қатор муҳим саволларга эринмай жавоб излайди. Ёзувчилик одатда ўзни ифода этиш заруриятидир, деб қарайди Сартр. Ўзни ифода этиш масаласида «айтар сўзи бор бўлиш» билан «ёзувчи бўлиш» маънолари ўртасида аниқ тафовут борлигини айтиб ўтади: «Ёзиш деган бир юмуш бор ўртада. Қатор нарсаларни айтишни маъқул кўриб эмас, балки қатор нарсаларни у ёки бу тарзда айтишни лозим топиб ёзувчи бўлади киши. Ҳа, ёзишнинг қадр-қиммати-ни билишдир бу».

Карлос Фонтес «Ёзишни қандай бошладим» номли мақоласида ватанидан узоқда кечирган болалик йилларидан ва чет элларда «келгинди» бўлиш ҳолатидан сўз юритаркан: «Айричалик атрофдагиларни чўчитади. Аслида фарқли бўлгандан ҳам кўра, одамлар ўз нуқсонларини бошқа инсонда кўришдан кўрқадилар». Мен бу жумлада Фонтеснинг мақсадидан кўра ёзувчиликка дохил умумий ҳолатни кўрмоқдаман. Яъни ёзувчининг ўз асарида бегона бўлиш ҳолатини. Ҳаётдаги асли билан асар ёзаётган пайтдаги ёзувчи орасидаги парчаланишнинг намоишини. Прустан Сомер Моғхамга қадар бир қанча ёзувчининг хаёлини банд этган, ёзувчининг шахсий ҳаёти билан ёзуви орасида бўлинган менликларининг тафовути ҳам шундай. Ёзувчи дунёни қайд қилишга киришаркан, қанчалик ҳаётнинг ичида

бўлмасин, дунёдан ва ўзидан узилмай туриб, буни рисоладагидек уддалай олмайди.

Бу мақола орқали нега, нима учун, нима сабабдан ёзилади саволи ўзини ва атрофдагиларни қизиқтирган ёхуд ёзишга кўнгил қўйган кимсалар учун маълум маънода жавоб изланди. Умидсизликка тушган сари бошқаларнинг айтганларидан бир чора топамиз баъзан. Ёзувчилар бир-бирларининг сўзларига муҳтож бўладилар. Бошимиз қотган сари бошқаларнинг дарди дардимизга малҳам бўлар, деган умидда билишга эҳтиёж сезамиз. Ўзгаларнинг ҳаёти, мақолалари, билими, бошдан кечирганларига... қизиқамиз. Шунда ўзимизни жуда ҳам ёлғиз ҳис қилмаймиз. Чеккан азобимиз, боши берк кўчага кириб қолганимиз, чексиз изланишларимиз, эсанкирашларимиз ва шунга ўхшаш ҳолатлар олдин бошқаларнинг ҳам бошидан кечганини билиш дардларимизни бироз енгиллаштиради, бизни қийноқдан халос этади. Яшашда давом этишга куч беради. Адабиётни жону дили деб билганларнинг ёлғизлигини енгган ягона нарса, бирни кўриб фикр қилишидир...

Хўш, мен нега ёзаман? Тушунган бўлсангиз керак, менинг ҳам кўпчилик ёзувчилардан фарқим йўқ аслида. Ёзаяпман ва нега ёзаётганимни... билмайман.

Биргина билганим — бу яхши.

Шермурод СУБҲОН таржимаси



EHTIYOT BO'LING, OLOV!



ТИЛСИЗ ЁВ

Хар йили Республикамизда «Ёнгин хавфсизлиги» ойлиги бўлиб ўтади. Шу мавсумда ойлик доирасидаги бир қанча ишлар амалга оширилади. Аҳолини ёнгин хавфсизлиги чоралари билан таништириб, ўқув юрталарида тушунтириш ишлари олиб борилади. Шундай бўлса-да, эътиборсизлик, эҳтиётсизлик туфайли ёнгинлар чиқиб туради. Олов — тилсиз ёв. Уни бўйсундириш, бартараф қилишдан кўра тўғри фойдаланган мақсадга мувофиқ.

Ёнгин қадим замонлардан энг қўрқинчли офатлардан бири ҳисобланиб, кўплаб фалокатларга сабаб бўлган. Ҳақиқатан ҳам кучли ёнгинлар олдида одамзод ҳозирга қадар кўпинча ожизлик қилмоқда.

Ёнгинга қарши кураш воситалари деярли мавжуд бўлмаган қадим замонларда ёнгинни тўхтатиб қолишнинг умуман имкони бўлмаган. Натижада ёнгин ҳатто бутун бошли шаҳарларнинг қулини кўкка совурган.

Римни қувғин қилган ёнгин

Рим ёнгини милоннинг 64 йилида содир бўлиб, Рим шаҳрининг 14 туманидан 10 таси ёниб кетишига сабаб бўлган. Баъзи маълумотларга кўра, Рим императори Нерон шаҳардан христианларни қувиш ҳамда уни қайта қуриш мақсадида ёнгин чиқаришга буйруқ берган... Ёнгиндан сўнг Римда ўша даврнинг энг улкан ва бой қасри қад ростлаган.

Лондондаги «фойдали» ёнгин

Лондон шаҳрида 1666 йилнинг 2 сентябридан 5 сентябрига қадар давом этган ёнгин «буюк ёнгин» номи билан тарихда қолган. Ёнгин натижасида шаҳарда мавжуд 80 минг уйдан 70 минги, шу жумладан, аристократлар яшайдиган Вестминстер тумани ҳам ёниб, кул бўлган. Ёнгин натижасида ҳалок бўлганлар сони ҳанузгача аниқланмаган. Бироқ бу ёнгин Лондонда авж ола бошлаган ўлатни бартараф қилган.

Давомли ёнгишлар

Хитойнинг Люхуангоу кўмир конида содир бўлган ёнгишни орадан 130 йил ўтгач — 2004 йилда ўчиришга муваффақ бўлинган. Бу вақт давомида кондаги 2 миллион тонна кўмир ёниб кетган.

Американинг Централия шаҳрида 1962 йилда ер қатламини ўрганиш учун қазилган қудуқда тўпланиб қолган чиқиндиларни бошқариладиган ёнгиш билан йўқ қилиш режалаштиришади. Бироқ оловни яхши ўчиришмайди. Кул тагидаги олов чириндилар орқали бошқа ташландиқ шахталарга ўтади. Ёнгишни ўчиришга қаратилган барча ҳаракатлар бесамар кетади. Ёнгишни ўчиришнинг чорасини топа олмаган ҳукумат шахталардан доимий равишда чиқиб турадиган тутундан инсонларни ҳимоялаш учун 1984 йилдан бошлаб шахта атрофидаги аҳолини кўчира бошлади. Ҳозирги кунда Централияда 1000 нафар аҳолидан атиги 9 киши яшамоқда.

1906 йилнинг 18 апрелида Сан-Францискода содир бўлган зилзила оқибатида ёнгиш келиб чиқади. Шаҳарнинг малакасиз қўқарувчилари аланга кенг тарқалиб кетмаслиги учун унинг йўлидаги уйларни портлатишади. Бу ҳам етмагандек, хароба уйлар эгалари ҳокимиятдан сугурта пули ундириш мақсадида ўз уйларини ёндириб юборишади. Оқибатда, шаҳардаги 25 мингта уй ёниб, 3000 одам ҳалок бўлади. Ҳокимият жабрланганларга сугарта тўлаш ўрнига талончиликни бартараф қилиш учун шаҳарга армия киритишга мажбур бўлади.

Нима қилиш лозим?

Кексалар ўт балосидан асрасин, деб кўп айтишади. Ўт чиндан ҳам бало. Касални даволагандан кўра олдини олган афзал деганларидек, ҳар қандай, ҳатто кичик ёнгишларнинг ҳам олдини олган маъқул. Бунинг учун;

- Уйингиз атрофини озода сақланг, атрофда қуруқ ўт, барг ва чиқинди тўпланиб қолишига йўл қўйманг;

- Том ва ертўлаларда тез ёнувчи воситаларни сақланманг. Бундай жойларда чекманг;

- Том ва ертўлага олиб чиқувчи эшикларни қулфлаб қўйинг;

- Зиналар ва чиқиш йўлларига шкаф ва шунга ўхшаш жиҳозларни қўйманг;

- Ҳовли ва кўчаларда ўт ўчириш машинасининг ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган қўшимча ошхона, гараж ва бошқа бинолар қурманг. Бундай бинолар қуриш учун рухсатнома олинг;

- Музлаб қолган қувурларни эритиш учун (айниқса, ертўла ва томларда) очиқ оловдан фойланманг;

- Ёш болаларга электр ва газ жиҳозларини ёқишга рухсат берманг;

- Болаларга ёнгиш ҳақида тушунча беринг. Гўдак болаларни уйда ёлғиз қолдирманг;

- Таъмирлаш ишлари олиб бораётганда, тез ёнувчи воситалар билан ишлаётганингизда хавфсизлик қоидаларига амал қилинг;

- Хонадонингиз ва қўшимча бинолардаги электр жиҳозлар созлигини таъминланг. Электр уланадиган жойлар (розетка ва бошқаларнинг) қизиб кетмаётгани ва учкун чиқармаётганини текшириб туринг;

- Дазмол, электрплита, электр чойнак, электр иситиш воситаларини парда ёнига, гилам ва мебел устига қўйманг. Уларни ёнмайдиган жиҳоз устига қўйинг;

- Кийим ва бошқа кирларни печ, газ плита ва иситиш воситалари устида қуритманг;

- Печ ёнига ерга 50x70 см. ўлчамдаги металл лист қоқиб қўйинг. Печ ёнига ёғоч мебел ўрнатманг. Ўтинни печ устида қуритманг;

- Гугурт ва бошқа ёндириш воситаларини болаларнинг қўли етмайдиган жойда сақланг;

- Тез ёнувчи жиҳоз ва жисмлар — спирт, газ баллон, пардоз воситаларини иссиқда, яъни олов яқинида ва қуёш нури тушадиган жойда сақланманг;

- Лупа, контакт линза, кўзойнак сингари ўткир оптик асбобларни қуёш нури тушадиган жойга қўйманг;

- Иссиқликнинг тўпланиб қолишига йўл қўйманг; Электр лампа, қандил, стол лампаси, телевизорларни қоғоз ёки мато билан ёпманг;

- Кўлбола иситиш воситаларидан фойдаланманг. Агар фойдалансангиз, уни қаровсиз қолдирманг;

- Кулдан эҳтиёт бўлинг. Кулнинг орасидаги чўғ бир неча кунгача сақланиб туриши мумкин;

- Ётган ўрнингизда чекманг. Чекимлиқ қолдигини ташлашдан олдин ўчганига ишонч ҳосил қилинг;

- Ошхонангизда нимадир ёниб турган бўлса, уни қаровсиз қолдирманг. Уйдан чиқиб кетишингиздан олдин газ ва электр чироқнинг ўчирилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Яхшиси, чиқиш эшигингизнинг ички тарафига газ, электр деб ёзиб қўйинг. Бу ёзув уйдан чиқиб кетишингиздан олдин газ ва электр чироқнинг ўчирилганлигини текшириб кўриш лозимлигини эслатиб туради;

- Ёнгиш чиққанда кимларга кўнгирақ қилиш лозимлигини оила аъзоларингизга тушунтириб қўйинг.

Ёнгиш пайтида

Хонадонлардаги ёнгишларнинг сабаблари ўрганилганда, ёниқ қолган электр жиҳозлари, ёлғиз қолган болалар, ётиб чекиш, носоз мўрилар, электр ўчиб қолганида бошқа воситалардан фойдаланиб, назоратсиз қолдириш сингариларга кўп дуч келинади. Шунинг учун эҳтиёт чораси сифатида ёнгиш пайтида нима қилиш лозимлигини билиб қўйган яхши.

- Ёнгиш пайтида босиқлик билан, фикр-мулоҳаза билан ҳаракат қилинг. Ваҳимага тушманг;

- Манзилингизни аниқ кўрсатган ҳолда ўт ўчирувчиларга хабар беринг;

- Газ ва электр тармоғини узинг;

- Қўл остидаги воситалар ёрдамида ёнгишга қарши курашинг. Нефт маҳсулотини ёнаётган бўлса, унга сув сепманг. Электр жиҳозлари ёнаётган бўлса, уни электр тармоғидан узмасдан туриб оловни ўчиришга ҳаракат қилманг;

- Ёнгишга қарши курашиш имкони бўлмаса, дарҳол бинони тарк этинг;

- Чиқаётган ёрдамга муҳтож одамлар ва уй ҳайвонларини қўтқаришга ҳаракат қилинг. Ёнаётган одамни кўрсангиз, уни бирор мато ёки кийим билан ёпиб, ерда думалатинг;

- Агар чиқиш йўлаклари тутун билан қопланган бўлса, ташқарига чиқишга ҳаракат қилманг. Уй ичида қолиб, эшик ва деразаларни бекитинг, улардан тутун ва ҳаво кирмаслиги учун тирқишларига ҳўл латта тикинг. Эшикка сув сеппиб туринг. Бошқалар сизни кўриши учун дераза ёнида туришга ҳаракат қилинг (деразани очманг);

- Агар тутунли жойга тушиб қолсангиз, ерга ётиб олинг. Ҳар доим тутун тепада, тоза ҳаво пастда бўлади.

Олдинда бизни қишли-қировли кунлар кутмоқда. Совуқдан қочиб, ўтга тутилмаслик учун ҳар доим эҳтиёткор ва эътиборли бўлган яхши.

Муҳиддин ТИНИБЕКОВ



Bayram liboslari

qanday bo'lishi kerak?



Биз, аёллар, байрамларни, тўй-тантаналарни ёқтирамиз. Алоҳида эътибор билан олдиндаги маълум санага тайёргарлик кўрамиз. Кечанинг маликаси бўлиш қайси аёлга ёқмайди? Бироқ бунда ҳаддини билиш, шароитга қараш, бошқалардан ажралошга интилиб, бачкана бўлиб қолмаслик ҳам эътиборга олиниши лозим. Кетма-кет келган байрам ва шодиёналарнинг ҳаммасига алоҳида-алоҳида кийинишни истаб оласини қийнаб кўядиган аёллар ҳам учраб туради. Бувим ёшлигимизда байрамларга тайёргарлик кўрсак, ўртоқларимиз билан кийимлар ҳақида баҳслашсак, ҳайит бир кунлик, тадориғи ўн кунлик, деб койиб кўярдилар. Ҳақиқатан, баъзи аёллар кечаларга салондан фалон сўмлик кийим олиб кийсалар, фалон юртдан шу кун учун атай олиб келтирган кийимни кўз-кўзласалар, айримлар чиройли шарф ташлаб олиб ҳам кундалик кийимни байрамонага айлантириб кетаверадилар. Бу ҳолатларнинг бирортасини ҳам тўғри ёки нотўғри дея баҳоламай, бошқаларнинг фикри билан қизиқиб кўрдик. Хулосаси ўзингизга ҳавола.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА, журналист.

— Аёл кишининг байрамона либоси қандай бўлиши керак?

— Бу саволга қисқагина жавоб бериб бўлмайди. Сабаби, фақат байрамлар назарда тутилаётган бўлса, уларнинг тури кўп. Янги йил базмига кийиладиган либос Наврўз айёмига тўғри келмайди. Агар тўй-ҳашамлар назарда тутилаётган бўлса, бунинг ҳам ўзига хос томонларини ҳисобга олишга тўғри келади. Тугилган кунга кийиладиган либос билан никоҳ тўйига кийиладиган либоснинг ҳам ўзига яраша рангида, бичимида фарқи бор. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам байрам либоси уйлик, кўчалик ва ишхонага кийиладиган либослардан фарқ қилиши керак. У чин маънодаги байрам нафаси уфуриб турадиган, жозибадор рангдаги матодан ўзига хос бичими билан бошқаларнинг диққатини тортадиган бўлиши керак. Ранглар борасида аниқ тавсия бериш қийин. Бу аёл кишининг юз ранги, қомати, сочининг, ҳатто кўзининг ранги билан боғлиқ масала. Бировга қордай оқ либос ярашса, бошқага ярашмаслиги мумкин. Бошқа бир аёлни бўғадиган ранг эса яна бирининг рангини очади. Дарвоқе, бу ўринда ёш ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Ёши катта ёки ўрта ёшли аёл бўй қиздай кийинса, бачкана кўринади. Шунинг учун бу ўринда кишининг диди эмас, дизайнерларнинг маслаҳати ҳам ҳисобга олиниши лозим.

— Байрам либосини танлаётганда нималарга аҳамият бериш керак?

— Таъкидланганидек, танланган мато рангининг ўз қиёфасига мос келиши муҳим аҳамиятга эга. Кейин қомат тузилишини унутмаслик керак. Модадан ортда қолмайман деб, ўта тор ёки кенг, этаги ерга тегадиган ёки тиззадан юқорида турадиган кўйлак кийган аёл кўпчиликнинг диққатини тортиши мумкин. Лекин гўзаллик тимсоли сифатида эмас... Муҳими, байрам либоси аёлнинг ҳуснига ҳусн қўшиши, латофатини ошириши, давранинг гулига айлантириши лозим. Бу эса оғзаки маслаҳат билан бўладиган иш эмас.

— Ҳозир оқном либосларини ижарага берадиган салонлар ҳам кўп. Бу борада фикрларингиз қандай?

— Салондан кийинишнинг битта қулай томони бор, ўзингиз орзу қилган газламадан тикилган, дидингизга мос ранг ва бичимдаги ҳар қандай либосни танлаб олса бўлади. Ҳатто ўзингиз кутмаган ҳолда гўзал либосни ҳам учратиб қолишингиз мумкин. Аммо гигиена деган но-

зик масала ҳам бор. Уни сизгача кимлар кийган? Териси соғломми, танида бошқа иллатлари йўқми? Бунинг асорати қолмаганми? Мана шу томонларини ўйласангиз, салондан кийим олиб кийишга ўйланиб қоласиз.

Мадина БОБОМУРОДОВА, чевар.

— Аёл кишининг (оқшом) байрамона либоси қандай бўлиши керак?

— Аёл кишининг ўзи гўзал, табиати ҳам гўзал бўлганидек, оқшом либоси ҳам жозибадор бўлиши керак. Аёл киши оқшом либосида бир хилликдан қочади, яъни алоҳида жозибали бўлишни истайди. Энг аввалло, оқшом либоси ўзига ёқиши, ярашиши, қоматга мос тушиши керак. Тўлачадан келган аёллар тўқроқ ранглардаги либосни танласалар, озгинроқ кўрсатади. Озгин аёллар очроқ рангдан фойдалансалар, янада жозибадор кўринадилар.

— Оқшом либосини танлаётганда нималарга аҳамият бериш керак?

— Ҳар ернинг тошу тарозиси бўлганидек, аёл киши оқшом либосини танлаётганда ўзлигини, миллийлигини йўқотмагани маъқул. Борадиган жойига қараб танласа, яхши бўларди. Аслида ёпиқроқ либос аёллик жозибасини беради. Кўполроқ бўлса ҳам айтай, мутлақо енгсиз либосдаги аёл кўпчиликнинг гашини келтираркан. Шунингдек, очиқ тиззалар ҳам акс гўзаллик касб этади. Тўй оқшоми учун либос танлаётган келинларга ҳам шу маслаҳатни бермоқчи эдим. Келинлар этаги узун, тошлари кўп, ҳашамли кўйлақларга қизиқишади. Бироқ бу либослар келин-куёв кўл ушлашиб, айланиб юриши учун ярашиқли. Ҳамма жамулжам бўлган тўйхонага елкалари яланг келин кириб келиб, салом беради. Айниқса, улар ўз жойларига ўтиришгач, келиннинг фақат очиқ елкалари кўришиб туради. Кўпсонли тўйхонада эса бу унчалик яхши манзара эмас...

— Салондан кийинишнинг қулай ва сиз ноўрин ҳисоблайдиган томонлари.

— Агар кўйлақ тиктирмоқчи бўлсангиз, яхши мато ва бичим, мутахассис излашингиз керак. Салондан кийинишнинг қулай томони шундаки, қайта ўлчашга келмайсиз. Бир кун олдин ёки ўша кунни ўзингизга ёққан тайёр кўйлақни олиб кетишингиз мумкин. Бироқ бир марта киядиган либоснинг маблағига кейин ҳам ўзингизники бўлиб қоладиган кийим олишингиз мумкин.

Бу борада эркаларнинг фикрлари билан ҳам қизиқиб кўрдик.

Ҳусниддин ЭРГАШЕВ, ўқитувчи.

— Аёл кишининг оқшом либоси қандай бўлиши керак?

— Аёлларнинг кийиниши билан унчалик қизиқмайману, лекин аёлим, қизимни борадиган жойларига кийим-кечак масаласида қарашаман. Иккаласи ҳам менинг дидим ва қарашимга муносиб кийинишади. Бизнинг оилада ҳар бир тўй, ҳар бир байрам учун алоҳида кийим қилинмайди. Аёлим ҳам, қизим ҳам чевар. Кўпроқ ўзлари тикиб, кийишади. Ўйлайманки, бу масалада улар мендан норози эмас.

— Оқшом либосини танлаётганда нималарга аҳамият бериш керак?

— Қизим ёш бўлгани учун фақат либос эмас, тақинчоқлар масаласида ҳам онасига маслаҳатгўй. Менга қолса фақат байрамона либослар эмас, ҳар кунлик кийимлар ҳам қулай, бошқаларнинг эътиборини ортиқча тортмайдиган, қисқача айтганда, ҳам замонавий, ҳам гўзал бўлиши керак.

— Ҳозир байрамона либосларни ижарага олиб кийиш ҳам мумкин. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай?

— Яхши. Шунга эҳтиёж бор экан, одамлар фойдаланаяпти. Салонлар ҳам ўз ўрнида ҳам ўзгаларнинг ҳожатини чиқаради, ҳам даромад олади. Бунинг ёмон томони йўқ. Лекин ҳали бизнинг оилада бу хизматдан фойдаланишмади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, аёлларнинг оқшом либоси танлашларида оиланинг, бориладиган жойнинг, бундан ташқари, шу аёлга тегишли, хос жиҳатларнинг ҳам аҳамияти катта эканига амин бўлдик. Фақат бунда кийим масаласи муаммага айланмаса бўлди. Зеро, донолар айтганидек, кийим инсонни эмас, инсон кийимни безайди.

Нигина ҚОДИРОВА тайёрлади



Donishmand

HASAN DASHTIY

Donishmand Hasan Dashtiy hayotidan keltirilgan rivoyatlarni o'qiganlar aslida uning kim bo'lgani bilan qiziqishlari tabiiy. Hasan Dashtiy — badiiy to'qima obraz. Muallif yaratgan ushbu qahramon siyosida zukkoligi, hozirjavoblighi va topqirlighi bilan har qanday masalaning to'g'ri yechimini topishga qodir donishmand bobolarimiz nimsolini ko'ramiz.

Tanishuv

Qadim zamonda bir podsho bo'lgan ekan. Uning vaziri olamdan o'tgach, o'rniga yangisini tayinlamoqchi bo'libdi. «Kimda kim, odamlar nazdida xor-u, o'zi dunyoda bebaho bo'lgan narsa nimaligini aytsa, o'shani vazir qilaman», deb talabini ovoza qilibdi. Saroy ahli ham, saroydan tashqaridagilar ham javob izlabdi. Javoblarning hech biri podshoga ma'qul kelmabdi. So'ngi umid shahar chetida yolg'iz yashaydigan donishmand Hasan Dashtiydan ekan. Odamlar podshoning savoliga faqat u javob topishi mumkin deyishibdi. Bu gapdan xabar topgan podsho darhol uni huzuriga chorlatibdi.

— Sizni ulug' podshomiz yo'qlamoqda. Tez biz bilan yuring! — debdi saroy odamlari uni shoshirib. Daraxt soyasida o'tirib savat to'qiyotgan donishmand saroy odamlaridan bamaylixotir so'rabdi:

— Mendan podsholikni ranjitadigan bir ayb o'tibdimi?

— Xavotirga o'rin yo'q. Sizdan hech bir ayb o'tmagan. Podshomiz siz bilan uchrashishni istaydi, xolos.

— Podshoning oyoq-qo'li, umuman, to'rt muchasi sog' mi?

— Albatta, to'rt muchasi sog'. Bunday bema'ni savol berishga qanday haddingiz sig'di? — deyishibdi saroy kishilari g'azablanib.

— Unda mendan ancha keksa odam ekan-da, — debdi yana xotirjam o'z ishida davom etib donishmand.

— Yo'q, podshomiz ayni kuchga to'lgan, navqiron yoshda, — deyishibdi unga javoban.

— Agar podshoning oyoq-qo'li shol yoki yoshi mendan ulug' bo'lganida, uning huzuriga borgan bo'lardim. Ammo aybsiz, ozod, podshodan yoshi ulug' bir odam bo'lsam, buning ustiga, u menga emas, men unga kerak bo'lib turganimda, nega endi uning huzuriga boray? Modomiki, ko'rishishni istarkan, o'zi kelsin, — debdi qariya pinagini ham buzmay.

Saroy odamlari qariyaning mantiqli, asosli gaplarini podshoga yetkazishga majbur bo'lishibdi. Podsho avval g'azablanibdi, so'ng qariyaning gaplarida jon borligini anglab yo'lga tushibdi.

Podshoning savolini eshitgan Hasan Dashtiy kulibdi. So'ng qo'lga bir kaft tuproqni olib sekin so'rabdi:

— Avval mening bir iltimosimga quloq tutsangiz. Mana shu bir kaft tuproq ham Sizga, Sizning saltanatingizga tegishli. Ijzat bersangiz, uni to'rvamga solib o'zim bilan olib ketsam. Evaziga qancha haq so'rasangiz, beray.

— Bir kaft emas to'rvangizni to'ldirib olsangiz ham haq

so'ramayman, — debdi podsho kulib.

— Demak, tuproq tekin. Siz uni tekin deyishingiz bilan qadrsizligini isbotladingiz. Men esa uning dunyoda hamma narsadan ustunligini isbotlayman. Shunda savolingizning javobi kelib chiqadi. Odam tuproqdan yaralganiga shubha qilmaymiz. Bir kun kelib, tuproq tagida mangu makon topishimizni ham hech kim inkor etolmaydi. Bundan chiqadigan xulosa, tuproq biz uchun hamma narsadan aziz va mukarramdir.

Hasan Dashtiyning mantiqli javobi podshoga ma'qul tushibdi:

— Javobingiz meni qanoatlantirdi. Kimda-kim shu savolga javob topsa, uni o'zimga vazir etib tayinlamoqchi edim. O'sha so'zim — so'z. Bu yurtida sizdan aqlli odamni uchratmadim, vazirim bo'ling!

Hasan Dashtiy podshoning taklifiga javoban:

— Oddiy savolning javobini bilmagan hukmdorga qanday qilib vazir bo'lay. Men vaziri bo'lgan podsho mendan yuz bora yuksak aql-idrok sohibi bo'lmog'i kerak, — debdi.

Podsho ichida uning zukkoligiga tahsin o'qib turgan ekan, endi dovyurakligiga ham tan bermay iloji qolmabdi.

— Unda, Siz podsho, men esa vaziringiz bo'lay!

Donishmand podshoning taklifiga javoban beozor jilmayib:

— Podsho bo'lsam, men ham Sizdek, vazirim haligi savolning javobini biladigan darajada zukko bo'lishini istayman, — debdi yana bir bor tafakkuri bilan uni lol qoldirib.

Hukmdor: «Unda menga ustoz bo'ling. Sizdan ko'p narsani o'rganishim kerakligini anglab turibman», — debdi uning etaklarini ko'ziga surtib.

Hasan Dashtiy podshoning oqil va ziyrakligiga ichida tasannolar o'qib, rozilik bildiribdi.

Eng yaxshi sovg'a

Kunlarning birida podsho ustozini ko'rgani bormoqchi bo'libdi va «Ustozim uchun eng yaxshi sovg'a - kitob», deb saroy kutubxonasidan qadimiy va nodir qo'lyozmalardan keltirishlarini buyuribdi.

Kitobni ko'rgan Hasan Dashtiyning yuzi oftobdek charaqlab ketibdi. Podsho ham sovg'asi ustoziga ma'qul kelganidan xursand bo'libdi.

— Davlatpanoh, kitoblarni o'zingiz ham o'qiganmisiz? — debdi Dashtiy. Ustozining qo'qqis bergan savolidan hijolat bo'lgan hukmdor:

— Davlat yumushlaridan qo'l bo'shab mutolaa qilolganimcha yo'q, — deb javob qilibdi.

— Undoq bo'lsa o'zingiz o'qimagan, mazmunidan xabarsiz kitobni birovga sovg'a qilishingiz to'g'ri bo'lmas, — donishmand shu gapni aytib, podsho bilan xayrlashibdi.

Podsho saroyga qaytgach, kitoblarni qiziqish bilan o'qib chiqibdi va shundan so'ng yorug' yuz bilan ustoziga taqdim qilibdi.

Hidoyat OLIMOVA



*Саратокники ўти, куги ётмаган
Ҳоразм тарафидида эрий.моқда нуз.
Сен келиб бахтиимни ҳис ёт.моқдаман,
Сен зам мени энди ташлаб кетма, куз...*



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Вазирлик тасарруфидаги Тошкент маданият коллежи, Самарқанд санъат коллежи, Урганч санъат коллежларига ўқув, маънавий-маърифий ишлар ҳамда касбий таълим бўйича директор ўринбосари лавозимларига, Қашқадарё маданият коллежи маънавий-маърифий ишлар ва касбий таълим бўйича директор ўринбосари лавозимларига замонавий талабларга жавоб берувчи, юқори малакали, чуқур касбий билимга, ижодий ва илмий потенциалга, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларга эга бўлган номзодларни саралаб олиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда малака даражаси катта ўқитувчидан кам эмас, таълим муассасаларида камида беш йиллик педагогик иш стажига эга бўлган, илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр дипломига эга мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳлаганлар тегишлилиги бўйича Тошкент шаҳар, Самарқанд вилоят, Хоразм вилоят, Қашқадарё вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаларига тегишли ариза (Сўровнома ва таржимаи ҳол; маълумоти, илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари, илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса); 4x6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат; даъвогарлик қилаётган лавозим бўйича ихтиёрий шаклдаги ёзилган режа (концепция) билан мурожаат қилишлари лозим.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Кўшимча мурожаат учун: (8 371) 239-44-91



Клод Моне.
Куёш чикиши
арафасидаги
таассурот.

IMPRESSIONIZMNING «TUG'ILGAN KUNI»

Кўп ҳолларда санъатга доир ҳодисаларнинг бошланғич нуқтасини белгилашда аниқлик етишмайди. Аксинча, бир асрнинг охирию нариги асрнинг бошларида, муайян асрларнинг ўрталарида юзага келган қабилидаги мавҳумлик кузатилади. Тасвирий санъат тарихида буюк ислохотлар даврини бошлаб берган импрессионизм оқимининг пайдо бўлиши эса аниқ: 1874 йилнинг 15 апрели. Айна санани тасвирий санъатнинг рангтасвир турида импрессионизм оқимига асос солинган кун сифатида эътироф этиш мумкин.



Клод Моне. Куз.

Маълумки, XIX аср тасвирий санъатининг устувор йўналиши сармоядор шахсларнинг буюртмаларига асосан катта авлод рассомлари томонидан шоҳона кўринишда, академик тасвирий санъатнинг реалистик қонуниятлари асосида яратилган картиналарга бўлган талаб ўша давр маданий ҳаётининг бадиий-эстетик эҳтиёжи мазмунини белгилаб берар эди. Бироқ шу даврга келиб, бир гуруҳ рассомлар яратётган картиналари композициясига асосан табиатдан олаётган таассуротлар таъсирида юзага келган образлар бош объект сифатида қабул қилиниб, аънанавий рангтасвирдан фарқли тарзда рангларни асосий восита сифатида қабул қилдилар ва ўз палитраларида фақат спектр ранглар (қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, ҳаворанг, тўқ кўк, бинафша)дан фойдаланган ҳолда асарларини бевосита табиат кўйида яратишга интилдилар. Импрессионистлар ижодий услубининг яна бир жиҳати улар рангларни бир-бирига қориштириш орқали эмас, балки турли тусдаги ранг суртмаларини ёнма-ён суртиш воситасида асар яратдилар. Табиийки, бу услуб санъат ихлосмандлари ва санъатшуносларнинг қаттиқ танқидига учради. Қолаверса, ҳар йили Луврда ўтказиладиган «Салон» кўрғазмасига қўйилмаслик янги оқим вакиллари учун

моддий муаммолар келтириб чиқарган бўлса-да, улар ўз қарашлари, илгари сураётган тенденцияларига содиқлик билан ижод қилишда давом этдилар. Ва улар англадиларки, энди импрессионистлар учун фақат бир йўл қолган эди: ўз иттифоқларини тузиб, мустақил кўрғазма ташкил қилиш. Шундай қилиб, импрессионистлар 1874 йил 15 апрелда Парижнинг Капучинлар бульваридagi 35-уйда жойлашган Гербуа кафесида ўзларининг дастлабки кўрғазмаларини ташкил этдилар. Унда Клод Моне, Огюст Ренуар, Эдгар Дега, Пол Сезанн, Алфред Сислей ўз асарлари билан иштирок этганлар. Кўрғазмага қизиқиш жуда катта бўлган. Боиси, кўпчилик улар қандай каромат кўрсатишларини кўришни истаганлар, қолаверса, кириш нархи атиги бир франк эди. Намойиш этилган ишлар орасида Клод Моненинг аслида номсиз бўлган, бироқ кўрғазмага осилаётганда Ренуарнинг укаси таклифи билан «Куёш чикиши арафасидаги таассурот» деб номланган асари бу гуруҳнинг «таассуротчилар» (таассурот — французча «impression») сифатида эътироф этилишларига сабаб бўлган. Аслида «Фигаро» газетасининг журналистлари кўрғазма ҳақидаги ҳисоботларида бу сўзни киноя билан лақаб сифатида қўллаганлар. Омма эса уларни импрессионистлар деб атаётганлар. Шу тариқа 1874 йилнинг 15 апрелдан эътиборан, тасвирий санъат тарихида импрессионизм оқимига асос солинган. Бу оқим тез орада Европа, Америка, Осиё мамлакатларига сезиларли таъсир ўтказди ҳамда санъатда янада янги оқим ва йўналишлар юзага келишига замин яратди. Шунингдек, тасвирий санъатнинг бошқа турларига, умуман, санъатнинг мусиқа (К.Дебюсси ижоди мисолида) ва адабиёт (Ги Де Мопассан ижодида) каби соҳаларида ҳам импрессионистик йўналишлар кузатилди.

Ўзбекистон тасвирий санъатида Л.Буре, О.Татевосян, А.Волков, П.Бенков, А.Мирсоатов, Ж.Умарбеков, Ш.Абдурашидов, А.Юнусов, Я.Салпинкиди, Д.Мирсалимовларнинг ижодида импрессионизм унсурларини кўриш мумкин.

Эндиликда импрессионистлар томонидан яратилган асарлар санъат бозорида энг қиммат картиналар сирасига киради. Тасвирий санъат асарлари савдоси билан шуғулланувчи Пол Дюран-Роюл ўз вақтида ўта қобилиятли рассомлар етишиб чиқаётганлигини англаб, Моненинг бир неча асарини 20 франкка сотиб олиб, ҳар бирини 20 минг франкдан сотгани, вақтлар ўтиб, уларнинг ҳар бири бир неча ўн миллионга баҳоланганлиги, ҳақиқатан ҳам, импрессионистлар тасвирий санъат тарихида ўзига хос инкилоб қилганлигини англатади.

Аскарали СУЛАЙМОНОВ



Клод Моне. Фонтенбло ўрмонида.